ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

«БМИни ҳимоя учун ДАКга
тавсия қиламан» факултет
декани_____
Т.Шарипов
«___» _____ 2013 йил

«Касб-ҳунар таълими» кафедраси
В 5140901 – «Касбий таълим (ижтимоий-иқтисодий соҳа)»
таълим йўналиши бўйича

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: Талабаларнинг интелектуал салоҳиятини шакллантиришда ва ривожлантиришда касбий таълимнинг тутган ўрни

Бажарди: КТИ – 109 гуруҳ талабаси Садиков Ф.

Илмий раҳбар: «Касб-ҳунар таълими»
кафедраси доценти, т.ф.н. Қаршиев Р.Қ.

Малакавий иш муҳокама қилинди
ва ҳимояга рухсат берилди:
кафедра мудири, и.ф.д., профессор
_____ М.М.Мухаммедов
«___» _____ 2013 йил

Самарқанд – 2013

МУНДАРИЖА

КИРИШ…….....3

I БОБ. ШАХСНИ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ИЛМИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ РОЛИ ВА ЎРНИ

1.1. Шахс интеллектуал камолоти боскичлари ва уларга мос дунёкарашнинг шаклланиши.....12

1.2. Шахсий маънавий юксалишида интелектуал салоҳиятнинг аҳамияти….....31

II БОБ. ИНТЕЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА КАСБИЙ ТАЪЛИМНИНГ АХБОРОТЛАШГАН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

2.1. Илмий дунёқарашни юксалтириш ёрдамида талабаларга ақлий тарбия беришни такомиллаштириш алгоритмик босқичларини ишлаб чиқиш…….....43

2.2.Талабаларнинг интелектуал салоҳиятини шакллантириш ва юксалтиришда касбий талимнинг компьютерли тизимини ишлаб чиқиш……..…….....75

ХУЛОСА …….....90

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....95

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимизнинг истиқболи кўп жиҳатдан баркамол интеллектуал салоҳиятли авлодни шакллантириш ва унга мос таълим–тарбия олиб боришга боғлиқ ва бунга мустақил Республикамиздаги ижтимоий–тарихий тараққиётнинг тезкор суръатлар билан ривожланиши, фан–техника ва технологиялар соҳаларида қўлга киритилаётган ютуқларнинг таълим–тарбия соҳасига кенг жорий этилиши асос бўлмоқда. Бу асослар ўз Ватанини ва халқини севадиган, миллий мафкурамизга садоқатли, мустақил фикрлайдиган ижодкор шахсни шакллантиришдек муаммо ечимини ҳал этишни таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг устивор йўналишларидан бири даражасигача кўтарди. Бу борадаги ишларнинг аҳамиятлилигини Президентимиз қуйидагича таъкидлаган эди: **«Биз комил инсон тарбиясини давлат сиёсатининг устивор соҳаси деб эълон қилганмиз. Комил инсон деганда биз, аввало, онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ–атфори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз».**[12] Бу ҳақда Ўзбекистон Республикасининг **“Таълим тўғрисида”**ги Қонуни, **“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”** ва таълимни ислоҳ қилиш борасидаги бошқа меъёрий ҳужжатларида таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва шу асосда интеллектуал салоҳиятли маънавий баркамол авлодни шакллантириш давлат аҳамиятига молик муҳим масалалардан эканлиги таъкидланган. Айниқса, бу борада «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да «Халқнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида, замонавий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва технологияларнинг ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукаммал тизимини шакллантириш Ўзбекистон тараққиётининг муҳим шарти» эканлиги асосланган .

[1] Каримов И.А. Иқтисодиётни эркинлаштириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш – бош йўлимиз. // Маърифат, –Тошкент: 2002 (16.02.02й.). – Б. 1– 2.

Эркин ва мустақил фикрловчи, дунёқараши кенг, ижодкор, миллий мафкурамизга садоқатли бўлган интеллектуал салоҳиятли баркамол шахсни шакллантириш фан–техника ва технологияларининг энг сўнгги ютуқларидан таълим–тарбия соҳасида кенг фойдаланишни тақозо этади ва бу билан жаҳон андозалари талабларига тўлиқ жавоб берадиган рақобатбардош кадрлар тайёрлашга эришилади. Бунда «XXI аср – интеллектуал аср»нинг, яъни ахборотлашган жамиятнинг фаол иштирокчиларини тарбиялаш энг муҳим долзараб муаммолардан бири бўлиб, унда ақлий меҳнатнинг ривожланишини таъминловчи интеллект ва билимлар рўёбга чиқарилади ҳамда истеъмолда улардан фойдаланилади. Ушбу муаммо ечимини ҳал этишда жамиятни ривожлантиришнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлиш ахборотларни ишлаб чиқиш ва ундан режалаштирилган мақсадларда самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, бугунги кун тараққиёт савияси ҳаётимиз турли жабҳаларида замонавий техника ва технологияларнинг энг сўнгги ютуқларидан кенг фойдаланиш орқали аниқланмоқда ва бунда ижобий натижаларга эришилмоқда. Айниқса, бу борада ахборот коммуникацион – технологиялар (АКТ)идан амалий фаолиятда фойдаланиш ўзига хос инновацион жараённи акс эттириб, истиқболли натижаларни қўлга киритишга кенг имкониятлар яратилмоқда. Бу борада В.М. Глушковнинг қуйидаги фикри қимматлидир: **«XXI асрда техника ривожланган давлатларда ахборотларнинг асосий қисми қоғозсиз – ЭҲМ хотирасида сақланади. XXI аср бошларида ушбу ахборотлардан фойдалана олмаган киши XX аср бошидаги ўқишни ҳам, ёзишни ҳам билмайдиган кишига ўхшаб қолади»**[3] **.**

Республикамизда ҳам ушбу соҳага, яъни жамиятни ахборотлаштириш бўйича эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда. Яъни республикамизнинг барча тармоқларини ахборотлаштириш ва уни такомиллаштириш бўйича қатор қарорлар, қонунлар, фармойишлар,

[3] Глушков В.М. Основы безбумажной информатики.-М.:Наука, 1978…-332 с.

йўриқномалар ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатлар қабул қилинмоқда ва улар амалиётга жорий қилинмоқда. Жумладан, «Ахборотлаштириш», «ЭҲМлар учун дастурлар ва маълумотлар базаларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш», «Алоқа», «Интернет», «Масофавий таълим», «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги ва «2001–2005 йилларда компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш чора–тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари асосида Республикани 2010 йилга қадар ахборотлаштириш соҳасида стратегик устуворликни амалга оширишнинг йирик давлат дастури қабул қилинди ва телекоммуникация тармоқларини ривожлантиришнинг меъёрий ҳуқуқий асослари яратилди.

Бу яратилган имкониятлар талабаларнинг дунёқарашини кенгайтириш ва уларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш асосида таълим жараёнида янги техника–технологияларни қўллашни ўзлаштиришнинг истиқболли йўналишларини очиб беради. Бу эса АКТ дан фойдаланган ҳолда илмий дунёқараши кенг баркамол авлодни шакллантиришнинг дидактик асосларидан бири ҳисобланади.

Замон тараққиётига мос ривожланиш, яъни ҳозирги даврнинг шиддаткор ва шаҳдам одимлари мунтазам равишда юксалишда бўлиб, олдимизга масъулиятли вазифаларни қўймоқда. Айниқса, илм–фан ва техника–технологияларнинг ривожланиб бориши, ахборот–коммуникациион технологияларнинг такомиллашиб бориши қайси соҳада бўлмасин албатта замонавий компьютерлар билан тиллашишга чорламоқда. Чунки, иш фаолиятида компьютер технологиясидан фойдаланмаслик, дунёдаги замонавий ўзгаришлар, тараққиётдан ортда, жамият ривожланишидаги маълумотлар оқимидан бенасиб қолишимизга сабаб бўлмоқда.

Дарҳақиқат, олий педагогик таълим муассасаларида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини тайёрлаш ҳам юқорида қайд этилгандек, АКТ дан самарали фойдаланишни талаб этадиган кўп қиррали муаммо

бўлиб, бу жараёнда турли фан асосларини ўзлаштиришни тақозо қилинади. Айниқса, бўлажак касб-ҳунар таълими ўқитувчилари (БКҲТЎ)дан саводхонлик асосларига ва ҳисоблаш тафаккурини ривожлантиришга оид барча фанлар бўйича билим, кўникма ва малака (БКМ)га эга бўлишликни талаб этади. Бу ўз навбатида замонавий таълим тизими олдига маънавияти юксак, интеллектуал салоҳияти юқори, илмий дунёқараши кенг рақобатбардош БКҲТЎни тайёрлаш лозимлигини кўрсатади. Бу ҳақда, яъни замонавий талаблар асосидаги мутахассислар тайёрлашни Президентимиз И.А.Каримовнинг қуйидагича ўқтириб ўтган: **«Юқори малакали, замонавий билимга эга бўлган, ҳозирги кун талаблари асосида фикрлай оладиган етук кадрлар тайёрлаш ҳам ижтимоий–сиёсий, ҳам иқтисодий муаммоларимизни ҳал этишнинг калити ҳисобланади» .**

Юқори малакали, замонавий билимларга эга бўлган мутахассисларни тайёрлаш борасидаги илмий изланишларимиз натижалари шуни кўрсатмоқдаки, мустақиллик туфайли қўлга киритилган ўзликни англаш, миллий қадриятларга содиқ ва энг асосийси миллий ғурурга эга бўлган илмий дунёқараши кенг, интеллектуал салоҳиятли ББСЎни тайёрлаш замонавий таълим тизими олдидаги долзарб муаммолардан бири экан.

Ҳозирги вақтда ББСЎни тайёрлашнинг мазмун–моҳиятини такомиллаштириш бўйича бир қатор илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда ва уларга мос илмий–методик натижалар қўлга киритилмоқда. Аммо, ҳозиргача, ББСЎнинг илмий дунёқарашини АКТ негизида шакллантиришни технологиялаштиришнинг илмий–педагогик асослари яратилмаган. Ушбу ҳолат олий ўқув юртларида ББСЎнинг илмий дунёқарашини шакллантиришни педагогик ва АКТ нуқтаи назаридан асослаш зарурлигини таъкидлайди. Ушбу заруриятдан келиб чиққан ҳолда ушбу–методик қўлланмани **«Шахс интеллектуал камолотида илмий дунёқарашни юксалтириш технологиясидан фойдаланиш»** деб атадик.

Қуйида ушбу соҳада олиб борган тадкикотимиз ҳакидаги маълумотларни келтирамиз.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси: Педагогик тадқиқотлар тараққиётининг замонавий босқичларида ҳам янги авлод кадрларини таълим мазмунини модернизациялаш асосида тайёрлаш, уларнинг қиёфасида энг олий маънавий–ахлоқий сифатларга эга бўлган, интеллектуал салоҳиятли етук баркамол кадрларни етиштириш бўйича кўплаб асарлар яратилган. М.Иномова, У.Маҳкамов, О.Мусурмонова, С.Нишонова, Р.Сафарова, М.Қуронов, А.Чориев, Ж.Ғ.Йўлдошев, Ж.Х.Ҳасанбоев, Х.Ибрагимов, Б.Х.Рахимов, М.Ҳ.Маҳмудов, Р.Ш.Ахлиддинов, Р.Ҳ.Жўраев, Ш.Қ.Мардонов, Ў.А.Жуманазаров, З.Исмоилова каби олимлар томонидан яратилган асарлар шулар жумласидандир.

Узлуксиз таълим тизимида бўлажак ўқитувчиларнинг илмий дунёқарашини кенгайтириш ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш асосидаги касбий етук мутахассислар тайёрлаш муаммолари А.А.Вербицкий, Б.Р.Жўраева, В.К.Дьяченко, М.Э,Жумаев, И.А.Климова, Н.В.Кузьмина, С.Н.Маркова, В.С.Мерлин, Л.М.Митина, В.А.Сластенин, Н.Е.Шуркова, В.Каримова, Ҳ.Тиллашева, Б.Х.Рахимов, О.Ҳасанбоева, Р.Х.Аминова, Ф.Маҳкамов, М.Қодирова, О.Ражабова, О.Ортиқов, Э.Турдиқулов, В.И.Андриянова, Х.Ф.Рашидов, Н.О.Сулаймонов, З.И.Мирзаюнусова, М.Ҳ.Маҳмудов, Ю.Маҳмудов, К.Г.Юлдошев, А.Ҳамидов, Х.Салохонов, С.В.Кульневич, Д.Н.Юлдошев, Ш.Турдиев ва бошқаларнинг илмий ишларида ёритилган.

Маълумки, кейинги йилларда таълим–тарбия жараёнидаги фаолият юритишни муайян режалаштирилган тартибга солувчи ёндашув сифатида педагогик технология назариясидан фойдаланган ҳолдаги педагогик фаолият эътироф этилмоқда. Жумладан, бўлажак мутахассисларни тайёрлашларга технологик ёндашув қилиш ва мазкур жараёнларга АКТ дан кенг фойдаланишни амалга ошириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада Н.Азизхўжаев, С.И.Архангельский, В.Т.Афанасьев, В.П.Беспалько, И.В.Блауберг, М.Ю.Бокарев, Г.А.Бокарева, В.С.Ильин, Э.Г.Юдин, Ю.А.Гихоржевский, И.Я.Лернер, В.А.Сластенин, С.В.Шмелёва,

А.А.Абдуқодиров, Т.Азларов, А.Бахромов, Б.Болтаев, Р.Р.Боқиев, У.Йўлдошев, Н.Тойлоқов, Х.А.Тўрақулов, Ш.Шарипов, А.Ҳайитов, К.Зарипов, Ж.Ғ.Йўлдошев, М.Кларин, М.Очилов, Н.Сайдахмедов, Ў.Қ.Толипов, Б.Л.Фарберман, И.Тўхтаров, Н.Хожибоев, Н.Х.Кушвактов, Д.Ашурова, З.Юлдошев, М.В.Глушков, Ш.Ф.Холматов, Қ.Эшматов, В.И.Боголюбов, Б.С.Гершунский, П.И.Образцов, С.А.Смирнов, М.Х.Лутфуллаев, Б.Мирзаахмедов, У.Нишоналиев, А.Салахова, М.Шамсиев ва бошқа тадқиқотчиларнинг илмий изланишлари натижалари аҳамиятлидир. Юқорида номлари қайд этилган мутахассис–олимларимизнинг илмий изланишлари натижалари таълим–тарбия жараёнларини олиб боришнинг бўлажак мутахассисларни тайёрлашнинг оптимал вариантларини яратишга муҳим дидактик асос бўла олади. Аммо, айнан талабаларнинг илмий дунёқарашини шакллантиришга оид ахборот–коммуникацион технологияларини яратишга бағишланган муаммо ўзининг мукаммал илмий–услубий ечимини топмаган.

Бу ва бошқа тудқиқот ишларига асосланган ҳолда қайд этиш мумкинки, **талабалар илмий дунёқарашини ахборот технологиялари асосида шакллантиришнинг педагогик асосларини яратиш интеллектуал салоҳиятли бўлажак мутахассисларни тайёрлаш йўналишидаги долзарб педагогик муаммолардан биридир.**

Олий таълим тизимида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг илмий дунёқарашини юксалтиришнинг ахборот коммуникацион технологияларини ишлаб чиқиш ва уни амалиётда жорий этиш.

Тадқиқот ишининг мақсади: Талабаларнинг интелектуал салоҳиятини шакллантиришда ва ривожлантиришда касбий таълимнинг тутган ўрнини тадқиқ этиш ва такомиллаштириш борасида илмий ва амалий таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқиқот ишининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. Талабаларнинг интелектуал салоҳиятини шакллантиришда ва ривожлантиришда касбий таълимнинг илмий назарий асосларини таҳлил қилиш;

2. Талабаларнинг интелектуал салоҳиятини шакллантиришда ва ривожлантиришда касбий таълимнинг тутган ўрни муаммоларини ўрганиш;

3. Ўқув-тарбиявий жараённи ташкил этишда замонавий педагогик технологияларни қўллашнинг тадбиқий асосларини ўрганиш;

4. Замонавий педагогик технологияларни қўллашда ҳисобга олинадиган айрим педагогик-психологик тажрибаларни таҳлил қилиш;

5. Таълим самарадорлигини таъминлашда замонавий ахборот коммуникацион технологияларидан фойдаланишнинг самарали жиҳатларини ўрганиш;

6. Замонавий педагогик технологиялар асосида таълим самарадорлигини оширишнинг педагогик жиҳатларини асослаш;

7. Замонавий педагогик технологиялар асосида ўқув жараёнини ташкил этишда ўқув лойиҳасини ишлаб чиқиш;

8. Тадқиқот натижалари асосида хулоса ва таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти – Самарқанд Банк коллежининг ўқув-тарбия жараёни.

Тадқиқотнинг предмети эса қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида олиб борилаётган малакали кадрлар тайёрлашдаги иқтисодий-ижтимоий ислоҳотлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг методологик асоси – аввало Ўзбекистон еспубликасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, «Иқтисодий ислоҳотлар концепцияси» ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», Президентимиз И.Каримовнинг таълимни ислоҳ қилиш, иқтисодиётни эркинлаштириш, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришмазмунини ташкил этган фикр ва ғоялари хизмакт қилди.

Тадқиқот ишиниг илмий янгилиги: Таълим тизиимда замонавий педагогик технологияларни жорий қилишнинг ижтимоий-психологик ва илмий-педагогик жиҳатлари тадқиқ этилди, замонавий педагогик технологиялар асосида ўқув жараёнини ташкил этишда ўқув лойиҳаси ишлаб чиқилди, иқтисодчи педагог кадрлар тайёрлашда мазкур тизимни такомиллаштириш йўналишлари асослаб берилди ва бу муаммо борасида илмий ва амалий таклифлар ишлаб чиқилди.

Битирув малакавий ишининг аҳамияти: тадқиқот ишида ишлаб чиқилган амалий таклифлар ва мулоҳазалар иқтисодчи – мутахассислар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга ўзининг муносиб ҳисасини қўшади. Тадқиқот ишининг натижаларидан Ўзбекистон Республикасининг олий ва ўрта махсус таълим тизимида, хусусан, педагог тайёрловчи касб-ҳунар коллежларида, иқтисодиёт йўналишидаги академик лицейларда бевосита ва билвосита фойдаланишлари мумкин. Берилган тавсия ва кўрсатмалар таълим тизимининг барча йўналишлари педагоглари учун дастурлар, услубий мажмуалар яратишга ёрдам беради.

Тадқиқот ишининг тузилиши ва таркиби:

Битирув малакавий иши кириш, иккита боб, 4 та параграф, хулоса, адабиётлар рўйхати, жадваллардан иборат.

Ишнинг кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги, илмий муаммонинг мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти, предмети, илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти ёритилган.

Битирув малакавий ишининг биринчи боби «Шахсни интелектуал салоҳиятини шакллантиришда илмий қадриятларнинг ўрни ва роли» деб номланган бўлиб, бунда шахс интеллектуал камолоти боскичлари ва уларга мос дунёкарашнинг шаклланиши ,шахсни маънавий юксалишида интелектуал салоҳиятнинг аҳамияти ҳақидаги маълумотлар келтириб ўтилган.

Битирув малакавий ишининг иккинчи боби « интелектуал салоҳиятини ривожлантиришда касбий таълимнинг ахборотлашган

технологияларини қўлланилиши» деб номланган бўлиб, бунда педагогик технологияларнинг психологик моҳияти, замонавий педагогик технологияларни қўллашда ҳисобга олинадиган айрим педагогик-психологик тажрибалар, таълим самарадорлигини танлашда замонавий ахборот-коммуникацион технологияларидан фойдаланишнинг самарали жиҳатлари ҳақидаги маълумотлар кенг ёритиб берилган.

Битирув малакавий ишининг хулоса қисмида мавзуга якун ясалиб, тадқиқот ишининг мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда ижобий натижаларни амалиётга қўллаш учун таквсиялар берилган. Аниқликлар киритиш ва изоҳлаш учун тажрибаларни асослаш мақсадида иловалар келтириб ўтилган.

I БОБ. ШАХСНИ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ИЛМИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ РОЛИ ВА ЎРНИ

Шахс интелектуал камолоти босқичлари ва уларга мос дунёқарашнинг шаклланиши

Шахс камолоти асосини у яшаб турган ижтимоий муҳит ва тарбия белгилайди.

Муҳит – шахс ҳаёт кечириш ва яшаш шароитидаги теварак–атроф, кишилар, оила, маҳалла, меҳнат фаолиятини юритишдаги жамоа ва шу кабилар.

Тарбия – одамзоднинг фарзандини боқиб, таълим бериб вояга етказиш учун қилинадиган меҳнати ва ғамхўрлигидир.

Инсондаги ақл, онгнинг ривожланиб бориши натижасида табиат ва жамиятдаги ҳодиса ва жараёнлар кечишини ўрганишга, уларни имкон бўлганда бошқаришга бўлган қизиқиш, интилиш ҳамма вақт ҳам долзарб муаммо бўлиб келган. Энг асосийси булар масофа ҳам, ирқ ҳам, миллат ҳам танламайди.

Ақл – инсон миясининг дунёни акс эттириш ва шахснинг воқеликка бўлган муносабатларини бошқариб турадиган фаоляти.

Онг – кишининг фикрлаш қобилияти ёки инсоннинг ижтимоий ҳаётни тушуниши, сезиши ва унга бўлган шахсий муносабати, яъни тафаккур маркази бўлиб унда фикр ва маълумотлар жамланади ва у қалбдаги эътиқод асосида **дунёқарашни** шакллантиради.

Демак, онгли инсон пайдо бўлибдики, фикр, ғоя, қараш, мафкура, таълимотлар шаклланиб, улар асосида илм, фан, техника, технология, таълим, тарбия тадрижий (эволюцион) тарзда ривожланиб келмоқда ва такомиллашиб бораверади.

Бизга маълумки, тарбия масаласи билан улуғ бобокалонларимиз доимо шуғулланиб келган. Улар Абу Наср Фаробий, Алишер Навоий, Имом Ал–Бухорий, Юсуф Хос Ҳожиб ва ҳоказолар. Бу борада Абу Наср Фаробийнинг **«Фозил одамлар шаҳри», «Фазилат, бахт ва камолат ҳақида»** ва шу каби

асарлари бугунги ёшларимиз тарбиясида ҳам ниҳоятда ибратлидир. Қайд этилган асарларнинг асосий мазмунини тарбия воситалари, шакллари ва шу кабилар ташкил этади.

Тарбия ўзи нима, деган саволга Фаробийдан қуйидагича кетма–кетликдаги жавобни топиш мумкин:

- «Камолот **– бу яратган Аллоҳнинг борлигини онгли равишда сезиш ва ундан воқиф бўлиш»;**
- «Камолатга элтувчи йўл **– гўзал фазилатли ва хайрли (яхши) ишларни ички хоҳиш ва истак билан такрорлаш, уларга мунтазам амал қилиш»;**
- «Бахт **– ахлоқий фазилатларни ўзлаштириш натижаси»;**
- «Бахт белгиси **– руҳнинг лаззат олиши ва яратганни севиш»;**
- «Камолат натижаси **– абадийликка эга бўлиш». [10].**

Турли ёш ва ҳар хил жинсдаги бола ривожланиши, дунёқараши ахлоқий ва жисмоний камол топишига ижобий таъсир қиладиган омил ҳамда шарт–шароитларини билиш ва улардан унумли фойдаланиш шахс камолотида муҳим асос бўлиб ҳисобланади. Тарбия тизимида, ишлаб чиқаришда билимсизлик, саводсизликни йўқотиш учун болалар руҳиятидан қариялар маънавиятигача назарий ва амалий билимларни эгаллаш давримиз талабидир. Маълумки, инсон дунёга келган давридаги оддий сезишдан бошлаб мантиқий фикр ёритишгача ўтадиган давр она учун жуда узоқ ва машаққатлидир. Янги туғилган чақалоқ дастлабки дақиқалардан бошлаб сезги органи ёрдамида атроф муҳитни акс эттиришга киришади. Унинг тафаккури бир неча ойлар ҳатто йиллар давомида вужудга келади, нутқ ва тафаккур биринчи мазкур ривожланишни амалга оширади. Нутқнинг ривожи бола шахсининг ривожини тезлаштиради. Шахслараро муносабатларни юқори даражага кўтаради.

Бола ҳаётининг ҳар дақиқаси ҳар бир ойи жисмоний ва руҳий жиҳатдан шаклланишдаги муҳим давридир. Болани туғилгандан бир

ёшга етгунгача педагогик–психологик фаолият нуқтаи–назаридан унга ёндашиб, қуйидаги ёш даврларни босқичларга ажратиш мумкин:

1) **чилла даври (1 ойдан – 1,5 ой)**
2) **илк чақалоқлик даври (1,5 ойдан 6 ойгача)**
3) **чақалоқлик даври (6 ойдан 9–10 ойгача)**
4) **сўнгги чақалоқлик даври (10 ойдан 1 ёшга етгунгача) ва ҳ.к.**

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, бола камолати ва тарбиясини она қорнидаёқ ўйлаш лозим экан, чунки тарбия туфайлигина шахс камолати узлуксизлигини ва узвийлигини таъминлаш мумкин. Шунингдек, ҳар томонлама етук инсон камолатининг энг муҳим ва зарурий омилларидан бири ҳам тарбиядир. Шахс камолатида тарбияланувчининг ёш хусусияти албатта эътиборга олинади. Уларни биз шартли равишда қуйидагича уч босқичга бўлиб ифодаладик: болалик (чақалоқлик даврида 11 ёшгача); етуклик (12 ёшдан 40 ёшгача) ва кексалик (40 ёшдан умрининг охиригача) ва буни инсон умри, деб атадик.

Инсоният пайдо бўлибдики, унда яшовчи онгли инсонлар тинч ва фаровон, бахтли–саодатли, сиҳат–саломатли умр кечиришни орзу қилади.

Демак, бахтли, маънан ва жисмонан соғлом ҳаёт кечириш инсон **умрининг мазмунини** белгилайди.

Мустақиллик, халқимизни ўз турмуш тарзини, яъни умр мазмунини белгилаш имкониятини берди ва улар миллийлигимизга хос турмуш кечира бошлади. Бундай бахтни қўлга киритишимизда Юртбошимизнинг **миллий давлат сиёсати** асосий омил бўлди. «Соғлом ҳаёт», «Соғлом турмуш тарзи», «Соғлом авлод», «Соғлом миллат», «Соғлом эътиқод», «Соғлом халқ», «Соғлом онг», «Соғлом муҳит», «Баркамол авлод», «Комил инсон» ва шу каби тушунчалар халқимиз турмуш фаолиятининг асосига айлана бошлади. Булар Ватанимиз ижтимоий–маънавий қиёфасини юксалтиришда давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Ўзбекитон Республикаси Конституциясининг 20 йиллиги тантанасида Президентимиз «Соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлиши»ни ҳар томонлама ва чуқур мазмунда асослаб берди .

Бу борада шуни таъкидлаш мумкинки, ўз қадр–қимматини, соғлигини, саломатлигини сақлашни билган одам ўз соғлом турмуш тарзини барпо эта олади ҳамда ўзгаларни қадрлайди ва пировард натижада халқнинг, миллатнинг умумсоғлиги муҳити яратилади.

Халқ **умумсоғлиги муҳити** яратилганлигини қуйидаги омиллар орқали англаш мумкин:

– миллий қадриятларга садоқат руҳининг мавжудлиги;

– жамиятдаги тинчлик, хотиржамликни сақлашга онгли муносабатнинг мавжудлиги;

– тинч ва фаровон ҳаёт яратишга интилиш;

– ижтимоий маънавиятни юксалтиришга интилиш;

– сиҳат–саломатлик («Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада», «Ўзбек кураши» ва турли республика миқёсидаги мусобақалар) масалаларининг доимий равишда давлат ва жамият эътиборида туриши;

– соғлом муҳитнинг ҳар бир аъзоси ўз соғлиги ҳақида қайғуришни кундалик вазифаси деб билсин ва бошқаларни ҳам ушбу йўналишга даъват эта олиш қобилиятига эга бўлсин;

– соғлом муҳит аъзоси ўз қадрига етишни билсин, яъни ўзлигини англай билсин ва бунда «кеча→бугун→эртага», деган тизим асосида фикр юрита олсин;

– соғлом муҳитнинг ҳар бир аъзоси ортиқча, реакцион, мантиқсиз фикрлардан холи бўлмоғи лозим, яъни улар онгида ғоявий бўшлиқ бўлмаслиги лозим.

Умуман олганда, инсонни камолот пиллапояларига ва ундаги соғлом – маънавий турмуш тарзига тайёрлаш учун уни маънавий–ахлоқий жиҳатдан

жамият тараққиёти асосида тарбиялаш лозим бўлади, чунки, тўғри тарбия натижасидагина инсонлар ўз бахтларини топиш имкониятига эга бўлади.

«Яна бир мутафаккир бобомиз Абу Али Ибн Сино (980–1037) инсонни табиий–гигиеник талаблар асосида тарбиялашни уқтиради. Унинг фикрича, тарбия жараёни инсон ҳаётида бир неча босқичларга бўлиб олиб борилиши лозим. Биринчи босқич – гўдаклик даври (7 ёшгача) бўлиб, унда бола тиббий–гигиеник талаблар асосида тарбияланади. Бунда болани ўз вақтида овқатлантириш, чўмилтириш, ухлатиш кабилар муҳим ўрин тутади. Иккинчи босқич ўсмирлик даври (16 ёшгача) **бўлиб, унда бола шахси ақл ва ахлоқ жиҳатдан шакллантирилади. «Бола хулқини муътадил шакллантиришда икки манфаат бор.** Биринчиси **– боланинг ўзи учун бўлиб, у ёшликдан яхши хулқли бўлиб ўсади ва кейинчалик бу унга малака бўлиб қолади.** Иккинчи **– боланинг бадани учундир. Чунки, ёмон хулқ боланинг мижози бузилишига олиб келади.»** Учинчи босқич – катта ёшлик даври **(умрининг охиригача) бўлиб, унда инсон «Ҳифзи саломат», яъни соғлом турмуш кечиришга кўниктириб борилади. «Ҳифзи саломат» тушунчаси моддий (жисмоний) ва маънавий маънога эга бўлиб, тартибли яшаш омилларига таянади» [.**

Демак, шахс тарбияси жараёни ижтимоий муаммо бўлиб, уни ечими

эса ҳар бир инсон ўша жамиятнинг тўлақонли фаол аъзоси бўлишлиги билан белгиланади.

Маълумки, жисмоний камолот ҳар доим ҳам инсон маънавий камолати ва интеллектуал салоҳиятини, яъни инсон дунёқараши даражасини тўғри белгилаб олиш имконини беравермайди. Қуйидаги кетма–кетлик эса инсон камолатини жисмоний ва маърифий даражалар асосидаги босқичларини белгилайди: чақалоқ; гўдак; ўқувчи; ўқувчи–шахс; талаба; талаба–шахс; мутахассис; юқори малакали мутахассис.

Аммо бу кетма–кетлик орқали тўла маънодаги шахс камолатини унинг дунёқараши кенглиги нуқтаи назаридан баҳолаб бўлмайди.

Аввало дунёқараш нима?

«**Дунёқараш** – фалсафа фанининг энг муҳим категорияларидан бири. Фалсафанинг асосини ташкил қилади, олам ва одам ҳақида бир бутун қарашлар, ғоялар тизимини яратади. Энг муҳими инсоннинг оламга муносабати, дунёдаги ўрни, моҳияти, ҳаётий йўналиши, ўзлигини англаш каби саволларга жавоб беради. Зероки, фалсафанинг асоси ҳам соғлом ақл тафаккури ва унинг ривожига мос келадиган **дунёқарашни** яратишдир. Бунинг учун инсон, энг аввало, мукаммал билимга эга бўлиши лозим» .

«**Дунёқараш** – дунёга ва инсоннинг ундаги ўрнига, кишиларнинг ўз атрофидаги воқеликка ва ўз–ўзига муносабатига бўлган умумий қарашлар тизими, шунингдек, бу қарашларга асосланган одамларнинг эътиқодлари, идеаллари, билиш ва фаолият тамойиллари» .

«**Дунёқараш** – шахснинг шахслигини, маънавиятини, ижтимоийлашуви доирасини кўрсатувчи кучли мотивлардандир».

«**Дунёқараш** – тартибга солинган, яхлит онгли тизимга айлантирилган билим, тасаввурлар ва ғоялар мажмуи бўлиб, у шахсни маълум қолипдан ўз шахсий қиёфасига эга тарзда табиатда муносиб ўрин эгаллашга чорлайди» .

Дунёқараш – одамнинг табиат ва ижтимоий ҳаёт ҳодисалари ҳақидаги қарашлари, тасаввурлари ва тушунчалари системасидир.

Дунёқараш – табиат ва жамиятга, уларнинг ҳодисаларига бўлган илмий, мафкуравий, маънавий, илоҳий қарашлар тизими.

Юқорида келтирилган яъни дунёқарашга берилган қомусий ва фалсафий луғатдаги таърифлар ҳамда педагогик ва психологик таърифлардан кўриниб турибдики, дунёқараш тушунчаси одамнинг ўзининг онадан туғилиши билан дунёни кўришидан бошланиб, юксак интеллектуал салоҳиятни эгаллагунга қадар ривожланиб боради. Улар «ақл → онг → фикр → илм → билим → қараш → ғоя → таълимот» тизим орқали ривожланиб, такомиллашиб боради.

Демак, юқорида қайд этилганидек, онгнинг мавжудлигидан фикр ва уларни ифодаловчи маълумотлар шаклланиб, онг тафаккурнинг

шаклланишида мустаҳкам асос бўлиб ҳисобланади. Шу сабабли ҳам киши онгида, унинг қалбидаги эътиқоди асосида дунёқараш шаклланади, яъни д**унёқараш** – одамнинг теварак атрофдаги оламга ва ундаги ўзининг тутган ўрнига қарашларидан келиб чиққан тизим. Кишиларнинг фалсафий, сиёсий, илмий, диний, ақлий ва эстетик қарашлар йиғиндиси (1.1.1.– шакл).



1.1.1–шакл. Дунёқараш ва унинг таркибий қисмлари.

Дунёқараш шаклланишининг яна бир хусусияти шундан иборатки, хусусий кўринишлардан умумий кўринишларга, яъни инивидуал хусусиятлардан ижтимоий хусусиятларгача ривожланиб, такомиллашиб бораверади ва шунинг билан бирга у ижтимоий муносабатлар билан чамбарчас боғлиқ. Дунёқараш кишиларнинг ёши, ҳаёт тажрибаси, интеллектуал салоҳияти, мафкураси ва шу кабилар билан боғлиқ равишда ривожланиб такомиллашиб боради.

Дунёқараш инсоннинг ўзини ва дунёни зарурий равишда англаши ҳамда баҳолаши асосида шаклланади. Бу борада ҳозирги ёшларимиз онгини ўстириш ва тафаккурини кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади. Булар орқали уларни интеллектуал салоҳиятли сиёсий онгли қилиб тарбиялаш имконияти яратилади. Бу эса эркин ва мустақил фикрлайдиган, ўзлигини

англай оладиган, яъни ҳар хил зарарли оқимларга қўшилиб кетавермайдиган бўлажак мутахассисларни тайёрлашда мустаҳкам асос бўла олади.

Шахснинг дунёқараши, айниқса, илмий дунёқарашнинг кенглиги уларнинг асосий таркибий қисмлари: ақл, онг, фикр, илм, билим, илмий билим, илмий қараш, эътиқод, илмий тафаккур ва шу кабиларга боғлиқ.

«Дастлаб индивид **дунёни ҳиссий сезади** (дунёни ҳис қилиш). Бунда индивид воқеликни бевосита ҳиссий инъикос этиш натижасида англайди. Кейин воқелик ҳақида тўпланган билимлар асосида **индивидуал дунёқараш** пайдо бўлади. Бу дунёни англаш дейилади. Шахснинг дунёни англаши орқали унинг **ўзини англаши** ҳам шаклланиб бораверади. Шу тариқа дунё ҳақидаги барча билимлар юксак даражада умумлаштирилади ва **яхлит дунёқараш** ҳосил бўлади» .

Демак, айрим одамнинг ақли, онги билан боғлиқ ҳолда шаклланган дунёқараш **индивидуал дунёқараш** бўлади ва унинг муайян ижтимоий жамоа (гуруҳ, қатлам, синф, миллат, элат, халқ, ва жамият миқёси)даги ижтимоий онги асосида шаклланган дунёқарашни **ижтимоий дунёқараш** дейилади. Бу жараёнда индивидуал дунёқарашнинг кенгайиб бориши ижтимоий дунёқарашни юксалтиришга асос бўлади ва улар доимо бир–бири билан мунтазам алоқадорликда бўлади ва бир–бирини ривожлантиради. Бу жараён шахс камолати босқичи кетма–кетлигида яққол сезилади.

Демак, энди шахс дунёқараши ҳақида ва уларнинг ташкил этувчилари, асослари ва шаклланиш босқичлари ҳақида маълум бир тушунчага эга бўлдик ва уни қуйидаги 1.1.2. – шаклдагидек ифодалашни лозим топдик.

Бу борада олиб борилган кўп йиллик илмий изланишларимиз кўрсатишича, талабалар илмий дунёқарашини кенгайтиришда уларга шахс ижодий камолоти кетма–кетлиги ҳақида маълумот бериш ижобий педагогик самараларни берар экан. Бу кетма–кетлик одам шахс даражасига эришгандан кейинги интеллектуал салоҳиятга эга бўлгандан бошлаб баҳоланса, талабалар илмий дунёқарашини шакллантиришни тўғри йўлга қўйиш имконияти

туғилади ва улардан таълим–тарбия жараёнида асосли равишда фойдаланишга эришилади



1.1.2. – шакл. Яхлит дунёқараш шаклланишининг ташкилий – тузулмавий модели.

Шу сабабли ҳам талабалар илмий дунёқарашини кенгайтириш ва уларнинг маънавиятини юксалтиришни самарали амалга ошириш учун шахс интеллектуал камолотини қуйидаги кетма–кетликда ифодалашни лозим топдик: ақлли одам; онгли одам; фикрли киши; илмли–билимли киши; ғояли

инсон; маърифатли ва маънавиятли шахс; маданиятли ва баркамол шахс; олим; аллома; мутафаккир; донишманд ва комил инсон.

Юқорида қайд этилган кетма–кетликдаги инсон камолоти босқичлари баъзи ҳолларда параллел (баб–баровар) равишда шаклланса, баъзи ҳолларда бири иккинчисиз ривожланмайди. Шу ўринда қайд этилган кетма–кетлик жуда ҳам қатъий эмас.

Маълумки, тарбия инсон пайдо бўлиши билан бирга бошланиб улар унинг жисмонан бақувват, маънан етук инсонлар бўлиб шаклланиши доимо улуғланиб келинган ва жисмонан бақувват инсонларни полвон ҳамда ҳам жисмонан, ҳам маънавий етук инсонларга паҳлавон, деб ном берилган.

Демак, дунёқараш инсониятнинг тарихий тараққиёти давомида ривожланиб борган ва улар тараққиёт жараёни давомида турли кўринишларни олган. Албатта улар кўринишлари ўзининг мазмун–моҳияти жиҳатидан ҳам турли йўналишларда бўлади. Шу сабабли ҳам улардан таълим–тарбия жараёнида фойдаланиш, уларнинг мос кўринишларини танлаш ҳам ўзига хос ижодий жараёндир. Буни самарали амалга оширишни осонлаштириш мақсадида улар ҳақида қисқача маълумотлар келтирамиз.

Худди шунингдек, бу қайд этилган дунёқарашлардан ташқари илмий, сиёсий, ахлоқий, ҳуқуқий, эстетик ва шу каби дунёқарашлар ҳам мавжуд. Булардан ташқари дунёқарашнинг **кўлами** (индивиднинг бутун ҳаёти мобайнида ривожланиб, кенгайиб борувчи жиҳатлари), **мазмуни** (индивид онгида воқеликнинг хилма–хил жиҳатлари қай даражада қамраб олинганлигини акс эттиради) ва **маркази** ёки таянч туқтаси (индивиднинг қандай шахсий ҳамда ижтимоий манфаатлар мажмуаси доирасидан туриб олам ҳақида фикр юритиши) каби жиҳатлари ҳам бор.

Маълумки, инсон ўз ҳаёти давомида ўзидан олдин ўтган кишиларнинг турмуш тажрибасига (тарзига), тўпланган билим, кўникма ва малакаларига, яъни қадриятларига таянади. Шу сабабли ҳам дунёқараш айниқса илмий дунёқараш кишиларнинг ахлоқ меъёрлари, ҳаётни яхшилаш борасидаги онгли интилишлари, қизиқишлари меҳнат фаолиятига ва турмуш тарзига

ижобий таъсир кўрсатиб, улар ҳаётида катта амалий маъно (мазмун) касб этади.

Демак, дунёқарашнинг юқорида қайд этилган кўринишлари, инсон камолоти босқичлари ва уларга мос ББСЎни тайёрлашда фойдаланишда ҳамда ДТСларини давр талабига мос такомиллаштиришда мустаҳкам маънавий–маърифий асос бўлади. Шунингдек, инсон камолоти босқичлари ва уларга мос дунёқарашлардан ББСЎни тайёрлашдаги таълим–тарбия жараёнида мунтазам фойдаланиб борилиши натижасида маънавий етук, эркин ва мустақил фикрлайдиган, «XXI аср – интеллектуал аср»нинг фаол иштирокчиси бўлган мутахассис тайёрлашга эришилади.

Инсоният пайдо бўлибдики, унда инсон камолоти жараёни давом этиб келмоқда. Маълумки, киши камолоти, унинг умрини юксак интеллектуал салоҳиятини бойитишга боғлиқ бўлади ва шу асосда буюк мақсадлар сари интилади, жамият ҳамда давлатга фойдаси тегиб яшайди, натижада унинг ҳаёт мазмуни шаклланади. Шахс камолоти маънавий етук, баркамол авлодни шакллантириш билан узвий боғлиқ ҳолда амалга оширилади ва бундай жараён у яшаб турган ижтимоий муҳит ҳамда унга мос тарбия билан белгиланади. Бу эса шахс, миллат ва жамиятнинг менталитетига боғликдир.

«**Менталитет** – лот. mentalis – ақлий – айрим киши ёки ижтимоий гуруҳга хос ақлий қобилият даражаси, маънавий салоҳият.

Жамият, миллат ёки шахснинг менталитети уларнинг ўзига хос тарихий анъаналари, урф–одатлари, диний эътиқодини ҳам қамраб олади.

Ҳар бир миллатнинг менталитети унинг тарихи, яшаб турган шарт–шароити, ижтимоий фаоллиги ва бошқа бир қанча омиллар билан боғланган бўлади. Масалан, ўзбек миллати менталитети шаклланиш жараёни деярли уч ярим минг йиллик тарихга эга. Ўзбек халқи инсоният моддий ва маънавий маданиятини бебаҳо дурдоналари билан бойитган. Унинг менталитети ақлий қобилияти ўткирлашиб борган. Аммо XVI–XX асрлар оралиғида турли истибдод ва мустамлакачилик зулмини бошидан кечирганлиги туфайли

миллий менталитетига жиддий путр етди. Мустақиллик мафкураси олдида Ўзбек халқининг ҳақиқий менталитетини тиклаш вазифаси турибди» [40].

Менталитет ёшларимиз илмий дунёқарашини кенгайтиришда мустаҳкам асос бўлади. Маълумки, баркамол авлодни тарбиялаш ғояси ҳам миллий, ҳам умуминсоний характерга эга бўлиб, у башариятни маънавият ва маърифатга, эзгулик ва юксакликка олиб борувчи комиллик сари йўлдир. Шу сабабли ҳам тарбия масаласи кишилар, оилалар, жамоалар, давлатлар олдидаги муҳим муаммолар бўлиб келмоқда ва улар турлича йўллар, воситалар билан турлича шаклларда, услубларда амалга оширилмоқда.

Уларнинг таҳлили ва ушбу соҳадаги ишларимиз натижаларининг кўрсатишича талабалар дунёқарашини юксалтиришда маълумотлар баёнини қуйидаги узлуксизликда амалга оширган маъқул «КЕЧА → БУГУН → ЭРТАГА» Ушбу узлуксизлик инсон онги, дунёқараши ва муносабатларини мунтазам равишда такомиллашиб боришини баҳолай олиш имкониятини бера олади. Қайд этилган узлуксизликдаги «КЕЧА» сўзига ўтмишдаги бой илмий–маънавий меросимиз маълумотлар тўғри келади, яъни буюк қомусий олимларимиз ва ҳадис илми соҳибларининг ижоди, фаолиятини ибрат–намуна қилиб кўрсатиш ҳамда тарихий–бадиий адабиётлардаги, жумладан, «Алпомиш», «Гўрўғли», «Авазхон», «Рустамхон» ва бошқа достонлардаги ботир паҳлавонларнинг доимийлиги, инсонпарварлиги, меҳнаткашлиги, дўстлик ва муҳаббатга садоқатлари ҳам шу йўналишдаги маълумотлардир.

Юқоридаги тизимнинг «БУГУН» сўзига эса баркамол авлод тарбиясига ҳукуматимиз томонидан яратилаётган имкониятлар тўғри келади. Жумладан, «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», «Давлат таълим стандратлари», «Ўрта махсус, касб–ҳунар таълимини тубдан ислоҳ қилиш», «Ўрта умумий таълимни ривожлантириш чора–тадбирлари тўғрисида»ги ҳужжатларнинг қабул қилиниши ва турли оммавий тарбиявий тадбирларнинг уюштирилиши, шунингдек, ёшларимизга бугунги кунда ривожланган хорижий давлатларда ўз интеллектуал салоҳиятини ривожлантириб келишига яратилаётган имкониятлар ҳамда турли ёшларимиз

камолотига мос спорт мусобақаларининг («Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада») ташкил этилиши ёшларимизнинг ҳар томонлама камолат топишидаги кенг имкониятлардир. Ва ниҳоят юқоридаги қайд этилган тизимнинг сўнгги бўғинига, яъни «ЭРТАГА» сўзига эътибор берадиган бўлсак. Унда ёшларимизнинг дунёқарашини қуйидагича шакллантириш мақсадга мувофиқ бўлади, яъни **Хўш ҳурматли ёшлар ўтмишимиз буюк экан, маънавиятимиз илдизлари ниҳоятда чуқур бўлиб, у 3000 йиллик тарихга эга экан, бугун ўз интеллектуал салоҳиятингизни юксалтиришга кенг имкониятлар яратилган экан. Энди биз уларга хос ва мос авлод бўлишимиз учун нима ишлар қилишмиз керак? Албатта бу борада ота–боболаримизнинг бизга қолдирган буюк меросини авайлаб, асраб, бойитиб келажак авлодга етказишни ўйлашимиз керак ва бунда бугунги мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланмоғимиз лозим. Ана шундагина ўтмиш авлодларимизга муносиб ва бугунги имкониятни қадрлай оладиган саводли фарзанд бўла оламиз. Бу эса ўтмиш аждодларимиз хотирасига чуқур ҳурмат бўлиб, у «ЭРТАГА» жамиятимиз тараққиётига таъсир этувчи мустаҳкам пойдевор бўлади.**

«Ота–боболаримиз сиҳат–саломатлик маданиятини «Ҳифзи сиҳат» деб аташган. Унга кўра одам боласи поклик ва ҳалоллик мезонларига асосан яшаши керак. «**Поклик**» деганда ейиш, ичиш, кийиниш ва юриш–туришда инсонийликни сақлаш, «**Ҳалоллик**» деганда эса оқилона умр кечириш тушунилган. Шундай қилиб, ҳифзи сиҳат, яъни сиҳат–саломатлик маданияти асосида поклик ва ҳалоллик сингари эзгу тушунчалар ётади» .

Демак, ота–боболаримиздаги ва ҳозирдаги сиҳат–саломатлик маданияти ҳам халқ умумсоғлиги муҳитининг асосларидан бири бўлиб, у асрлар давомида шаклланиб ва такомиллашиб келган. Улар ҳақида кўплаб маълумотлар келтириш мумкин. Жумладан, бу борада Абу Наср Фаробий (873–950) «Фозил одамлар шаҳри» номли асари билан машҳур бўлган. Бундан ташқари у «Фазилат, бахт–саодат ва камолат ҳақида», деб номланган

асарида «Ҳар бир инсон бошидан комил бўлиб туғилмайди, аммо туғма равишда ўзига хос ички шуурга эга бўлади ва бу шуур билан босқичма–босқич комилликка жидду жаҳд билан интилади», деган фикрни ва шу асосдаги ғояни илгари суради .

Демак, бундан халқ умумсоғлиги умумий дунёқараш ва шу асосдаги тарбияга боғлиқ экан, деган хулосани ҳосил қилиш мумкин. Ана шу умумий дунёқараш тарбияни тўғри йўлга қўйишга катта имкониятлар яратади.

Демак, жамиятимиз, давлатимиз олдида Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт яратишдек шарафли вазифа турган айни пайтда шахснинг ҳозирги давр талабига мос равишда ривожлантириш **маънавий бойлик, ахлоқий поклик** ва **жисмоний тарбия** сингари уч асосий йўналиш унинг **камол** топишида муҳим аҳамият касб этади.

Бу борада устозлар ташаббуси, халқимиз маънавиятининг тикланиши, бой тарихий меросимизнинг кенг ўрганилиши, уларга ҳурмат уйғотилиши, миллий анъаналаримиз ва урф–одатларимизнинг сақланиши ҳамда мазмунан бойитилиши, шунингдек, маданият, санъат, илм–фан, техника–технология, таълим–тарбия ҳар томонлама тараққий этишида муҳим рол ўйнайди.

Шу сабабли ҳам ушбу илмий тадқиқот ишимизда ёшларимизни тарбиялашда ва уларнинг илмий дунёқарашини кенгайтиришда мазкур ишнинг 1.1. – қисмида ифодаланган шахс ижодий камолоти босқичлари ҳақидаги маълумотлар ҳамда улардан таълим–тарбия жараёнида ибрат–намуна сифатида фойдаланишга тавсиялар бериш ҳақидаги ахборотларни ёритиш технологиясини яратиш ва жорий этишни режалаштирдик.

Бизга маълумки, киши тарбияси масаласи инсоният пайдо бўлганидан бошлаб долзарб муаммо бўлиб келмоқда ва тарбияда «уфқ» комиллик сари йўналтирилган бўлади. Шу сабабли ҳам жамият тараққиётини комил инсонлар белгилайди. Комил инсон тарбиясида бой ўтиш маънавий меросимиз мавжуд.

Инсонни эзгулик сари етаклаш ҳақидаги таълимотлар муқаддас китобларимиз («Қуръони Карим», «Ҳадиси Шариф», «Авесто» ва шу

кабилар)да доимо улуғланиб келинган. Бу борада Ватанимизда ўтмишда бу истиқболли орзу–истаклар доимий вазифага айланган ва у билан жамиятимизнинг ҳар қандай аъзоси шуғулланиши ҳам фарз, ҳам қарз бўлган. Айниқса, тарбия масаласи билан нафақат оила бошлиғи ёки таълим муассасалари мутасаддилари, балки юртимизнинг донишмандлари, зиёлилари (олимлар, шоирлар, ёзувчилар, тарихчилар, тасаввуф илми соҳиблари ва ҳ.к.), адолатпарвар ҳукмдорларнинг ҳам бош мақсадлари бўлган. Жумладан, комил инсон ҳақидаги юксак ғоялар Абу Наср Фаробийнинг Фозиллар жамияти («Фозил одамлар шаҳри»); Алишер Навоийнинг адолатли жамият қуриш ҳақидаги таълимоти; Имом Ал–Бухорийнинг ҳадис илмининг султони эканлиги; Маҳмуд Аз–Замаҳшарийнинг Жаруллоҳ («Оллоҳнинг қўшниси»), деган юксак мақомга сазовор бўлиши; Аҳмад Яссавий хикматлари; Баҳоуддин Нақшбандийнинг «Дилинг Оллоҳда, қўлинг меҳнатда бўлсин» («Дилба Ёру, даст–ба кор») йўналишларидаги таълимоти; Ат–Термизий ўгитлари; Хожа Ахрори Валийнинг «Шайхлар шайхи», деган улуғ номга сазовор бўлиши; Марғилоний, Мотрудий, Суфий Оллоёр, Ғиждувоний, Нажмиддин Кубро, Маҳмуди Аъзам ва шу кабиларнинг ислом фалсафасидан озиқланган «Илми Ҳадис» йўналишидаги таълимотлари; Юсуф Хос Ҳожиб, Аббос Ал–Жавҳарий, Аҳмад Югнакий, Саккокийларнинг комил инсонлар ҳақидаги таълимотлари; Маҳаммад Мусо Ал–Хоразмий ва Абу Райҳон Ал–Берунийларнинг дунёвий кашфиётлари ва ҳамда ижтимоий–ахлоқий қарашлари; Абу Али ибн Сино тиббиёти ва унинг комил инсонни жисмонан ҳамда маънан соғлом қилиб тарбиялаш ғояси; Амир Темур давлатчилиги ва унинг адолатли ижтимоий–ташкилотчилик ишлари (Амир Темур адолатни куч билан, кучни эса адолат билан уйғунлаштирди. Соҳибқирон тамғасининг нақши «Рости–русти» бўлиб, бу «Ҳақгўй бўлсанг – нажот топасан», демакдир); Мирзо Улуғбекнинг коинот ва оммавий таълим ҳақидаги таълимотлари; Мирзо Бобурнинг миллатлараро дўстликни, динлараро бирикенгликни ва адолатни қадрлаш ҳамда таълимни (шу жумладан, Ўзбек

алифбосини, яъни «Хатти Бобурий»ни) ислоҳ қилиш соҳасидаги ишлари; Маъмун Академияси «Донишмандлик уйи» («Байт ул–хикма»)лардаги маънавий–ахлоқий таълимотларида теран ифода этилган.

Демак, буюк боболармизнинг ўлмас мероси бугунги ёшларнинг маънавий тарбиясида ва айниқса уларнинг миллий дунёқараши кенгайишида битмас–туганмас хазинадир. Уларни ибрат–намуна қилиб кўрсатиш орқали ёшлар онгида қуйидаги инсонпарварлик фазилатлари янада юксалади: – мардлик; – ботирлик; – паҳлавонлик; – меҳнатсеварлик; – катталарга ҳурмат ва кичикларга иззатда бўлишлик; – дўстлик ва муҳаббат туйғуларига садоқатли бўлишлик ва шу кабилар.

Демак, инсон камолоти ва унинг юксалишида ёшларимиз маънавий тарбияси ва илмий дунёқараши кенглиги, ибрат–намуна муҳим роль ўйнар экан. Шу сабабли ҳам бугунги ёшларимиз дунёқарашини шакллантириш ва юксалтиришда улар онгига миллат, Она тупроқ, Она Ватан, халқ ва унинг тарихий илдизлари асосидаги бой миллий–маънавий меросимиз ҳақидаги маълумотларни таълим–тарбиянинг барча жабҳаларида сингдириб боришимиз лозим.

Шунинг билан бирга ёшлар онгида миллат, миллий ахлоқ, миллий ғурур, миллий тарбия, миллий салоҳият, Ватан туйғуси, Ватан қайғуси, Ватан соғинчи ва шу каби тушунчаларни сингдириб бориш ҳам уларнинг миллий дунёқарашини кенгайтиришга асосий омиллардан бири бўлишлиги, шубҳасиз. Бунда инсон камолоти учун миллий тарбиямизга хос бўлган меҳр–оқибат, ҳурмат–иззат, мурувват, ор–номус, бағрикенглик ва шу кабилардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Демак, миллий хусусиятларимизга мос тарбияни олган ва олаётган ёшларимиз мунтазам равишда камол топиб бораверади ҳамда уларнинг дунёқараши ҳам унга мос равишда юксалиб боради.

Умуман олганда, **баркамол авлодни тарбиялаш,** ўзининг маънавий–маърифий, ташкиилй–услубий, ижтимоий–иқтисодий жиҳатлари билан мураккаб ва масъулиятли динамик жараёндир. Биз бу жараённи амалга

ошириш кетма–кетлигини қуйидагича ифодалашни лозим топдик: **тараққиётнинг ўзбек модели** (Ўзбекистон ижтимоий–иқтисодий ривожланишининг бешта тамойили, яъни жамиятни ислоҳ қилишнинг бешта тамойили); **баркамол авлод орзуси** ва унга эришмоқ йўли; орзуга эришишда баркамол авлод вазифалари ва бурчлари; орзуга эришишда узлуксиз таълим тизими ўрни ва роли; орзуни рўёбга чиқаришда зарурий узлукиз таълим таркиби; кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш босқичлари; **КТМДнинг миллий модели**; КТМДни жорий этишнинг илмий–услбий таъминоти; баркамол авлод тарбияси жараёнининг ташкилий–услубий ва илмий–педагогик таъминоти; тарбияда мақсадга эришганликни баҳолаш мезонлари; баркамол авлоднинг тарбиялганлиги ҳақидаги хулосалар ва кейинги фаолиятга тавсиялар.

Баркамол авлод тарбиясининг бу қайд этилган кетма–кетлигига, Ўзбекистон ижтимоий–иқтисодий ривожланишининг бешта тамойили асос қилиб олинган бўлиб, баркамол авлодни амалий фаолиятгача бўлган жараёнини ўз ичига олган ва ўз хусусиятига кўра баркамол авлод тарбиясига комплекс ёндашувдир.

Шу сабабли ҳам ушбу ишда ёшларимизни тарбиялашда ва уларнинг илмий дунёқарашини кенгайтиришда шахс ижодий камолоти босқичлари ҳамда улардан таълим–тарбия жараёнида ибрат–намуна сифатида фойдаланишга тавсиялар бериш ҳақидаги маълумотларни ёритишни мақсад қилиб олдик.

Бизга маълумки, киши тарбияси масаласи инсоният пайдо бўлганидан бошлаб долзарб муаммо бўлиб келмоқда ва тарбияда «уфқ» комиллик сари йўналтирилган бўлади. Шу сабабли ҳам жамият тараққиётини комил инсонлар белгилайди. Комил инсон тарбиясида бой ўтиш маънавий меросимиз мавжуд. Бунда умумбашарий қадриятга эга бўлган улуғ бобокалонларимиздан Абу Наср Фаробий, Алишер Навоий, Имом Ал–Бухорий, Юсуф Хос Ҳожиб, Ал–Беруний, Ал–Хоразмий, Абу Али ибн Сино, Аббос Ал–Жавҳарий, Ат–Термизий, Ал–Мотрудий, Аз–Замахшарий, Ал–

Марғиноний, Аҳмад Яссавий, Аҳмад Югнакий, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбандий, Хожа Ахрори Вали, Саккокий, Маҳмуди Аъзам, Суфи Оллаёр ва бошқалардан қолган бой миллий меросимизни комил инсон тарбиясида ибрат–намуна сифатида фойдаланмоқ имконияти бор.

Бу борада олиб борилган кўп йиллик илмий изланишлармиз натижаларининг кўрсатишича, талабалар илмий дунёқарашини кенгайтиришда уларга шахс ижодий камолоти кетма–кетлиги ҳақида маълумот бериш ижобий педагогик самараларни берар экан. Бу кетма–кетлик одам–шахс даражасига эришгандан кейинги интеллектуал салоҳиятга эга бўлгандан бошлаб баҳоланса, талабалар илмий дунёқарашини шакллантиришни тўғри йўлга қўйиш имконияти туғилади ва улардан таълим–тарбия жараёнида асосли равишда фойдаланишга эришилади. Шу сабабли ҳам талабалар илмий дунёқарашини кенгайтириш ва уларнинг маънавиятини юксалтиришни самарали амалга ошириш учун шахс интеллектуал камолотини мазкур ишнинг дастлабки қисмида қайд этилганидек кетма–кетликда ифодалаб олдик. Ушбу кетма–кетликдан мунтазам равишда талабалар илмий дунёқарашини кенгайтиришда турли фанларни ўқитишда фойдаланиш мумкин. Айниқса, «Педагогика назарияси ва тарихи» фанининг «Педагогика назарияси» номли I–қисмидаги педагогик маҳоратни эгаллаш йўлларини талабалар онгига сингдиришда ва «Тарбия назарияси» номли II– қисмидаги илмий дунёқарашни шакллантиришда шахс ижодий камолоти босқичларининг мазмун–моҳиятидан фойдаланиш сезиларли педагогик самараларни беради. Натижада ақлий тарбия ва илмий дунёқарашнинг асосий белгилари (омиллари, ташкил этувчилари) ва моҳияти талабалар онгидан янада мустаҳкам ўрин олади. Бу борада талабалар илмий дунёқарашнинг асосий таркиблари ва фарқларигача таҳлил қилиш салоҳиятига эга бўлди.

Демак, ёшларимизга шахс камолоти пиллапояларини ҳисобга олган ҳолда таълим–тарбия беришдаги барча хатти–ҳаракатлар (ўқув қўлланмалар,

дарсликлар, таълимнинг ахборотли технологиялари ва ҳ.к.)да қуйидаги омиллар асосий диққат–эътиборда туриш лозим экан:

– миллий–маънавий қадриятларимиз ҳақидаги батафсил маълумотлар тайёрлаш, уларни ёшларимиз онгига сингдиришга қулай ҳолга келтириб, яъни ахборот кўринишига келтириб тизимларга (қомусий ва ҳадис илми олимлари, шоирлар, ёзувчилар, тарихчилар, файласуфлар, халқ қаҳрамонлари, давлат арбоблари, тарбиявий аҳамиятга эга бўлган расм–русумлар ва урф–одатлар, анъаналар ва ҳ.к.) ажратиш;

– ёшларимизда шахс камолати босқичлари асосида Ватан туйғусини шакллантириш ва бунда улар онгига Она тупроқ, Она Ватан, Ватан соғинчи, Ватан қайғуси каби тушунчаларга ҳурмат уйғотиш;

– ёшлар тарбиясида «Баркамол авлод», «Комил шахс», «Олим», «Паҳлавон», «Аллома», «Мутафаккир», «Донишманд» каби камолат босқичларидан аниқ далиллар асосида **ибрат–намуна** тизимидан кенг фойдаланиш лозим;

– шахс ижодий камолоти босқичларини талабалар онгига сингдиришда аниқ фанлардан таълим–тарбия беришда қомусий олимлар, донишманд, файласуфлар ижоди ва фаолиятидан фойдаланиш, ижтимоий–гуманитар фанлар бўйича эса шоирлар, ёзувчилар, тарихчилар, халқ қаҳрамонлари, давлат арбоблари, ҳадис илми соҳибларини ибрат–намуна қилиб таълим–тарбия бериш ижобий педагогик самараларни беради;

– талабалар онгига шахс ижодий камолоти босқичларини илмий, маънавий қадрият сифатида сингдириш уларни ижодий камолот сари интилишига туртки бўлади ва натижада улар ижтимоий фаол шахс бўлишга интилади, олимликни ва комилликни ҳавас қилади.

1. 2. Шахс маънавий юксалишида илмий қадриятларнинг аҳамияти

Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат сифатида ривожланиш ва тараққиёт йўлига тушган бугунги куннинг истиқболи келажагини белгилаш ва таъминлаш, кўп жиҳатдан ҳозирги ёш авлодни маънавий етук қилиб тарбиялашга боғлиқ. Бу эса миллий тарбиямизнинг тарихий асосларини белгилашни ва улардан бугунги таълим–тарбия жараёнимизда мосларини танлаб, уларни ибрат–намуна қилиб кўрсатиш ижобий педагогик самараларни беради.

Бу ҳақда «**Донишманд** Суқрот нақл қилади: «Тарбия қийин иш ва тарбия шарт–шароитларини яхшилаш – ҳар қандай кишининг ҳам муқаддас бурчларидан биридир, чунки ўзини ва теварак атрофдагиларни маълумотли қилишдан кўра муҳимроқ иш йўқ». Донолар топиб айтади. Зеро, ҳар қандай жамият тараққиёти, инсон келажагининг истиқболи, айни таълим–тарбия масаласига бориб тақалиши ҳақиқат. Шу нуқтаи назардан, бугун юртимиз таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун–моҳияти кундек равшан» .

Бундай муҳим ишни, диёримиздаги барча халқлар маънавий юксалишининг муҳим омили бўлган болаларни бошланғич мактабданоқ (ҳафтанинг душанба куни Давлат байроғини баланд кўтариб, Давлат мадҳиясини айтиб дарс ўтишдан бошлабоқ) озодлик ва мустақилликни англаш ҳамда уларни қадрлаш руҳида тарбиялаш, тарихий–миллий хусусиятларимизга мос келадиган таълим тизимини яратиш орқали амалга оширилмоқда. Бунда айниқса, **миллий** ва **умуминсоний** қадриятларни халқимизнинг анъаналарини, маданияти ва илм–фан бобидаги кўп асрлик тажрибаларини ўргатиш ижобий педагогик самараларни беради. Шунинг билан бирга жамиятимизда яшовчи ҳар бир онгли киши, мустақил ва эркин фикрга эга бўлган шахс ва фуқаролик жамияти маънавиятини шакллантириш ва шу асосда ривожлантириш Ўзбекистон Республикаси тараққиётининг асосини ташкил этади. Шу сабабли ҳам ўқитувчининг серқиррали ва

мураккаб касбий фаолияти замирида ёш авлодни одобли, эътиборли қилиб тарбиялаш, уларни илмий билимлар билан қуроллантириш ёрдамида **илмий дунёқарашини** кенгайтириш каби муҳим вазифалар ётади.

Маълумки, жамият маънавий ҳаётини ривожлантириш ўша жамиятда фаолият кўрсатувчи кишиларнинг интеллектуал салоҳияти: маънавияти ва маърифати, маданияти ва санъати, илм–фани ва таълим–тарбияси тўғрисидаги билим (тушунча)ларнинг нечоғлик илмий асосланганлиги, тўғри назарий ва амалий негизлар асосида шаклланганлигига боғлиқ. Шу сабабли ҳам ББСЎнинг илмий дунёқарашини жаҳон таълими талабларги мос қилиб шакллантириш ўта муҳим муаммодир. Бу муаммо ечимини топишда биз аввало ШАХС, яъни ББСЎ олдига қўйилган қуйидаги **вазифаларга** эътиборни қаратдик:

– ҳар бир болада мавжуд бўлган лаёқат, иштиёқ ва қобилиятларни эркин ва самарали ривожлантиришга эриша олишлик;

– ижобий (ахлоқий, масъулият, қатъият, ирода, жасорат, меҳр–мурувват ва шу кабилар) сифатларни миллий ва фуқаролик ҳис–туйғусини ҳамда миллий ғурурни ўстиришга эришиш;

– илмий дунёқараш ва эътиқод; ижтимоий эҳтиёж ва ахлоқий заруратларни чуқур тушуниш, ижтимоий ва фуқаролик бурчини англаш; ижтимоий сиёсий фаолликни тарбиялашга тайёр ҳолда бўлишга эришиш ва шу кабилар.

Демак, ББСЎси ўз ўқувчиларининг ҳар томонлама ривожланишга замин яратиши, яъни уларни ўқишга, таълим олишга қизиқтириш ва иштиёқ уйғотиш билан бирга уларнинг идрок этиш, фикрлаш қобилиятларини, дунёқарашини кенгайтириш каби сифатларини ўстиришга ўз касбий фаолиятини тўлиқ сафарбар этмоғи лозим. Бунда улар ўз ўқувчиларининг руҳий ҳолати ва имкониятлари, лаёқати, етуклиги (ёши нуқтаи назаридан), маънавий эҳтиёжи, яшаш муҳити (оиладаги турмуш тарзи ва улар яшайдиган жамоа – маҳалладаги муҳит умумсоғлиги) каби омилларни эътиборга ола билиш қобилиятига эга бўлмоғи лозим.

ББСЎ ўз касбий соҳаларида қуйидаги **хислатларга** эга бўлиши лозим бўлади: ўз ўқувчиларини севиш ва улар билан ишлашга қизиқиш; педагогик фаолиятни севиш ва бу фаолиятни ўзининг ҳаётий эҳтиёжига айлантириш; руҳий ва педагогик жиҳатдан ҳам зийрак, кузатувчан, синчков бўлиш; педагогик тактик ва тасаввурга ҳамда ташкилотчилик қобилиятига эга бўлиш; адолатлилик, дилкашлик, талабчанлик ва қатъиятлиликни уйғун ҳолда олиб бора олишлик; мақсадга интилишда тўғри йўлни танлай олишлик; вазминлик, дилкашлик, ўзини идора қилишлик, шунингдек, касбий фаолиятга лаёқатнинг юксаклиги ва шу кабилар.

Шунинг билан бирга ББСЎ ёшлардаги бурчга масъулият (жавобгарлик ҳисси)ни тарбиялаш сир–асрорларини мукаммал эгалламоғи лозим. Ушбу соҳада олиб борган изланишларимизнинг натижаларининг кўрсатишича, ББСЎнинг маънавий қиёфаси шаклланишида асосан қуйидагиларга эътибор бериш керак экан:

– оила, маҳалла ва мактабни муқаддас, деб билиш;

– бола хатти–ҳаракатини таҳлил қила билиш ва режалаштирилган таълим–тарбия, бола онги ва тасаввурига мос қилиб, ҳалол ва ҳаром, тўғрилик ва эгрилик, яхши ва ёмон, мардлик ва номардлик, маънавиятлилик ва вахшийлик каби тушунчаларни мазмун–моҳиятини сингдира олиш қобилиятига эга бўлиш;

– боланинг эркин, мустақил ва тўғри, кенг кўламли фикрлашини шакллантиришнинг шакл, усул ва воситаларининг оптимал вариантларини танлай олиш;

– ўтмиш бой миллий–маънавий меросимизга ҳурмат уйғота билиш услубиятини ярата билиш;

– миллий ғурурни уйғотиш, давлат рамзларига ҳурмат ва унга мос ғурурни шакллантириш, фидоийликни шакллантиришнинг сир–асрорларини ўргата билиш;

– ўз ўқувчиларини гўзал, зийрак, ақлли, онгли, миллий ғурурли, сезгир, синчков, фаросатли, маданиятли, маънавиятли ва шу каби хислатларни шакллантиришга инновацион ёндашувлар қила олишга эришиш;

– ўз ўқувчиларини ватанпарвар, байналминалчи, фуқаролик бурчини чуқур ҳис қилувчи ва шунингдек, миллий истиқлол ғояларига содиқ маънавиятли кишилар даражасида тарбиялашга янгича муносабатларни шакллантириш ва шу кабилар.

Юқорида баён қилинган ББСЎнинг маънавий қиёфаси ва касбий соҳаси бўйича ифодаланган **мақсад** ва **вазифаларни** амалий фаолиятда кенг жорий этишда уларнинг замонавий касбий фаолиятларини мустаҳкам эгаллашида **умуминсоний** ва **илмий қадриятларнинг** роли ва ўрни беқиёсдир. Чунки, улар туфайлигина баркамол авлод тарбиясини замон талаби асосида олиб бориш мумкин ва улар келажак авлодни Она Ватанга садоқат руҳида тарбиялашнинг асосий негизлари ҳисобланади.

Умуминсоний қадриятлар: «Одамзоднинг яшаши, умргузаронлиги, фарзандлари ҳаётининг ижтимоий, иқтсодий, сиёсий, ҳуқуқий, маданий, маънавий ва ахлоқий соҳаларига тааллуқли бўлган умумжамият миқёсидаги қадриятлар бутун инсоният ва жамиятга тегишли бўлганидан, умуминсоний қадриятлар, деб аталади» .

Табиатни муҳофаза қилиш, экологик тарбия ва маданиятни ривожлантириш, инсониятнинг сиҳат–саломатлигини сақлаб қолиш, ҳавфли касалликларнинг ўзаро ҳамкорликда олдини олиш, озиқ–овқатга, ёқилғи ва энергияга бўлган танқисликни тугатиш, маданий бойликларни, кишилик жамияти тараққиётидаги цивилизацияни мунтазам давомини таъминлашга эришиш, тинчликни сақлашга эришиш ва шу кабилар **умуминсоний** қадриятлар бўлиб ҳисобланади.

Умуминсоний қадриятлар ўзининг мазмуни, моҳияти, кенг миқёсда амал қилиниши, дунёдаги кўплаб халқлар (элатлар, миллатлар)нинг ўтмишдаги, ҳозирдаги ва истиқболдаги (кеча → бугун → эртага тизими бўйича) тараққиёти билан узвий алоқадорликда эканлиги, ўзида жаҳон

цивилизациясининг яхлит ва бир бутунлигини ифодалаганлиги билан минтақавий ва миллий қадриятлардан тубдан фарқ қилади.

Умуминсоний қадриятлар алоҳида халқларнинг ва миллатларнигина эмас, балки башарият (инсоният)нинг мулкидир.

Демак, умуминсоний қадриятлар энг олий қадрият бўлмиш одамнинг ўзидан бошлаб, унинг турмуш тарзи, ҳаёт мазмуни, оиласи, жамоасидаги ўрни билан боғлиқ бўлган бутун инсоният ва жамиятга тегишли бўлган жиҳатлар экан.

Умуминсоний қадрият жамики инсониятга хос бўлган, уларнинг инсоний фазилатлари, хислатларини ифодалайдиган анъаналар, урф–одатлар, расм–русумлар, фикрлар, ғоялар, қарашлар, таълимотлар ва шу асосда юритиладиган фаолият бўлиб, ундан таълим–тарбия соҳасида самарали фойдаланиш кўплаб истиқболли муаммоларни ҳал қилишга имконият яратади. Шунинг билан бирга умуминсоний қадриятлардан самарали фойдаланиш ББСЎнинг илмий дунёқарашини кенгайтиришга ва ҳаттоки жаҳон цивилизацияси тараққиётига ҳам ижобий таъсир қилади.

«**Цивилизация** – ахборотни тўплаш, таҳлил қилиш ва ундан фойдаланиш ҳамда атроф–муҳит ва ўзи ҳақида ахборот яратиш учун энг кўп маълумот олишга қодир бўлган модданинг юқори ТУРҒУН ҳолатидир» .

Шу сабабли ҳам ҳозирги даврда ҳар бир инсон, ҳар бир фуқаро ўзлигини чуқур англаши, бой миллий интеллектуал мулкни эгаллаши, бойишини умуминсоний қадрият билан уйғунлашуви негизида амалга ошириши таълим ва тарбияда муҳим аҳамият касб этади.

Интеллект (лотинча intellectus) – билиш, тушуниш, идрок этиш демакдир. У инсоннинг ақлий қобилияти бўлиб, у инсон миясининг дунёни акс эттириш ва шахснинг воқеликка бўлган муносабатларини бошқариб турадиган фаолияти, ҳаётни, атроф–муҳитни онгда айнан акс эттириш ва ўзгартириш, фикрлар, ўқиш–ўрганиш, дунёни билиш ва ижтимоий тажрибасини қабул қилиш қобилияти; турли муаммоларни ҳал қилиш, бир қарорга келиш, оқилона иш тутиш, воқеа–ҳодисаларни олдиндан билиш.

Интеллектуал мулк – ижодий ақлий фаолият маҳсули. Ихтирочилик ва муаллифлик манбаи ҳуқуқи мажмуига фан, адабиёт, санъат ва ишлаб чиқариш соҳасида ижодий фаолиятнинг бошқа турлари, адабий, бадиий, илмий асарлар, ижрочи актёрлик санъати, жумладан овоз ёзиш, радио, телевидение асарлари, кашфиётлар, ихтиролар, рационализаторлик таклифлари, саноат намуналари, компьютерлар учун дастурлар, маълумотлар омбори, товар белгилари, фирма атамалари ва бошқа ақлий мулк манбалари киради

Тажрибаларнинг кўрсатишича, ББСЎни тайёрлашда инновацион ёндашувлар қилишнинг яна бир кўриниши ҳар қандай фан бўйича таълим беришда маънавий тарбия воситаларидан фойдаланиш, айниқса маънавий–илмий қадриятлардан фойдаланиш ўзининг ижобий педагогик самараларини беради. Бу борада ҳам ота–боболаримиз томонидан яратилган бой интеллектуал мулк ва умуминсоний қадриятларимизни бўлажак мутахассисларимиз онгига ва қалбига мунтазам сингдириб боришнинг тарбиявий аҳамияти катта. Қуйида биз улар тўғрисида қисқача тўхталамиз.

Маълумки, интеллект таркибига идрок қилиш, хотирлаш, фикр юритиш, сўзлаш ва ҳ.к. руҳий жараёнлар киради.

Умуман олганда, қадриятлар ижтимоий–тарихий тараққиёт маҳсули, объект–субъект муносабати натижасида юзага чиқадиган ҳодисалар мажмуасидан иборат бўлиб, қадрият тушунчаси кишиларнинг турли соҳадаги турмуш зарурати асосида аввало ишлаб чиқариш, турли меҳнат йўналишлари соҳаларидаги фаолият учун фойда келтирадиган нарса, ҳодисалар мажмуаси билан боғлиқ равишда юзага келади. Сўнгра аста–секин субъект фаоллигининг орта бориши билан нисбатан мустақил соҳа сифатида амал қила бошлайди.

Кишилик жамияти тараққиёти босқичларидан маълумки, илмий қадриятлар кишилик жамияти турли даврларида яшовчи кишилар турмуш тарзидан келиб чиқиб, аввало улар орзу–истак, истиқболи ният ифодасида кишилик жамияти олдида муаммо сифатида пайдо бўлади. Шу тариқа етук

қадрият ижтимоий ва анъанавий идеаллар шаклида тарихан муайян идеологик таркибидан ўрин олиб, маълум синфлар, гуруҳлар, айрим кишилар фаолияти хатти–ҳаракатларини маълум йўналишга бурадиган, тегишли нормага соладиган маънавий ҳодисага айланади.

Илмий қадриятларнинг идеаллар шаклида ифодаланиши орзу–умидлар рўёбга чиқиши билан боғлиқ бўлиб, у кишилар ва жамиятга интилувчи олий мақсаддан иборат бўлади.

Демак, донишмандларимиз томонидан бизга қолдирилган интеллектуал мерос кўпроқ илмий қадриятларга тегишли бўлади. Илмий қадриятлар инсонлар ва инсоният учун аҳамиятли бўлган интеллектуал мулкдан иборат бўлади.

Кишилар тарихда ўз истиқболи келажагига мос ютуқларни орзу қилиб, бу орзу–истакларни нодир қўлёзмаларда (муқаддас китоблар, эртаклар, достонлар) ифодалаганлар. Жумладан, эртаклардаги «Ойнаи жаҳон» орқали **телевидение**, «учар гилам» орқали **самолётлар**, «Авесто» орқали бунёдкорлик ғоялари, ёзма манбалар орқали озодчилик қаҳрамонлари Тўмарис, Широқ, Спитамен, Муқанна, Жалолидин Мангуберди, Нажмиддин Кубро, Маҳмуд Туробий, Мадали Эшон, Ширин, Лайли ва Мажнун каби образларда ифодаланган. Абу Наср Фаробийнинг «Фозил одамлар шаҳри» асари орқали **комил инсон таълимоти**, Алишер Навоий асарлари орқали **адолатли жамият** ҳақидаги таълимоти, тўлқинлар тарқалиши қонуниятлари орқали **радиодан** ҳаётда фойдаланиш, одамлар қадимдан от қўшмасдан ўзи юрадиган арава ясашни орзу қилиб, **автомобилни** ясаш, нутқ ва бошқа товушларни исталган масофага узатишни орзу қилиб, **телефонни** ясашни, тез ҳисоблашларни орзу қилиб, **ЭҲМларни** яратишни, маълумотларни сақлаш воситаларини излашда **қоғозни** ҳосил қилиш ва шулар асосида **ёзув ва китобларни** яратишни, вақтни ҳисоб–китоб қилиш мақсадида **соатнинг** яратилиши ва шу кабиларнинг ҳамма–ҳаммаси инсоният ақлий фаолияти маҳсулидир.

Маълумки, «XXI аср – интеллектуал аср» деб аталмоқда ва бу янги соҳа бу янги билимлар ишлаб чиқиш учун (маълумот, маълумотлар базаси, ахборот, ахборотлар банки ва б.қ.) технологиялар, услублар, техник воситаларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган **ахборот саноати** юзага келмоқда. Бу эса ахборот технологияларини ҳам сифат кўрсаткичларини замон билан ҳамнафас қилишни тақозо этади.

Демак, бугунги кунимиз **«манбалар → белгилар → маълумотлар → маълумотлар базаси → ахборотлар → ахборотлар банки → ахборотли технологиялар → янги ахборот технологиялар»** тизимида фикр юритишни тақозо қилар экан. Шунинг билан бирга бу аср инсониятнинг ахборот ишлаб чиқариш бўйича имкониятларини кучайтирувчи замонавий технологиялар, ахборотлашган жамиятнинг интеллектуал салоҳиятли сифатини ҳам белгилар экан ва бундай жараёнлар ахборотлаштириш саноатини мунтазам ривожлантиришни таъминловчи илмий–техник асос ҳамдир.

Ҳеч кимга сир эмаски, Ер юзида яшаган ва яшаётган одамлар миллати, элати, ирқи, жинси, яшаш тарзи, қиёфаси, мафкураси, ур–одати, анъаналари, дини, тили, дили, касб–кори ва ҳоказо миллий–маънавий қадриятлари билан ҳам бир–биридан фарқ қилади.

Аммо инсониятни бирлаштирадиган соҳа (йўналиш) бу умумбашарий ва умуминсоний қадриятлардир. Маълумки, бундай қадриятлар ўз даврининг илмий қадриятлар асосида юзага келади. Қуйидагилар яъни ғилдирак, олов, ёзувларни ва китоб босиш технологиясининг ҳосил қилиниши; турли алифболарнинг (Хатти Бобурий) яратилиши; металларга ишлов бериш технологиясининг яратилиши; буғ ва ички ёнув двигателларининг яратилиши; элект ва энергиянинг бир турдан иккинчи турга айлантириш технологиясининг пайдо бўлиши; телефон ва телеграф тармоқларидан фойдаланишга киришиши; электроника ва компьютерларнинг амалий фаолиятда кенг фойдаланиши; сунъий интеллект каби йўналишлар донишмандларимизнинг илмий мерослари натижаларидир.

Бу борада буюк қомусий олимларимизнинг бизга қолдирган бой меросларини қайд этиш мақсадга мувофиқдир. Булар ўз даврининг машҳур илмий қадриятлари бўлган бўлса, бугунги кунда улар турли моддий, ижтимоий, маънавий, маърифий ва ҳаттоки умумбашарий, умуминсоний қадриятлар кўринишига айланиб бўлган ва улардан инсоният, яъни кишилар, жамоалар, давлат, жамият ўз ҳаётий эҳтиёжлари йўлида фойдаланмоқдалар, яъни атрофимизни ўраб турган нарса ва предметлар, ишлаб чиқариш воситалари ва қуроллари, хуллас оддий тош асрининг қуролларидан тортиб, космосни ўзлаштиришгача бўлган интеллектуал мулкдан, уларни ким кашф қилганини билмасак–да, Ер куррасининг барча нуқталарида яшовчи инсонлар бугунги кунда фойдаланмоқдалар.

Кишилик жамияти тараққиётидан маълумки, ёзувни китоб босишдан дастлаб 1041–1048 йилларда Хитойда (Би Шен), 1445 йилда Германияда (И.Гутенберг), 1868 йилда Туркистонда (Тошкентда) йўлга қўйилди, буғ двигателини (Ж.Уатт), электрни (М.Фарадей), ички ёнув двигателини (Г.Даймлер, К.Бенц), алгоритмни (Ал–Хоразмий), телефонни (Александр Грэх Белл), механик ҳисоблаш машинасини (Вильгелм Шиккард), арифмометрни (Готфрид Лейбниц), калькулияторни (Шарл де Калмар), аналитик ҳисоблаш машинасини (Г.Холлерий), транзисторни (У.Шокли, Ж.Бардин, В.Бертейн), электрон рельели ҳисоблаш машинасини (С.А.Лебедев) каби олимлар кашф этган бўлсаларда Ер юзидаги барча миллат ва элатлар улардан ўз мақсад ва эҳтиёжлари йўлида фойдаланмоқдалар.

Юқорида қайд этилган илмий қадриятлар **асослари** (фикрлар, ғоялар, таълимотлар, ахборот инқилоблари); **қадрий асос, қадрий** онг (ақл, ёзув) ва **қадрий натижалар** (илмий тадқиқот фаолияти натижалари)га эътибор берадиган бўлсак, улар кишилар ва жамоалар амалий фаолиятларида фойдаланилмоқда. Демак давлат ва жамият ҳам бу бой интеллектуал мулкдан фойдаланмоқда.

Демак, бугунги кундаги таълим–тарбия жараёнида, айниқса илмий дунёқарашни кенгайтиришда улардан фойдаланиши ҳақида тушунчалар бериб бориш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда айрим кишилар фаолиятида фойдаланиладиган илмий қадриятлар: соат, ЭҲМ, телефон, мақола, илмий маъруза, диссертация, автореферат ва шу кабилардан тортиб давлат тараққиёти учун фойдаланиладиган илмий қадриятлар (пахта, китоб босиш, телефон, АЭС, Атом двигатели, Атом, Авиация, автомабилсозлик ва ҳ.к.) ва жамият тараққиёти учун ҳам фойдаланиладиган илмий қадриятлар (комонавтика, кибернатика, автомобилсозлик, машинасозлик, халқ хўжалигини автоматлаштириш, жамиятни ахборотлаштириш ва ҳ.к.) ҳам борлигини унутмаслик керак. Жамоалар фаолиятида фойдаланиладиган илмий қадриятлар: автомобилсозлик, авиация, автомобил, Архимед винти, ЭҲМ, китоб, босмахона, кино, радио, телевидение, самолёт ва ҳоказоларни фарқлаш лозим бўлади.

Демак, илмий қадриятларнинг кишиларга, оилага, жамоага, жамиятга, қолаверса давлатга фойдаси тегар экан, фақатгина улардан оқилона ва одилона мақсадга мувофиқ равишда фойдаланиш лозим, акс ҳолда реакцион қадриятларнинг ҳам пайдо бўлиш эҳтимоли бор. Биз талабаларимиз онгига прогрессив қадриятларимизни сингдирмоғимиз лозим, чунки бизнинг вазифамиз ёшларимизни бунёдкор ғоялар билан, яъни миллий истиқлол ғоялари билан қуроллантиришимиз керак. Ана шундагина жамиятимиз ва давлатимизнинг фаол иштирокчиси бўлиши, баркамол шахсни тарбиялашга эришамиз, акс ҳолда ёшларимиз вайронкор ғоялар, яъни ҳар хил экстеримистик оқимлар ғоялари таъсирига тушиб қолиши мумкин.

Умуман олганда, атроф–теваракка бир назар ташлайлик, қанча қизиқ ва аҳамиятли нарса–ҳодисалар бор. Одамлар юрибди, қуёш чарақалаб турибди, радиодан куй тараляпти, телевизорда қизиқ эшиттириш ва кўрсатув берилаяпти, соат мунтазам равишда вақтни кўрсатиб турибди, телефон жиринглаяпти, нонушта учун чой қайнаяпти, нонуштагача дастурхонда

турли–туман ноз–неъматлар тайёр турибди ва ҳоказо Сизнинг юрагингиз уриб турибди.

Буларнинг ҳаммасини билиш учун инсон сезиш, идрок қилиш ва шу каби хислатларга эга бўлиш керак. Юқорида қайд этилган нарса ва ҳодисалар инсон онги фаолияти маҳсули бўлиб, улар дастлаб илмий қадриятлар кўринишида вужудга келган, кейин аста–секин улардан истеъмолда кенг фойдаланиш натижасида улар моддий, маънавий, маърифий, ижтимоий–сиёсий, прогрессив ва баъзан реакцион қадриятларга айланган (масалан, атом бомбаси).

Демак, олиму алломаларимизнинг бизга қолдирган бой интеллектуал мулки илмий қадрият ҳисобланиб, у инсоният учун аҳамиятли бўлган интеллектуал мулкдан иборат бўлади. Илмий қадриятларни ББСЎ онги ва қалбига сингдириш орқали уларнинг илмий дунёқарашини кенгайтиришни амалга оширишнинг самарали йўлларидан бири қўлга киритилади. Ушбу йўналишдаги илмий–услубий адабиётлар таҳлили ва мазкур соҳадаги олиб борган илмий изланишларимиз натижаларининг кўрсатишича, талабалар онгига илмий қадриятларни сингдиришни қуйидаги кетма–кетлик асосида олиб бориш мақсадга мувофиқ бўлар экан:

– **қадрий асос** (илмий қадриятларнинг намоён бўлиши омиллари);

– **қадрий онг** (илмий қ адриятларни пайдо қилувчи асослар);

– **қадрий натижа** (натижавий илмий қ адриятлар);

– **қадрий баҳо** (илмий қ адриятларнинг жамият тараққиёти ва ёшлар таълим–тарбиясига таъсири);

– **хулоса** (шахс маънавий ва илмий дунёқараши шаклланганлиги бўйича);

– **башорат** (шахс илмий дунёқараши юксалиши бўйича);

–**амалий фаолиятга фойдаланишга тавсия .**

Демак, умуминсоний ва илмий қадриятлардан аввало фан ва таълим тараққиётида, кишилар турмуш шароитини яхшилашда, оила камолига эришишда, жамоа манфаатларини юксакликка кўтаришда, жамият

тараққиёти савиясини тезлаштиришда ва давлатнинг иқтисодий ҳамда маънавий–маърифий қудратини юксалтиришда фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлиб, бундан пировард мақсадимиз халқ фаровонлиги, юрт тинчлиги, Ватан тараққиётини ўзида мужассам қилган **Озод ва обод Ватан** қуришдан иборат.

Юқорида қайд этилган **умуминсоний ва илмий** қадриятларни онгли равишда билиш учун бўлажак мутахассисдан синчковлик, сезувчанлик, идрок қилишлик ва шу каби хислатларга эга бўлишлик талаб этилади.

Демак, **умуминсоний** ва **илмий** қадриятлар бўлажак мутахассислар маънавиятининг шаклланишида, уларнинг касбий ривожланишида мустаҳкам асос бўлиб, унинг ёрдамида талабаларнинг илмий дунёқарашини кенгайтиришнинг самарали йўлларидан бири кафолатланади. Бу эса «XXI аср – ақл–заковат асри – ахборотлашган жамият сари асри»даги узлуксиз таълим тизимининг фаол иштирокчисини тайёрлашга мустаҳкам асос бўлади.

Юқорида ифода этилган, яъни ўтмишдан бизгача етиб келган интеллектуал мулкдан ҳар қандай ўқитувчи ҳам ўз касбий фаолиятида самарали фойдаланиш имкониятига эга бўлавермайди, чунки ушбу соҳани қамраб олувчи маълумотлар ҳажми жуда катта. Бундай пайтда ББСЎнинг илмий дунёқарашини кенгайтиришда фойдаланиладиган маълумотларни тўплаш, уларни тадқиқот мақсадига мос тизимларга ажратиш ҳамда фойдаланишга қулай ҳолдаги ахборот кўринишига келтириш яхши самара беради. Бу эса ББСЎнинг илмий дунёқарашини кенгайтириш жараёнини технологиялаштиришни талаб этади.

II БОБ. ИНТЕЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА КАСБИЙ ТАЪЛИМНИНГ АХБОРОТЛАШГАН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

2.1. Илмий дунёқарашни юксалтириш ёрдамида талабаларга ақлий тарбия беришни такомиллаштиришнинг босқичлари

Маълумки, таълим–тарбияга бўлган замонавий талаблар ҳамда уларнинг сифатини ошириш муаммосига янгича ёндашув, уни мунтазам равишда такомиллаштиришнинг инновацион услубларини ишлаб чиқиш ва уларни таълим–тарбия жараёнига кенг жорий этишлардан иборат. Шунинг билан бирга педагогик ва илмий–педагогик кадрларни тайёрлаш сифатини оширишда ҳам таълим муассасаларида илғор педагогик технологияларни яратишга йўналтирилган илмий тадқиқот ишлари салмоғини кенгайтириш ҳамда «таълим–амалиёт» интеграциясининг таълим тизимларидаги самарасини таъминлаш лозим бўлади.

Бу талабни таъминлаш эса педагогик илмий тадқиқотларни замон талаблари асосида олиб боришни тақозо этади. Бу борада бугунги кунда дунёдаги қатор мамлакатлар мазкур муаммо ечимини топишга ҳаракат қилмоқдалар. Улар: Японияда 1984 йилда қабул қилинган «XXI аср учун таълим модели, таълим ва жамият равнақи, изланишлар»; Францияда 1985 йилда қабул қилинган «Келажак таълими»; Олмонияда «2000 йилда таълим»; АҚШ да 1985 йилда қабул қилинган «Фан барча америкаликлар учун» ва 1984 йилда қабул қилинган «Америкаликлар учун XXI аср таълими» каби дастурлар жаҳон таълими тизимидаги ислоҳотларни ўтказишга кенг йўл очди. Бу эса мазкур соҳада кенгроқ илмий тадқиқот ишларини олиб бориш лозимлигини таъкидламоқда.

Бу борада Республикамизда қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, «Таълим тўғрисида»ги Қонун (29.08.1997 й), «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» (29.08.1997 й) ва жаҳон таълими андозалари талабларига мос келувчи «Давлат таълим стандартлари» да давр билан ҳамнафас, яъни «Интеллектуал аср» нинг фаол иштирокчиларини тайёрлаш кўзда тутилган. Айниқса, КТМД да таълим муассасаларида янги педагогик технологияларни

яратишга йўналтирилган илмий тадқиқот ишлар салмоғини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Шу сабабли ҳам ББСЎни замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан, ўқув–тарбиявий ишларнинг интерактив усулларидан фойдалана оладиган қилиб ҳамда ўзидаги педагогик фаолият маҳоратини ва кўникмаларини янада такомиллаштириш, ривожлантириш устидаги фаолиятини илмий асосда ташкил қила оладиган, шунингдек, уларни мустақил илмий–педагогик ва касбга доир бошқарув фаолиятига лойиқ қилиб тайёрлаш бугуннинг долзарб муаммосидир.

Бу борада илмий дунёқараши кенг мутахассис ўзида қуйидаги **ютуқларни** ҳам мужассамлаштирган бўлади: – инсоният ҳаётий эҳтиёжи учун зарур нарса ёки предметларни (амалий фаолиятда фойдаланишга қулайлигини ўйлаган ҳолда) такомиллаштириб, улар қаторига янгиларини қўшиб бориш имкониятига эга бўлади; – инсонлар турмуш тарзини юксалтириб бориш борасидаги замонавий илмий изланишлар кўламини кенгайтириб бориб жисмоний ишларни кўпроқ ақлий меҳнат фаолияти жараёни билан алмаштиришга эришадиган бўлади; – жамият интеллектуал салоҳиятини юксалтирувчи ижодий ишлар кўламини кенгайтириб бориб «XXI – аср интеллектуал аср»нинг фаол иштирокчиларини тайёрлашга эриша бориш, яъни ҳар қандай замонавий техника–технология билан «тиллаша» оладиган мутахассислар тайёрлаш қобилиятига эга бўлади; – таълим–тарбиянинг самарали йўлларини излаш ва уларга мос малакали мутахассислар тайёрлашнинг истиқболли технологияларини яратишга интеллектуал салоҳияти етадиган бўлади; – ёшларимизни мустақиллик мафкураси асосида тарбиялашнинг истиқболли ва ахборот технологиялари асосида методологияни яратишга қодир бўлади; –жамиятни ахборотлаштириш сари бораётган бир пайтда ББСЎнинг компьютерли саводхонлигини оширишнинг оптимал йўлларини яратиш ва улардан амалий фаолиятда мунтазам фойдаланишни ҳам амалга ошира олади.

Бу қайд этилганларни ҳал қилиш учун энг аввало талабалар онгида илмий изланиш ҳақидаги тушунчаларни пайдо қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Илмий изланиш – илмий ижоднинг ўзига хос кўриниши бўлиб, янгиликни топишга қаратилган фаолият, янги натижалар олишда давом этиш, янги билим ҳосил қилиш.

Энди илмий изланиш алифболари ҳақида қисқача маълумот берайлик.

Илм – ўқиш, ўрганиш ҳамда ҳаётий тажриба асосида билим, кўникма ва малакалар мажмуи.

Билим – одамларнинг предметлар ва жамиятни билиш маҳсули, табиат, жамият ва тафаккурнинг қонуниятлари тўғрисидаги илмий тушунчаларнинг яхлит тизимлаштирилган мажмуи.

Фикрлаш – бу таҳлил ва синтез қилиш, таққослаш, абстракциялаш, умумлаштириш ва хулоса қилиш сингари хаёлий ҳаракатлар орқали амалга оширилади.

Хулоса қилиш – бу ниманидир тасдиқлаш ёки инкор этиш орқали, ҳукм чиқариш орқали амалга оширилади.

Янги фикр – нарса ва жараёнлар ҳақидаги мавжуд билимлар асосида шаклланган сўнгги хулоса.

Янгилик (ижодий даража) – талабанинг эгаллаган билимлар асосида янги ахборот излаб топиши ва янги илмий изланиш йўналишларини ижод қилиш натижаси.

Ижод – инсоннинг янги моддий ва маънавий неъматлар яратиш фаолияти, кишининг яратувчанлик маҳорати.

Талабага илмий изланиш ҳақидаги тушунча беришда уларнинг интеллектуал салоҳиятли бўлишлигини ва ижодий жасурлигини ҳамда қатъият билан янгиликка интилиш лозимлигини кенг миқиёсда тушунтириш лозим. Шунинг билан бирга ижодкор талаба ўз замонасининг илғор ғоялари билан қуролланган бўлмоғи ҳам илмий изланиш самарадорлигини оширишда

муҳим асос бўлади. Бу эса унинг мустақил ва эркин фикрлашига, янгиликка ўчлигини ҳис этадиган бўлишлигини таъминлайди.

Изланувчан талабани шакллантиришнинг яна бир хусусияти шундан иборатки, бундай талабалар фан олдига илмни ижтимоий мақсадлар сари ривожлантиришга доир мақсад ва вазифаларни қўяди. Бунда олов, гугурт, «ойнаи жаҳон», «учар гилам», «оташ арава», «ўзиюрар арава», «симсиз алоқа», «атом», «атом энергияси», «**гелиотехника**» кабиларни ижтимоий аҳамиятини тушунтиришда илм–фан ютуқлари умумбашарий илмий қадрият эканлигини талабалар онгига сингдиришда, улардан халқларнинг дини, ирқи, миллати, жойи, мансаби, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар баб–баравар инсоният ўз эҳтиёжларида фойдаланишини алоҳида қайд этиш лозим.

Илмий изланишнинг яна бир хусусияти шундан иборатки, у фан олдига, илм аҳли олдига, башарият олдига илмни ижтимоий мақсадлар сари ривожлантиришга доир мақсад ва вазифаларни қўяди. Улар қуйидагилар:

–**оловнинг** пайдо бўлиши;

–**металларга** ишлов бериш орқали турли такомиллаштирилган иш қуролининг пайдо бўлиши;

–**ёзувнинг** пайдо бўлиши орқали маълумотларни тўплаш технологиясининг вужудга келиши, босмахонанинг юзага келиши;

– **энергиянинг** бир турдан иккинчи турга айланиши ҳақидаги башарият орзу–умидларининг рўёбга чиқиши;

– **атомнинг** парчаланиши;

– **атомнинг** «жиловланиши»;

– **атомнинг** тинчлик мақсадларда фойдаланиши;

– **«Учар гилам»** ни орзу қилиш орқали авиациянинг пайдо бўлиши ва тараққий этиши;

– **ҳисоблашга** бўлган эҳтиёжларнинг қондирилиши натижасида замонавий компьютерларнинг пайдо бўлиши;

– «**Инсон – машина»** тизимининг ҳаётимиз турли жабҳаларига кенг кириб бориши;

– башарият олдига қўйилган **«сунъий тафаккур»нинг** ҳал қилинишига ижодий ёндашиш ва ҳоказо.

Юқорида қайд этилган мақсад ва вазифаларни ҳал қилиш ҳар доим ҳам ҳамма томонидан ҳал қилинавермайди. Бунда замон талаби ва ўша давр илм–фани ҳамда техника–технологияси савияси муҳим роль ўйнайди.

Демак, илм–фанда мураккаб тизимлар чизиқли бўлмаган жараён, яъни динамик ва статик тизимлар ўрганилмоқда. Улар қуйидагиларда сезилмоқда: – янги пайдо бўлаётган объектлар ҳамда уларни ўрганишга мос концепциялар пайдо бўлмоқда ва улар асосидаги қонун–қоидаларнинг янги вариантлари юзага келмоқда; – илмий фикр, илмий тушунча ва концепцияларнинг билиш жараёнидаги ўрни янгиланмоқда. Бунинг натижасида билишнинг эмпирик ва назарий босқичлари, яъни унинг хусусиятлари намоён бўлмоқда, тузилиши тўғрисидаги маълумотлар олиш имкониятлари туғилмоқда; – тадқиқот объектларининг мазмун–моҳиятини ифодаловчи янги тушунчалар ва билимларни тадқиқ қилишни ўрганиш, оламнинг илмий манзараси тўғрисида янги маълумотлар олиш имконини бермоқда; – тадқиқот объектларининг мазмун–моҳиятини ифодаловчи янги тушунчалар кўп босқичли тузилмалардаги мураккаблик ва ҳоказоларни тадқиқ қилишни ўрганиш, оламнинг илмий манзараси тўғрисида янги маълумотлар олиш имконини беради (Глобалистика, сунъий тафаккур, эргономика ва ҳоказо); – илмий изланишнинг илмий услуб ва воситалари шакллари бойиб бормоқда, янги мазмундаги услублар, тамойиллар, мезонлар кашф қилинмоқда; – замонавий компьютерларнинг кенг жорий қилиниши натижасида илмий изланишлар доимо такомиллашиб бормоқда (кузатиш, эксперимент, тажриба, илмий тадқиқотни автоматлаштириш тизими, моделлаш, математикалаштириш, тизимий ёндашув, тизимий таҳлил ва ҳоказо); – ижодий изланишни самарали олиб боришда илмий билиш усуллари–математикалаштириш ва моделлаштириш роли ошиб бормоқда ва

айниқса улар замонавий илм–фанда тадқиқотнинг асосини ташкил этмоқда; – илмий изланиш кўп ҳолларда ўзининг фан қадриятини белгиловчи асосий омил сифатида намоён бўлмоқда ва ҳоказо.

Илмий изланиш фаолиятини муваффақиятли амалга оширишда билиш усуллари муҳим рол ўйнайди. Уларни қуйидаги кўринишларда учратиш мумкин:

Илмий фикр – бу кўпроқ назарий тушунчали фикрлашдир. Унда назарияга асосан холис бўлган янги ҳодисаларни ва қонунларни назариянинг натижаси сифатида шакллантирилиб борилади.

Илмий тушунча – ижодий характердаги шаклланган билим, талабанинг илгари ўзлаштирган билим ва кўникмаларини турли ҳолатларда тадбиқ эта олиш маҳорати натижасида шаклланган билим. Бунда объектив қонуниятлар, воқеа–ҳодисаларни ва уларнинг моҳиятини тўғри ифодалашга эришилади.

Кузатиш – илмий билишдаги амалий методлардан бири бўлиб, у назарий тадқиқотлардан олинган натижаларнинг амалий аҳамиятини асослайдиган илмий билиш усули.

Эксперимент – фан ва билиш соҳасида фавқулодда ҳолатдан чиқиш, муаммоли вазиятни ҳал қилиш жараёнлари, шахснинг ҳис–туйғулари, характери, қобилияти, ақл–заковатини ўрганишда қўлланиладиган усул.

Тажриба – воқеликни амалий жиҳатдан ҳиссий – эмперик билиш жараёни, ўқув, кўникма, малака ва билимнинг биргаликдаги фаолият жараёни.

Моделлаш – бу илмий билиш усули бўлиб, у борлиқни билвосита ўрганишга асосланган ва унинг асосида объект билан модель ўртасидаги ўхшашлик ва мувофиқлик ўрнатилади.

Математикалаштириш – бу фанлар тараққиёти мантиқига ишлаб чиқариш эҳтиёжини, иқтисодиётни бошқаришнинг оптимал вариантларини аниқлаш заруратига хизмат қиладиган математик таҳлил усулларидан бири.

Тизимий таҳлил – мураккаб объектлардан тадқиқ этиш ва лойиҳалаштиришда қўлланиладиган метод ва воситалар мажмуаси, билиш жараёни ва тадқиқотларда қўлланиладиган усул.

Тизимий ёндашув – илмий–методик йўналиш бўлиб, у илм–фандаги турли тизимларни тадқиқ этиш, лойиҳалаш, моделлаш ва шу кабилар мажмуаси.

Илмий изланишнинг автоматлаштирилган тизими – тадқиқ этилаётган манба ва жараёнга тегишли маълумотларни йиғишни, уларни ахборот кўринишига келтириш ва қайта ишлашни ифодаловчи ҳамда ахборотларни сақлаш, фойдаланишга қулай ҳолга келтириш (тизимлаштириш)нинг компьютерли ҳисоблаш тизими.

Демак, талабаларнинг илмий дунёқарашини кенгайтиришда узлуксиз таълим тизими тўғрисидаги айниқса олий таълим тизимида илм–фан ва таълим тараққиётида, кишилар турмуш шароитини яхшилашда, оила ва шахс камолига эришишда, жамоа манфаатларини юксакликка кўтаришда, жамият тараққиёти савиясини тезлаштиришда ва давлатнинг иқтисодий ҳамда маънавий–маърифий қудратини юксалтиришдаги далил–исботлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ экан. Бунда ўрганилаётган фан мазмунига қараб кундалик турмушимизда ишлатилаётган гугурт, игна, радио, авиация, телевизор, кино, телефон, ёзув, қоғоз, китоб, соат, автомат, ЭҲМ, автомобиль, атом ва транспорт воситалари ва ҳоказоларнинг яратилиши ҳамда уларнинг амалиётдаги аҳамияти, уларнинг ўзи ҳам вақтида кишилик жамияти тараққиёти босқичлари билан мос равишда ақлий–ижодий фаолияти маҳсули эканлигини талабалар онгига сингдириб борилса, уларнинг илмий дунёқарашини кенгайтириш имкони туғилади.

Буларнинг ҳаммасини билиш учун инсон сезиш, идрок қилиш ва шу каби хислатларга эга бўлиш керак.

Талабалар илмий дунёқарашини кенгайтиришни таълим–тарбия жараёнининг турли жабҳаларида амалга ошириш учун ҳар бир фан шакл–ланишидаги илмий асарларни қайд қилиб ўтиш ва талабани илмий изланиш

жараёнига эътиборини қаратиш етарли. Буларни талабаларга мустақил топ–ширик бериш орқали биринчи курсданоқ бошлаб юборган маъқул ва ушбу жараённинг узлуксиз кетма – кетлигини қуйидагича амалга оширган маъқул:

– талабаларга ўрганиладиган тушунча юзасидан маълумотларни тўплашни ва уларни ахборот кўринишига айлантиришни ўргатиш. Бунда кутубхонадаги картотека ва улар асосидаги адабиётлар рўйхатини тузиш;

– ўрганилиши керак бўлган адабиётларнинг аннотацияси ёки реферати ҳақида маълумот бериш. Буни фан ўқитувчилари ўз фанининг дастлабки босқичида яъни фаннинг мақсади ва вазифалари ҳамда предметларни баён қилиш пайтида амалга оширса бўлади ёки бу жараён илмий ижодиёт тўгаракларнинг бевосита вазифаси ҳамдир;

– талабаларга аниқ мавзу бўйича реферат ёзишни топшириш орқали ҳам амалга оширилади ва шу тариқа ОУЮдаги ўқитишни тугатгунга қадар жорий топшириқлар бериб борилаверади. Бу борадаги ушбу илмий изланишимизнинг самараларини «Илмий ижодиётга кириш» мавзусидаги фанни ўрганишда яққол сезилади. Ушбу фан ББСЎни тайёрлаш ўқув режасининг “танлов фанлар” блокида киритилган бўлиб, унда ўзлаштирилган билимлар ўқув режасидаги бошқа (кейинги) фанлар блокларидаги фанларни юқори савияда ўзлаштиришга ҳам мустаҳкам асос бўлди ва айниқса, тўрт йил давомида бериладиган ижодий топшириқлар (мустақил таълимга оид маълумотларни излашда, аннотация ва реферат ёзишда, тезис ва маъруза тайёрлашда, курс ва малакавий битирув ишлари устида ишлашда)ни бажаришда ҳам мустаҳкам интеллектуал асос бўлди.

Бу ерда маълумотнинг ахборотга айланиши масаласи ўрганилаётган манба бўйича тўпланган маълумотларни фойдаланишга қулай ҳолга келтириш йўли билан амалга оширилади, яъни фойдаланиладиган маълумотларга **ахборот** дейилади.

Умуман таълим–тарбия соҳасидаги долзарб муаммолардан бири (у ҳар қандай кишилик тараққиёти даврида долзарб бўлиб келган) ижтимоий, сиёсий, табиий ва техник фанлар синтези муваффақиятини амалиётда қўлаш

– янгича (ижодий даражадаги) фикрловчи теран ва аниқ–равшан ҳамда мустақил фикрларини амалда тадбиқ қила оладиган инсон тафаккурини самарали шакллантиришдан иборатдир. Буларнинг барчаси орқали инсон омилининг янада ошишига кенг имкониятлар яратилмоқда, яъни инсон илмий дунёқараши кенгайишига мустаҳкам омилдир. Бунинг замирида ББСЎ лар учун юксак илмий дунёқарашни шакллантириш зарурлиги ётади.

Мустақил илмий дунёқараш→ижодий тафаккур→шахс маънавий камолоти→интеллектуал мулкли шахс белгисидир. Шу сабабли ҳам инсон тафаккурининг ривожланиш имкониятлари чексиз бўлиб, у шахс илмий дунёқарашини юксалиши билан ҳамоҳанг ривожланиб боради. Шу маънода мустаҳкам илмий дунёқараш муайян ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маданий–маърифий асосда юзага келади ва маънавиятнинг ривожи қанчалик уйғун бўлса, ижтимоий тараққиёт учун мустаҳкам асос бўладиган фан, илғор ғоялар ва қарашлар ҳамда таълимотлар кўпроқ юзага чиқади ва улар ўзларига мос–хос тараққиёт йўналишига ижобий таъсир қилади.

Кўриниб турибдики, талабалар ИДни кенгайтиришда улар нафақат аудиториядан ташқари машғулотларида, балки маъруза, семинар, лаборатория машғулотларида, индивидуал суҳбатларда ҳам, мустақил фикрлашлари ҳам муҳимдир. Айниқса, бу борада тафаккур ўйинларининг роли ва ўрни беқиёсдир.

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ мамлакатимиз тараққиётида турли соҳаларда туб бурилишлар бошланиб кетди. Айниқса, ёшларимиз таълим–тарбияси соҳасига алоҳида эътибор берилди. Бундан кўзланган мақсад: “Таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш миллий тизимини яратиш”

Хусусан, ББСЎни тайёрлашда ҳам юқорида қайд этилган мақсад ўз аҳамиятини йўқотмайди. Яъни кўзланган **МАҚСАД:** ўқувчининг онгига саводхонлик асосларини ва ҳисоблаш тафаккури элементларини сингдира

оладиган, узлуксиз таълим тизимининг кейинги бўғинларига ўз ўқувчиларини интеллектуал салоҳиятли бўлиш лаёқатига эга бўлган қилиб тарбиялашни уддалай оладиган, шунингдек, ҳар бир ўқувчисида мавжуд бўлган лаёқат ва қобилиятларни эркин ривожлантириш, ижобий–хулқий сифатларни, миллий ва фуқаролик ҳис–туйғусини ўстиришни уддалай оладиган замонавий етук бошланғич синф ўқитувчиларини тайёрлашдан иборат бўлиб, уни ҳал этишга мос вазифалар эса қуйидагилардан иборат:

– аввало, инсон омилига янгича ёндашиш, яъни ўқитишни ўқувчи қалбида зоҳир бўлган адолат ва эзгуликни барқарорлаштиришга, ўқувчининг илм–ҳунар ўрганишга бўлган орзу–истакларини рўёбга чиқишига амалий ва маънавий кўмаклашишга қодир мутахассислар тайёрлашга эришиш;

– халқимизнинг бой маънавий ва интеллектуал салоҳияти ҳамда умумбашарий қадриятларига суянган ҳолда бошланғич таълимни ривожлантиришнинг жаҳон таълими замонавий талабларини эътиборга олган ҳолда бошланғич таълимни ташкил эта оладиган мутахассислар тайёрлашга эришиш;

– ёшларимиз маънавий–маърифий тарбиясида бой миллий тарихий анъаналар, халқ урф–одатлдари ва умумбашарий қадриятларга асосланган самарали ташкилий ва педагогик шакллар ва манбаларни яратишга қодир кадрлар тайёрлаш;

– бошланғич таълимни ташкил этишнинг оптимал вариантларини топиш мақсадида янги педагогик ва ахборот технологияларини ишлаб чиқиш ҳамда улардан амалиётда кенг фойдаланишнинг уддасидан чиқадиган таълим–тарбия ишида инновацион ёндашувлар қила оладиган ўқитувчилар тайёрлаш;

– таълимни инсонпарварлаштиришга қодир, ўз ўқувчиларини ўқишга ва таълим олишга қизиқтира оладиган дунёқараши кенг замонавий мутахассислар тайёрлаш. Бунда бошланғич синф ўқувчиларининг шаклланадиган қуйидаги сифатларига кучлироқ эътибор берилади: воқе–ҳодисалар ва нарса–буюмларни ўрганишдаги ҳосил бўладиган диққатнинг

шаклланиши, кўринишнинг аҳамияти, идрок этиш, эшитишнинг ўрни, фикрлаш қобилиятларининг ўзгариши, ишончнинг пайдо бўлиши, ироданинг шаклланиши, меҳр–мурувватнинг ижобийлиги тушунчасининг шаклланиши, қатъиятнинг пайдо бўлиши, жасоратнинг ижобий хислат эканлигини тушуниши ва ҳ.к.;

– таълим мазмуни ва ўқувчи ёшига мос таълим–тарбияни амалга оширишга қодир мутахассислар тайёрлаш. Бунда ўқувчининг руҳий ҳолатини ва имкониятларини ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, таълим ва тарбияни уйғун ҳолда олиб бориш лозим. Бундай таълим–тарбия жараёнини олиб боришда ўқитувчининг педагогик маҳорати, лаёқати, етуклиги, ўқувчиларнинг ёши, маънавий эҳтиёжи, тайёргарлиги имконияти ва муҳити ўта муҳимдир;

– ББСЎни ёш авлодни гўзал, одобли, фаросатли, сезгир, зийрак, зукко, онгли ва интизомли, юксак маънавиятли, миллий ғурур эгаси қилиб тарбиялаш, кўникма ва малакаларни эгаллаган ҳамда ўз ўқувчиларида ватанпарварлик, байналминалчилик, фуқаролик бурчини ҳис этадиган сифатларни шакллантира оладиган мутахассис даражасида тайёрлашга эришиш.

Жамиятимиз тараққиётига мос таълим–тарбия соҳасида кўплаб ижобий ўзгаришлар бўлмоқда, моддий ва маънавий қадриятларимизнинг янги–янги қирраларини ўрганиш имкониятлари туғилмоқда. Бугунги кунда миллий ва умуминсоний қадриятларни синчиклаб, мукаммал ўрганиш, замонавий илм–фан, техника–технологиялар борасидаги ютуқларни ўрганиш ва таҳлил қилиш бўлажак мутахассислар илмий дунёқарашини кенгайтиришда мустаҳкам илмий асос бўлмоқда.

Буюк бобокалонларимиз қолдирган бой маънавий ва илмий меросларбарча даврлар учун керакли бўладиган ўгитлар борки, улар ҳозирги давримиз учун ҳам аҳамиятлидир. Ўзбекистонимиз ўз истиқлолига эришганлиги туфайли халқимизнинг асрий орзулари рўёбга чиқа бошлади. Эндиги вазифа илмий дунёқараши кенг бўлган баркамол шахсни шакллантиришдан

иборатдир. Бунинг учун маънавий ва илмий қадриятларимизни ҳозирги авлоднинг кўнгил мулкига айлантирмоғимиз лозим, яъни аждодларимиздан авлоддан–авлодга ўтиб келаётган бой илмий меросимиз, анъана ва тажрибаларимизни ўрганиш жуда муҳим ва ўринли. Демак, бугунги куннинг талаби таълим масканларини «олтин мерос» билан тўлдиришдан иборатдир. «Олтин мерос» билан «тўлдириш» учун эса ўтмишимиздан жуда кўплаб бой илмий–маънавий меросларимизни келтиришимиз мумкин. Булар «Авесто» муқаддас китоби орқали баён этилган Зардуштийлар таълимоти, «Қуръони Карим» ва «Ҳадиси Шариф»ларга асосланган Ислом таълимоти, биринчи ва иккинчи уйғониш давридаги алломалар таълимотлари, Амир Темур ва Темурийлар даври алломалари ҳаёти, фаолияти ва асарлари асосидаги маълумотлардир. Шунингдек, бу борада буюк бобокалонимиз – Шарқнинг буюк мутафаккири – «Муаллими Соний» («Иккинчи муаллим», Арастудан кейинги муаллим) – Шарқ Арастуси – қадимги юнон илми ва фалсафасининг Шарқдаги энг йирик тарғиботчиси ва унинг ривожига ҳисса қўшган олим Абу Наср Ал–Фаробийнинг инсонпарварлик қарашларини ўрганиш ва уни ёшлар онгига сингдириш, уларнинг дунёқарашини кенгайтириб ақлий тарбия беришда мустаҳкам асослардан бири бўлиб ҳисобланади.

Фаробийнинг «Ақл тўғрисида»ги рисоласида инсонпарварлик таълим–тарбияси орқали инсон шахсиятининг камол топтириш йўл–йўриқларини ҳамда маърифатга эришишнинг усулларини яратиш ижтимоий муаммолардан бири эканлиги кўрсатилиб ўтилган. Бу муаммоларни Фаробий инсон, инсонийлик, етук инсоний хислатларни яратиш нуқтаи назаридан ҳал этишга ҳаракат қилган. У ўз асарларида таълим–тарбиянинг психологик асослари, нафосатнинг муҳим назарий масалаларини ўз фалсафасининг ажралмас қисмлари сифатида таҳлил қилган. Дарҳақиқат, ёшлар дунёқарашини ақлий тарбия бериш орқали кенгайтиришда унинг «Ақл тўғрисида»ги рисоласидан фойдаланиш, ёшлардаги умуминсоний фазилатларни ҳам юксалишига олиб келади.

Фаробий ўзининг «Ақл тўғрисида»ги рисоласида ўзида қуйидаги ўн икки хислатни шакллантира олган кишигина ақлли ва ахлоқли бўла олади, деб қайд этади. Фаробий инсон учун хос бўлган бу ўн икки хислатни ўз асарида илмий–фалсафий жиҳатдан асослаб беради.

Бу асар ёшларимизни ақлий тарбиялашда, айниқса ўзлигини англашда бебаҳо манба бўлиб ҳисобланади.

Инсоният пайдо бўлибдики, унда инсонлар ўзаро муносабатда бўладилар. Ана шу муносабатлар асосида инсоннинг онги ўсиб, ақли пешланиб боради. Яъни инсоний муносабатлар шундай жараёнки, унда инсонлар ўзаро мулоқатда бўлгани сари улар ўртасидаги ўхшашлик, умумийлик, уйғунлик каби сифатлар пайдо бўла бошлайди. Бундай сифатларнинг айримлари ўтмишимиздаги таълим–тарбия жараёнларида ҳам бўлган ва улар буюк олимлар, алломаларнинг рисола, ўгит ва насиҳатларида эсдалик сифатида бизгача етиб келган. Жумладан, «Авесто», «Қурони Карим», «Ҳадиси Шариф», «Қобуснома», «Сиёсатнома», «Темур тузуклари», «Бобурнома», «Ҳумоюннома», «Ҳукмдорга ўгитлар», «Саодатга элтувчи билим», «Маънавият юлдузлари», «Улуғбек хазинаси», «Зафарнома», «Фозил одамлар шаҳри», «Ҳамса» ва шу кабилар.

Миллий қадриятларимизни ўрганиш, таҳлил қилиш жамият тараққиёти учун жамиятда яшаётган инсонлар, улар ўртасидаги муносабатларни яхшилашда, яъни ақл билан иш кўришда катта аҳамият касб этади. Бу борада, айниқса Амир Темур бобомиз – буюк саркарда – у адолатли куч билан, кучни эса адолат билан уйғунлаштирди, унинг тамғасидаги нақшда «Рости–русти» деган битик борлиги, унинг маъноси эса «ҳақгўй бўлсанг, нажот топасан» каби кўрсатмали ўгитларнинг, шунингдек, одоб–ахлоқ, таълим–тарбия тўғрисидаги ўғитлари ўрта асрдаги энг ноёб рисола бўлиб, у рисоладаги панд–насиҳатлар замондошларининг диққатини жалб этган. Улар бугунги кунда ҳам ёшларимизга одоб–ахлоқ, таълим–тарбия ҳақида дарс бериш жараёнларида ёшларимизга ақлий тарбия беришда катта ижобий таъсир кўрсатади.

Буюк соҳибқирон Амир Темур бобомиз бутун умри от устида, ур–сурлару курашларда ўтди. У уруш давомида яхшилик, эзгуликдан чекинмади, мардларни улуғлади, хоинларни ва золимларни кечирмади, улусга зулм қилувчи ҳукмдорларни аёвсиз жазолади, Ватан хоинларидан нафратланди. Ўткир нигоҳи ва теран ақли орқали у «узоқ»ни кўра билди, келажак ҳақида ўзининг мустақил, ишончли ва мукаммал фикрига эга бўлди.

Давлатимиз мустақилликка эришган ушбу кунларда улуғ бобокалонимиз Амир Темурнинг бой меросини ёш авлод онги ва қалбига сингдириш орқали уларнинг маънавий–илмий дунёқарашини кенгайтиришимизга шубҳа йўқ. Айниқса, «Темур тузуклари» (ёки «Амир Темур ўгитлари») рисоласида мадҳ этилган халқлар дўстлиги, тинч–тотув яшаш учун кураш, буюк бунёдкорлик ишлари, пирларини ва устозларини ҳурмат қилишлик, очиқ кўнгиллилик, саҳоватпешалик, бечораларга ёрдам қўлини чўзиш каби фазилатлар ҳамиша унинг асарини ўқиган кишига тетик руҳ ва қувват бахш этади. Умуман олганда, Амир Темурнинг ўзи шахс сифатида ақлда, одобда, ахлоқда, иймонда, эътиқодда, давлат бошқаришда, инсонларга муносабатда, буюк марказлашган давлат қуришда ва ҳокозо шу кабиларда юксакликка ҳамда мукаммалликка етишган сиймодир. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун бобомизнинг ўзи томонидан яратилган одоб–ахлоққа оид дастурлар, панд–насиҳатларни, шунингдек, Соҳибқирон ҳақидаги тарихий асарларни ўқиш, ўрганиш кифоя.

«Тузукий Темурийлар», унинг ушбу тузукларида ўзи амал қилган ўн бир сифатни ёшларимиз онги ва қалбига сингдирсак, шунинг ўзи таълим–тарбия соҳасидаги ғояларни ёшларимизни тарбиялашда тадбиркор бўлишдан одамлар билан маслаҳатлашиб, нозик ва тарбия кўрган ақлли кишилар билан бирга келишиб, эътиқодли, иймонли қилиб тарбиялашда эътиборни кучайтирсак фойдадан холи бўлмайди.

Амир Темур ўзининг ўн бир сифатига ва давлат бошқарувида ўн икки нарсага умр бўйи риоя қилган. Шу туфайли эл ҳурматига, халқ эъзозига ва юксак бахтга сазовор бўлган. Инсонларга ҳурматни, меҳр–оқибат, сабр–

қаноат ва бурчга садоқат каби сифат фазилатларнини ўзида пайдо қилишда ибрат–намуна бўла олган.

Соҳибқирон Амир Темурнинг ибратли ҳаётий панд–насиҳатлари ва пурмаъно ўғитлари ҳар бирининг мазмун ва маъноси кенглиги, мантиқининг кучлилиги, теранлиги, таъсири, умуминсоний қадриятлар асосида қурилганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади ва уларни шу Хазина, одоб–ахлоққа оид дастур деб биламиз. Унинг ушбу сифатлари, қарашлари ёшларни халқини севишга, унга фидоий, содиқ бўлишга ўз халқига хизмат қилишга чорлайди. Шунингдек, ёшларимиз қалбида юксак инсонпарварлик туйғуларини уйғотади. Бундай сифатлар ёшларни бир–бирига бўлган муносабатларини фақат яхшилик билан бўлишликни таъминлайди. Амир Темурнинг бой мероси, теран фикри келажак авлод тарбиясида уларнинг дунёқарашини кенгайтириб, ақлий тарбия беришда муҳим аҳамият касб этади.

Юқорида қайд этилган Абу Наср Ал–Фаробий ва Соҳибқирон Амир Темурларнинг бой мероси талаба–ёшларимизга таълим–тарбия беришда мустаҳкам маънавий асос бўлади. Улар орқали ёшларнинг дунёқараши мунтазам равишда кенгайиб боради ва табиийки булар уларнинг ақлий тарбиясига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Ўтмишимиздан бу борадаги бой илмий–маънавий меросимизни хоҳлаганча топиш мумкин.

Албатта ёшларга бериладиган ақлий тарбиянинг асосини улардаги шаклланган ақл ташкил этади.

Ақлнинг энг муҳим сифатлари: фикрнинг теранлиги, танқидийлиги, уйғунлиги, кенглиги, тезлиги, эркин ва мустаҳкамлиги. Булар асосида нарса ва ҳодисаларнинг рўй бериш ва ривожланиш ҳолатларини, яъни алоқа–муносабатларини илғаш ва қонуниятларни очиш имконияти яратилади.

Ақлнинг ривожланиши: кишиларнинг яшаш шароити (муҳит)га мос ҳолда ва таълим–тарбия жараёнида пайдо бўлиб, ривожланиб бораверди. Бу ривожланиш киши яшаётган жамият тараққиётига, яъни ўша жамият (оила,

жамоа, давлат) менталитетига боғлиқ ҳолда пропорционал равишда давом этади.

Менталитет термини ва ўзбек халқи менталитети тўғрисида ҳамда уларнинг ёшларимиз дунёқарашини кенгайтиришидаги аҳамияти тўғрисидаги маълумотлар ушбу ишнинг олдинги қисмида берилган бўлиб, бундай маълумотлар ёшларимизга ақлий тарбия беришда ҳам бой маънавий асос ҳамдир.

Демак, ота–боболаримиз, узоқ ўтмишдаги авлод–аждодларимиз ҳам яхши ниятли, баркамолликни орзу қилган иймонли кишилар бўлиб, улар эзгулик, гўзаллик, поклик, илмли–билимли бўлишликларга интилиб яшаган эканлар.

Уларнинг **асосий эзгу ниятлари** узоқ умр кўриш, фаровон ҳаёт кечириш, яъни роҳат–фароғатда бахтли ва беармон яшаш ҳамда одамларга фақат яхшилик қилиш, бунёдкорлик ва яратувчилик фаолиятларини доимо ривожлантириб боришдан иборат бўлган. Бундай эзгу ниятларни амалга ошириш учун эса илм, билим, ғоя, қараш, таълимот ва энг асосийси уларга мос ва хос илмли–ақлли шахслар керак бўлади ва улар жамиятнинг олға силжишига сезиларли таъсир кўрсатадилар.

Бу исбот талаб қилинмайдиган ҳақиқатни (аксиомани) диёримиз ўтмишидаги барча авлодлар тараққиёти даврларидан топишимиз мумкин, чунки диёримизда яшаб ўтган аждоду авлодларимиз қонига ҳам, танига ҳам маънавият, маърифат сингиб кетган. Бунга ҳам исботларимиз етарли, жумладан, Зардуштийлар таълимоти бўлмиш «Авесто» муқаддас китобининг асоси ғоясини олайлик, унда «Эзгу фикр → эзгу сўз → эзгу амал»нинг «Ёвуз фикр → ёвуз сўз → ёвуз амал» устидан тантанаси тараннум этилади. Ёки Абу Наср Фаробийнинг «Фозил одамлар шаҳри» асаридаги таълимоти ёки Алишер Навоийнинг адолатли жамият қуриш ҳақидаги таълимоти ва ҳоказо уларнинг ҳаммасида адолат тантанасида ақл–идрокнинг юксаклиги ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган.

Демак, ўтмишимиз илмли–билимли, ақлли буюк шахсларга бой ва улардан бугунги кунда ёшларга ақлий тарбия беришда уларнинг илмий дунёқарашини кенгайтиришга кенг имкониятлар мавжуд. Ушбу йўналишдаги ишларда нафақат улуғ алломаларимизга бой илмий мероси, балки «Қуръони Карим» оятлари ва «Ҳадиси Шариф»даги ҳикматлардан фойдаланиш ҳам ўзининг ижобий педагогик самараларини беради. Бу борада Пайғамбаримизнинг илм ҳақидаги фикрини келтирайлик: «**Илм эгалланг! Илм саҳрода – дўст, илм зулматда – қуёш, ҳаёт йўлларида – таянч, ваҳшатда – ҳамроҳ, ёлғизлик дамларида – йўлдош, бегона юртда – сирдош, бахтиёр дақиқаларингда – раҳбар, қайғули онларингда – ҳамдард, одамлар орасида – зебу–зийнат, душманларга қарши курашда – қуролдир**».

Ёки «Ҳадиси шариф»даги «**Илм олишга ҳаракат қилиш ҳар бир мўминга фарздир**», деган ҳикмат ва ҳ.к. фикрлар талаба–ёшларимиз ақлий тарбисида, айниқса уларнинг маънавий дунёқарашини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Демак, инсон ақлий камолатининг асосларидан бирини билимли бўлиш ташкил қилар экан ва у кишиларни бахтли ҳаёт қуришга етаклар экан. Бу ҳақда Маҳмуд Қошғарийнинг «**Бахт белгиси билим ва ақлдир**», деган ҳикматли фикрини ёшларимиз онгидаги шиорига айлантириш мақсадга мувофиқдир. Бунга сабаб улар билимли одамлар хосиятини чуқурроқ англаши зарур. Чунки, билимли одамлар ҳаётда камроқ қоқилади, сурилади. Илм олишдан мақсад ақлни чархлашдир. Ақлни чархлаш эса дунёқарашни кенгайтириш демакдир. Ана шу ақл ёрдамида чин ҳақиқатни, ҳаётни ҳамда унинг кураш қонунларини билишга эришилади. **Чин ҳақиқат** (илмий ҳақиқат ва диний ҳақиқат)ни мукаммал эгаллаши ва унга амал қилиши туфайли инсонлар комил инсон даражасига юксалиб боради.

Илмий ҳақиқатга фанлар ютуқлари асосидаги кашфиётлар ва янгиликлар, зоҳирий билимлар орқали эришилади.

Диний ҳақиқатга Аллоҳ томонидан пайғамбарларга ваҳий қилинган ботиний билимлар орқали эришилади.

Ўз–ўзидан маълумки, бундай ҳақиқатга эришиш учун ҳам ақл керак бўлади. Шу сабабли ҳам ёшлар тарбиясида ақлий тарбия ўта муҳим муаммодир, чунки ақлли одам ўрганган билимлари натижасида ўз ҳаёти фаолиятида нима қилиш кераклигини билади. Ақлли одам шундай одамки, у қийин вазиятдан осонгина бешикаст чиқиб кетади. Бу борада ёшларимиз дунёқарашини кенгайтиришда ақлли ва доно одамни фарқлашни ҳам ўргатишимиз керак (1.1.–га қаранг). Бу орқали улар ақлли бўлишдан кўра доно бўлса инсон камолати пиллапояларида янада юқорига чиқиш мумкинлигига ақли етади ва бунга ҳаракат ҳам қилади. Бу таққослашнинг шуниси қизиққи, ақлли одам нима қилишлигини билса, доно одам нима қилмаслик кераклигини ҳам билади ёки ақлли одам қийин вазиятдан осонгина чиқиб кетса, доно одам эса бундай қийин вазиятга ҳеч ҳам тушмайди.

Демак, ҳар қандай ақли расо одам ана шундай донолик ва донишмандликка интилиб яшамоғи лозим. Жараёндаги асосий босқич қуйидагича олиб борилса мақсадга мувофиқ бўлади: керакли ва етарли билимлрни эгаллаган одамлар (бўлажак мутахассислар), ўз билимларини бошқаларга ўргатишдан ташқари, ўзлари ҳам уларни ўз ҳаёти фаолиятида қўллай билишлари лозим; эгаллаган билим, кўникма ва малакаларидан ўз касбий фаолиятларида самарали фойдаланишлари зарур; ўз касбига мос илғор назарияларни амалиётга боғлашни (жорий этишни) уддалашлари керак ва улар асосида ҳаёт машаққатларини енгилаштиришга эришмоғи лозим. Яъни ЕТУК инсон нафақат бошқаларни, балки ўзини ҳам мунтазам равишда тарбиялаб боради. Бу эса инсон умрининг охиригача ўрганади, деган нақлнинг ҳаётийлигини таъминлайди.

Демак, талабаларга ақлий тарбия беришда ва бу орқали уларнинг илмий дунёқарашини кенгайтиришда қуйидагиларни чуқур ўрганиш, таҳлил

қилиш, ўзлаштириш ва уларни ўз турмуш тарзимизда, яъни касбий фаолиятимизда жорий этишимиз лозим:

– «Авесто»даги ахлоқий сифатлар ва меъёрлар ҳамда талаблар бўйича фикр юрита олишликни амалга ошириш ва ёшлар ақлий тарбиясида улардан фойдаланиш;

– Қуръони Карим, Ҳадиси Шарифлардаги ахлоқий тарбияга тегишли бўлган маълумотларни тўплаш ва улардан таълим–тарбия жараёнида фойдаланиш орқали ёшлар қалбига маънавий руҳий поклик мезонлари ва тамойилларини сингдиришнинг инновацион усулларини яратишга эришиш;

– Абу Наср Фаробийнинг фозил одамлар ҳақидаги, айниқса 12 банддан иборат ахлоқий таълимоти асосида таълим–тарбия беришнинг таъсирчан воситаларини ва ахборотли технологияларини яратишга эришиш;

– Абу Райҳон Беруний, Муҳаммад ал–Хоразмий, Аҳмад ал–Фарғоний ва Абу Али ибн Синоларнинг юртимиздаги илмий соҳаларда инқилобий аҳамиятга эга бўлган қарашлари асосида таълим–тарбия бериш;

– Юсуф Хос Ҳожиб ва Аҳмад Югнакий асарларида тасвирланган баркамол инсонлар ҳақидаги таълимотлари асосида таълим–тарбия бериш ва ҳозирда шундай одамларимиз борлиги ҳақида аниқ далиллар асосида таълим–тарбия бериш;

– Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Аз–Замахшарий, Ал–Марғиноний, Нажмиддин Кубро, Хожа Аҳрори Валий, Имом ал–Бухорий, Ат–Термизий, Ал–Мотрудий, Сўфи Оллаёр ва бошқаларнинг комил инсон ва диний дунёқараши кенг инсонлар ҳақидаги таълим–тарбия бериш;

– Амир Темур «Тузуклари», Низомулмулкнинг «Сиёсатнома», Мирзо Бобурнинг «Бобурнома», Қозизоданинг «Ҳукмдорга ўғитлар» каби асарлардаги маълумотлар асосида ҳамда уларнинг талабалар маънавий дунёқарашини кенгайтиришга таъсирини баҳолай билиб таълим–тарбия бериш;

– Алишер Навоийнинг адолатли жамият ва комил инсон таълимоти асосида таълим–тарбия бериш ва ундаги янги фикрлар пайдо қилиш технологиясининг ривожига эътибор бериш;

– Ўзбек халқи педагогикаси намоёндаларининг баркамол инсон таълим–тарбияси ҳақидаги назариялари ва уларнинг жорий этилиши технологияси асосида таълим–тарбия бериш;

– Юқоридагилар асосида мазкур ишда истиқболли йўналишларни белгилаб олишга эришиш ва ҳ.к.

Бу қайд этилганларни чуқур ўрганиш учун ББСЎдан катта интеллектуал салоҳиятни ва касбий етукликни талаб этади.

Ушбу соҳада олиб борган кўп йиллик илмий изланишимиз натижаларининг кўрсатишича, ББСЎнинг кенг дунёқарашли ва касбий етук бўлиши учун уларда қуйидаги қатор қобилиятлар мавжуд бўлиш керак экан. Улар:

– **дидактик**, яъни таълим–тарбиявий;

– **академик**, яъни барча фанлар асосларини билиши, чунки ББСЎ бошланғич синф ўқувчиларида саводхонлик асослари ва ҳисоблаш тафаккури ҳамда маданиятини, атрофдаги олам ҳақидаги тасаввурларни, шунингдек, маънавий–ахлоқий фазилатлар асосларини эгаллаган бўлиши лозим;

– **перцептив**, яъни ўқувчининг ички дунёсига кира билиши;

– **авторитар**, яъни обрў–эътиборли бўлишлик, иззат–ҳурмат қозониш, нафсни жиловлаш ва шахс ҳурмати борасида ибрат–намунага лойиқ бўлиши;

– **коммуникатив**, яъни болалар ва катталар билан тўғри ширинсухан мулоқатда бўлиши;

– **педагогик** хаёл, яна

– **диққатни тақсимлай олиш.**

Булар орқали замонавий ББСЎ жамият талабларини, таълим олувчи ёшлар маънавий эҳтиёжини қондира олади.

Демак, ББСЎнинг ўзидан ҳам катта интеллектуал салоҳият (бу ақлий тарбия асосида шаклланади)ни, касбий билимдонликни (бу олий ўқув юртида

эгаллаган билим, кўникма ва малака асосида шаклланади) ва маънавий етуклик (бу талаба–ёшларнинг илмий дунёқарашини кенгайтириш орқали шаклланади)ни талаб қилинар экан.

Умуман олганда, таълим–тарбия инсон ақлий камолатини белгиловчи асосий омил бўлиб ҳисобланади. У инсоният пайдо бўлгандан бошлаб комил инсонлар ва ота–оналар ҳаёт–фаолияти ибрат–намунаси сифатида аволддан–авлодга ўтиб келмоқда ва бу ҳақда бой тарихий миллий меросга эгалигимиз бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас. Шу сабабли ҳам тарбия масаласи, айниқса **ақлий тарбия** жамият тараққиёти турли босқичларида турлича кўриниш ва йўналишларда олиб борилган, чунки булар жамият тараққиётидаги иштирокчиларнинг дунёқарашини ва интеллектуал салоҳиятини белгилаб ҳам борган. Бу борада бугунги мустақил давлатимизнинг истиқболи тараққиётида баркамол авлод тарбияси ўта муҳимдир ва айниқса ёшларда мустақиллик маънавиятини шакллантириш ҳар қачонгидан ҳам долзарб муаммодир.

Ушбу соҳадаги кўп йиллик кузатишларимиз натижаларининг кўрсатишича, маънавий–ахлоқий баркамол шахс, яъни дунёқараши кенг, ақлий жиҳатдан етук одам қуйидагиларни ўзида мужассам қилади:

– у бутун оила аъзолари, қўни–қўшнилари, маҳалладошлари ва бутун мамлакатнинг халқи фаровонлиги ҳақида қайғуради;

– унинг теварак–атрофдаги одамлар унга керак бўлганлиги сингари, ўзи ҳам уларга керакли (фойдаси тегадиган) киши бўлишига интилади;

– у одоб–ахлоқли, яхши феъл–атворли, ақлан етук, кенг илмий дунёқарашни ўзида мужассамлаштирган, ёқимли бўлишликни инсоний бурч деб ҳисоблайди;

– у илмий–маънавий ва миллий қадриятларни эъзозлайди, авайлаб–асрайди ва уларга содиқ бўлиб қолади;

– унда ватанпарварлик, халқпарварлик, инсонпарварлик туйғулари барқарор бўлади;

– у кишилар ўртасида ўзаро муомала–муносабатида ҳар томонлама ўрнак бўлишга интилади;

– у кишиларга яхшилик қилишга одатланади ва айниқса бировларнинг оғирини енгил қилишдан ўзи ҳам хурсанд бўлади;

– умумхалқ маъқуллаган Конституцияни ва шу каби муҳим давлат ҳужжатларини ҳурмат қилади ҳамда Давлат рамзларига садоқатли бўлади;

– у Ватанни ҳимоя қилиш борасида ҳарбий ватанпарварлик туйғулари билан яшайди;

– у адолатли, диёнатли, меҳр–мурувватли, эзгуликни ҳимоя қилувчи, ваъдага вафоли бўлади;

– у Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги йўлида фидоийлик кўрсата олади ва шу кабилар.

Юқоридаги кетма–кетликнинг ҳар бири бўйича жуда катта ҳажмдаги маълумотларни тўплашимиз мумкин, яъни уларнинг ҳар бири бўйича маълумотлар базасига (МБ) эга бўлиш мумкин.

Демак, эндиги вазифа юқоридаги кетма–кетликни тўғри англаб, ақлни ишлатиб, улар асосида МБларини яратиб ҳамда уларни режалаштирилган мақсад–вазифаларга мос тизимларга ажратиб, улардан таълим–тарбия жараёнида фойдаланишнинг оптимал вариантларини яратиш услуб, восита ва йўлларини ишлаб чиқишдан иборат. Албатта, бу катта ҳажмдаги иш бўлиб, уни ҳал қилиш эса тадқиқотчидан юксак интеллектуал салоҳиятни талаб қилади. Чунки, жамият тараққиётида фан–техника ютуқларидан фойдаланиш, ривожланиш даражасини анчагина тезлаштириб юбормоқда. Бу борада Д.Ашурова ва З.Юлдошевларнинг қуйидаги фикри диққатга сазовордир: «Жамиятшунос олимларнинг эътирофларига кўра инсоният ўз ривожланишида технократик фазога ўтмоқда». Бу фазода ривожланиш тамойилларининг заминида фан ва техниканинг ютуқларини компьютер технологиялари асосида жамият ҳаётининг барча жабҳаларига мумкин қадар тезкорликда жорий этиш ётади. Иқтисодий муносабатларнинг глобаллашуви, молиявий ва ахборот оқимлари таъсирида давлатлараро чегараларнинг

нисбийлашуви ҳамда илм–фан соҳасидаги сўнгги ютуқларнинг ишлаб чиқаришга ўта тезкорлик билан жорий этилиши ва юқори самарали технологияларнинг яратилиши, шахсга нисбатан критик ҳолатларнинг сабабчиси бўлмоқда: кишилик жамиятининг информацион янгиланиши айрим шахсларнинг биологик янгилашувчидан, яъни авлодлар алмашинувидан тезроқ содир бўлмоқда [69].

Бугунги кунда таълимни компьютерлаштириш давр талаби бўлиб, информатика фани ютуқларидан фойдаланмаган соҳани топиш қийин ва улар ҳаётимиз турли жабҳаларида ишончли универсал дидактик восита ва асос сифатида ҳам ўз ўрнини топмоқда.

Бундай заруратни сезган республикамиз раҳбарияти ҳам ушбу соҳага эътиборни янада кучлироқ қаратмоқда. Жумладан, ЎзР ВМнинг 23 май 2001 йилда «2001–2005 йилларда компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш, «Интернет»нинг халқаро ахборот тизимларига кенг кириб боришини таъминлаш дастурини ишлаб чиқишни ташкил этиш чора–тадбирлари тўғрисида»ги қарори ёки ЎзР ВМнинг 6 июн 2002 йилдаги 200–сонли «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот–коммуникация технологияларини жорий этиш чора–тадбирлари тўғрисида»ги қарори ёки Республика Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган «Ахборотлаштириш ҳақида»ги, «ЭҲМ учун дастур ва маълумотлар базасини ҳуқуқий ҳимояси ҳақида»ги, «Алоқалар ҳақида»ги Қонунлар билан Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилгача ахборотлаштириш, қайта қуришнинг миллий дастурлари ва телекоммуникацион тармоқни ривожлантириш ҳақидаги **концепцияси** асосида жамият ривожланишининг норматив ҳуқуқий асослари яратилди ва ахборот ресурслари ривожланиши учун иқтисодий, ташкилий шарт–шароитлар яратилди ва кафиллик таъминланди, шунингдек, Халқ таълими вазирлиги томонидан 2006–2007 ўқув йилини «Ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланишда педагог кадрлар салоҳиятини ошириш ўқув йили», деб номланиши ҳам мамлакатимизда ушбу соҳага эътиборнинг кучлилигига далил–исботдир.

Мазкур диссертация ишимизнинг кўпчилик қисмларида катта ҳажмдаги маълумотлар, МБлари ва уларни амалда фойдаланиш учун тизимларга ажратиб ахборот кўринишларига келтириш зарурати туғилади. Албатта бунда тарбиячидан катта ҳажмдаги маълумотларни ёдда сақлашликни ва улардан керакли жойларда унумли фойдаланишликни талаб этади. Бундай катта ҳажмдаги ишларни ҳар доим ҳам, ҳар қандай ўқитувчи уддалай олмайди. Шу сабабли ҳам бундай жараёнларда таълим–тарбия жараёнларини компьютерлаштириш ютуқларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Таълим–тарбия жараёнида замонавий компьютерлардан самарали фойдаланиш учун, албатта ўша жараён кечишининг алгоритмик тизимини илмий жиҳатдан асослаб олмоқ лозим бўлади [6,27,36,147,152] ва шу асосда жараённи оптимал бошқаришга ҳам ўтиш мумкин бўлади [26,27].

Мазкур ишимизнинг ушбу қисмида талабаларнинг **илмий дунёқарашини** юксалтиришда уларга **ақлий тарбия** беришни такомиллаштиришнинг алгоритмик босқичлари ҳақидаги кетма–кетликни келтирамиз:

1. Йўналишга тегишли маълумотлар (ақл, онг, илм, билим, идрок, фикр, илмий фикр, янги фикр, тафаккур, ижод, ижодкорлик) ва уларнинг турлари аниқланади;

2. Йўналишга тегишли муаммони аниқлаш (ақлни чархлаш, ақлий тарбия бериш, дунёқарашни шакллантириш, илмий дунёқарашни ривожлантириш) ва уларни ўрганилмоқчи бўлган маълумотлар (маълумотлар тизимини) эътиборга олиб тизимларга ажратиш;

3. Ажратилган тизимларни ўрганилаётган мавзуга мосларини танлаш ва унга мос алгоритм ишлаб чиқиш, танланган яъни тизимлаштирилган маълумотларни ўрганилаётган мавзунинг блокларига мос ҳолга келтириб, уларни фойдаланишга қулай ҳолдаги ахборотлар кўринишига келтириш;

4. Ўрганилаётган мавзу бўйича маълумотлар базаси (МБ)ни яратиш ва улардан мавзунинг қайси қисмида қандай фойдаланиш технологиясини яратиш;

5. Ўрганилаётган мавзу (бўлим, боб, курс, фан) МБ ва унга мос ахборотлар банки (АБ)ни эътиборга олиб, улардан фойдаланишнинг бошқарув алгоритмини ишлаб чиқиш;

6. Бошқарув алгоритмининг тадқиқот объектига ва унинг функционал вазифасини нечоғлиқ тўлиқ ифодаланишини илмий–назарий жиҳатдан асослаш;

7. Ишлаб чиқилган назарий асосларни илмий–услубий жиҳатдан таҳлил қилиш ва улардан таълим жараёнини такомиллаштириш ҳамда ривожлантиришда фойдаланиш технологиясини яратиш;

8. Ижобий педагогик самара берадиган вариантларни танлашга эришиш учун тавсиялар ишлаб чиқиш;

9. Олинган натижалар бўйича талабаларда шаклланган илмий дунёқараш кенгайганлигини даражалаш учун уларни баҳолаш мезонини ишлаб чиқиш;

10. Талабалар илмий дунёқарашини кенгайтириш технологияси натижаларини таҳлил қилиш ва улар асосида мазкур технлологиядан амалий фаолиятда фойдаланишга тавсиялар тизимини тайёрлаш;

11. Илмий дунёқараши кенг талабаларнинг ижодий фаолиятга кириб боришидаги афзалликларини ёритиш ва булар асосида талабаларни ушбу йўналишга жалб қилишга йўриқнома ва кўрсатмалар тайёрлаш;

12. ББСЎнинг ўзларини ўз ўқувчиларини ижодий фикрлашга ўргатишга тайёрлаш.

Энди юқоридаги кетма–кетликлар асосида ҳар бир босқичнинг функционал вазифаси ҳақида қисқача маълумот берамиз. Албатта бўлажак мутахассисларга **ақлий тарбия** беришда ва уларнинг **илмий дунёқарашини** кенгайтиришда тайёрланаётган мутахассислик йўналишига эътиборни

қаратмоқ лозим бўлади, акс ҳолда бўлажак мутахассисларнинг илмий дунёқарашини кенгайтиришда хато йўлга кириб қолишимиз мумкин.

Маълумки, Олий техника ўқув юртлари ёки Олий педагогика ўқув юртлари ва улар таркибидаги ижтимоий–гуманитар, табиий илмий ва шу каби бошқа йўналишлар бўйича мутахассислар тайёрланади. Уларда олиб бориладиган илмий тадқиқот ишларини бўлажак мутахассиснинг касбий тайёргарлигига қўйилган талаблар ва ДТС талабларига мос ҳолда олиб борган маъқул.

Ушбу алгоритмик кетма–кетликни ифодалашда Х.А.Тўрақуловнинг «Илмий тадқиқот олиб боришнинг алгоритмик босқичлари» мавзусидаги кўрсатмали ахборотларидан фойдаланилди .

Демак, юқорида қайд этилган йўналишлар бўйича **вазифаларни** белгилаб чиқамиз.

Демак, **биринчи босқич вазифаси** қуйидагилардан иборат: инсон интеллектуал салоҳиятгина тегишли маълумотлар ва улар таърифлари йиғилади. Бунда инсон ақлий камолатига мос бўлган кетма–кетлик ҳосил бўлади, яъни ақл, онг, идрок, илм, билим, фикр, янги фикр, илмий фикр, тафаккур, ижод, ижодкорлик, ижодкорлик жараёни, ижодкорлик фаолияти, истеъдод, қобилият, талант ва шу кабиларнинг ҳар бирининг таърифи билан бирга шахс маънавий ва илмий дунёқарашини кенгайтиришдаги аҳамияти ҳам тизимларга бўлинган ҳолда тайёрланади. Бундан **мақсад**, талабаларнинг илмий дунёқарашини кенгайтириш жараёнидаги таълим–тарбияда фойдаланишга қулай ҳолга келтириб МБни тайёрлаб қўйишдан иборат. Шунингдек, бу МБдан талаба–ёшларга ақлий тарбия беришда ҳам фойдаланиш эътиборга олинган.

Иккинчи босқичнинг вазифаси йўналишга тегишли муаммони аниқлаш ва бу муаммони ҳал қилиш йўналишида биринчи босқичдаги МБларидан фойдаланиш механизмини аниқлаш. Бу босқичда қуйидаги кетма–кетликда ишлар олиб борилиши мумкин:

1. Ақлни чархлаш, яъни ақлнинг энг муҳим сифатлари (фикрнинг теранлиги, танқидийлиги, уйғунлиги, кенглиги, тезлиги, эркинлиги, мустақиллиги ва шу кабилар)ни юзага чиқара олишликка эришиш, чунки ақлнинг далили фикрдир. Талабаларимизга ақлий тарбия беришни шу асосда олиб борсак уларнинг дунёқарашини кенгайтиришга эришамиз.

2. Ақлий тарбия беришнинг таъсирчан воситаларини топиш. Бунда ўтмиш бой илмий меросларимиздан фойдаланиб, талабалардаги миллий ғурурни уйғотиш лозим бўлади ва шу асосда улардаги Она тупроққа, Она Ватанга ҳурмат юксалади, Ватан қайғуси билан юрт равнақига хизмат қилиш хосиятли эканлиги тушунтирилади, Ватан соғинчи нималигини англайди ва бунинг билан уларда ўтмиш аждодларимиз ва Ватанимиз тараққиётига қарздорлик ҳислари ҳам уйғонади.

3. Дунёқарашни шакллантириш муаммоси ҳам бевосита биринчи босқичдаги МБларидан фойдаланилган ҳолда олиб борилади ва бунда чақалоқни онасидан туғилиш биланоқ ўз онасини, Она тупроқни кўриш билан дунёни таний бошлаганлиги алоҳида қайд этилади. Шу ўринда нима учун Она Ватан дейилишини қайд қилиб ўтилса талабаларимизнинг ватанпарварлик тарбиясига ҳам эътиборни қаратган бўламиз. Шу асосда ақлнинг муҳим сифатлари талабалар онгига мунтазам равишда сингдирилиб борилаверади.

4. Илмий дунёқарашни ривожлантириш асосан илмий қадриятлар ва уларнинг мониторинги асосида олиб борилади. Айниқса илмий қадриятларнинг кенг истеъмолда фойдаланиш натижасида уларнинг моддий ёки маънавий қадриятларга айланиб кетишини тушунтириш ушбу соҳада ижобий педагогик самараларни беришига ҳеч қандай шубҳа туғилмайди. Ушбу жараёнда янги фикр, илмий фикр, муаммо ва уларнинг ечимлари ичидан энг оптималини танлаш каби ақлий операциялардан фойдаланиш ҳам ижобий самараларни беради.

Ушбу йўналишга тегишли муаммолар номларини яна ҳам давом эттириш мумкин. Бундан **мақсад** талабаларимизга ўз ўқувчилари олдига

муаммони қўйиш ва улар ечимлари орасидан мақсадга мувофиқларини танлаб (ажратиб) олишга ўргатишдир. Шунингдек, ўрганмоқчи бўлган муаммога тегишли МБларини тайёрлаш ва уларни муаммонинг қуйилишига мос тизимларга ажратиш ҳамда уларни ахборот кўринишига келтириб фойдаланишга ўргатиш ҳам ушбу босқичнинг мақсадларидан биридир.

Учинчи босқичнинг вазифаси бевосита иккинчи босқич давомидан иборат бўлиб, тизимларга ажратилган маълумотлар базаларини, уларга мос мавзуларни ўрганиш учун ахборот кўринишига келтирилиб қўйилади ва махсус ишлаб чиқилган алгоритм ёрдамида тайёрланган ахборотлардан фойдаланишга эришилади. Бунда ББСЎнинг илмий дунёқарашини кенгайтириш муаммосини ҳал қилишга ёндашув ақлий фаолиятга тегишли бўлган билимлар ва тушунчаларни эгаллашининг узвийлиги ва узлуксизлиги сақланса мазкур соҳадаги фаолият илмий–услубий жиҳатдан асосланган бўлади.

Тўртинчи босқичнинг вазифаси эса учинчи босқич вазифасини тўлдириш орқали амалга оширилади, яъни бунда ўрганилаётган мавзу бўйича МБнинг қайси қисмидан фойдаланиш лозимлиги ва ундан қандай фойдаланиш лозимлиги ҳал этилади. Бунда МБдан фойдаланиш механизмини ишлаб чиқишда қисмларга ажратилган МБдан мос блокларини танлаш алгоритми асосида олиб борилади.

Бешинчи босқичнинг вазифаси жамланган МБларни тизимлаштириш натижасида ташкил этилган ахборотлар банки имкониятларини ҳисобга олишдан иборат бўлиб, унда ўрганилаётган манбага (мавзуга, бобга, бўлимга, курсга, фанга ёки тушунчага) мос ахборотларни махсус тайёрланган бошқариш алгоритми ёрдамида фойдаланишга эришиш технологияси яратилади.

Олтинчи босқичнинг вазифаси бошқарув алгоритмининг муаммонинг қўйилиши ва унга мос вазифаларни бажаришда ўқитишнинг ахборотли – ўқув муҳитини жорий этиш имкониятларини кафолатлай олишини асослашдан иборатдир.

Еттинчи босқичнинг вазифаси олтинчи босқичдаги асосномани нечоғлик амалий фаолиятни адаптация қила олишлигини ўрганиб чиқиш ва улар асосида бошқариш алгоритмининг функционал вазифаларини белгилаб чиқиш.

Саккизинчи босқичнинг вазифаси бошқариш алгоритмининг функционал вазифалари ичидан оптимал вариантларини танлаш, яъни ижобий педагогик самара берадиган вариантларини танлашга эришиш ва уларни жорий этиш механизмларини илмий–услубий жиҳатдан асослаш.

Тўққизинчи босқичнинг вазифаси жорий этиладиган механизмлар асосида талабаларда шаклланадиган илмий дунёқарашни кенгайганлик даражасини аниқлаш критериясини (мезонини) ишлаб чиқишга эришиш ва бунда талабалар ахборот маданияти шаклланганлик мезони ҳам эътиборга олинади.

Ўнинчи босқичнинг вазифаси талабалар илмий дунёқарашини кенгайганлик ҳолатини таҳлил қилиш асосида даражалаш ва уларнинг ёшлар ақлий тарбиясидаги роли ва ўрнини аниқлашга тавсиялар тизимини яратишга эришишдан иборат.

Ўн биринчи босқичнинг вазифаси тадқиқот давомидаги барча босқичлар натижалари асосида талабаларнинг ижодий фаолиятга, яъни янгиликка қизиқувчанликка узлуксиз кириб бориши ва ушбу йўналишга уларнинг тайёр бўла боришлигига йўриқнома ва тавсиялар тайёрлашдан иборатдир.

Ўн иккинчи босқичнинг вазифаси ББСЎнинг ўзларини ўз ўқувчиларини ижодий фикрлашга ўргатишга тайёрлаш технологиясини уларга қўлланма сифатида тайёрлаб беришдан иборатдир.

Бу санаб ўтилган алгоритмик тизимдаги босқичлар доимо ўзаро алоқадорликда олиб борилади. Бунда мантиқий кетма–кетлик асосида қўйилган муаммо ечимига етиб боргунга қадар барча 12 та босқич ўз навбати келганда ўз функционал вазифасини бажариб, ўзлари таянч маълумот бўлиб қолаверади ва кейинги босқичнинг ўз функционал вазифасини бажаришга

имконият яратаверади. Ушбу жараёнда тескари алоқа ҳам бўлади ва бунда фақатгина мурожаат қилинган босқич, яъни керакли босқич қатнашади. Шунингдек, мазкур алгоритмик тизимни жорий қилишда дастлабки маълумотларни (ақл, онг, фикр, онгли одам, фикрли одам, янги фикр, ижодий фикр, дунёқараш, илмий дунёқараш, ақлий тарбияни ташкил этувчи жиҳатлар ва омиллар) йиғиш, ўрганилаётган муаммога қараб тизимларга ажратиш, уларни ахборотларга айлантириш ва улар асосида ахборотлар банкини ташкил қилиш ишларини олиб боришликни талаб этди. Бу эса яратилган таълим технологиясининг ҳаётийлигини оширди ва ижобий педагогик самараларни қўлга киритишга кенг имкониятлар яратди, айниқса ББСЎнинг илмий дунёқарашини ривожлантиришнинг изчил тизими яратилди.

Талабалар **илмий дунёқарашини** кенгайтиришнинг алгоритмик тизимини амалиётга жорий қилишда маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, сақлаш, узатиш ишларини бажарувчи алгоритмик блоклар қуйидаги **функционал вазифаларни** бажаради:

– муаммонинг қўйилишини аниқлаш ва унга мос ечиладиган масалалар кўламини белгилаш ҳамда уни доимо хоҳлаган пайтда мурожаат қилишга қулай ҳолга келтириб қўйиш;

– тадқиқот объектини танлаш;

– тадқиқот жараёни технологиясини илмий жиҳатдан асослаш ва унга мос МБ ҳамда АБни тайёрлаш механизмини яратиш;

– тадқиқот мақсади ва объектига мос маълумотларни йиғиш мезонларини яратиш ва улар асосида МБни тайёрлаш;

– тайёрланган МБни тадқиқот вазифаларига мос тизимларга ажратиш ва улар асосида ахборотли таъминотни тайёрлаш алгоритмини яратиш;

– тадқиқот мақсади ва вазифаларига мос фойдаланиладиган мезон, тамоийл ва алгоритмларни аниқлаш;

– фойдаланилиши керак бўлган методология ва унга мос таълим технологиясини танлаш ҳамда лозим топилганда уларни такомиллаштиришга эришиш;

– юқоридаги функционал вазифаларни жорий этишнинг оптимал вариантини кафолатлашга бошқариш алгоритмини яратиш;

– алгоритмик тизимни бошқариш, алгортм ёрдамида жорий этишга тайёрлаш.

Ушбу қайд этилган ББСЎнинг илмий дунёқарашини кенгайтиришнинг алгоритмик тизими таълим–тарбия соҳасидаги кўпгина муаммоларни оптимал ечимларини топиш учун универсал методология бўлиб, озгина ўзгартиришлар қилиш орқали ундан бошқа шунга ўхшаш муаммолар оптимал ечимини топишда ҳам фойдаланиш мумкин.

Мазкур алгоритмик тизимни ўқув жараёнига қўллаш қуйидаги **афзалликларни** қўлга киритиш имкониятини беради:

– талабаларнинг илмий дунёқарашини кенгайтириш борасидаги билим, кўникма ва малакаларни эгаллашнинг узвий кетма–кетлигини таъминлайди;

– дарс машғулотларини юқори савияда ва сифатли олиб бориш учун шарт–шароитларни яратишга имкониятни кафолатлайди;

– таълим–тарбиянинг инновацион услубларидан фойдаланишга имконият яратади;

– дарс машғулотлари олиб боришда педагог ва талабаларнинг ҳамкорлигида нафақат педагог учун янги билимлар ўзлаштирилади, балки бунда талабанинг ўзи ҳам янги билимлар излайди, яъни ижодий жараёнга кириб боради. Бундай фаолиятда талабанинг мазкур соҳага тегишли маълумотларни ўрганишга иштиёқ янада кучаяди;

– бунда талаба нафақат мавзу мазмунини тўлиқ ўзлаштиришга, балки мазкур соҳага тегишли маълумотларни излаб топишга ҳам ҳаракат қилади. Бу эса ижодий фаолият бўлиб, у ББСЎнинг илмий дунёқарашини кенгайтиришга киришиб кетишига мустаҳкам асос ҳамдир.

Демак, шуғулланаётган муаммомизнинг оптимал ечимини топиш, хусусан юқорида баён этилган алгоритмик тизим ББСЎни ўз касбий фаолиятида итнформацион технологиялардан фойдаланиш зарурлигини тақозо этар экан ва булар ББСЎнинг касбий фаолиятида мустақил ҳолда янги билимлар эгаллашларида кучли универсал восита ҳам бўлиб хизмат қила олар экан. Айниқса, қайд этилган алгоритмик тизим информацион технологиялардан фойдаланишга эҳтиёж ва мойилликни ҳам шакллантиради.

Шу сабабли ушбу ишимизнинг кейинги қисмида мазкур алгоритмик тизимни амалиётда жорий этишга кўмакчи компьютерли тизим ишлаб чиқишга бағишлаймиз.

2.2. Талабаларнинг интелектуал салоҳиятини шакллантириш ва юксалтиришда касбий талимнинг компьютерли тизимини ишлаб чиқиш

Талабалар илмий дунёқарашини кенгайтириш илм–фан, таълим–тарбия ва техника–технологияларнинг мунтазам ривожланиш натижалари таъсири остида рўй беради. Бундай жараёнда техника–технологиялар мунтазам равишда такомиллашиб, ривожланиб бормоқда ва натижада шунга мос етук мутахассислар тайёрлаш зарурати ҳам туғилмоқда. Бунда талабалар илмий дунёқараши ва унинг ахборотли таъминотининг тадқиқий ва техникавий ечимларидан бошлаб олинган натижаларни амалиётда (ишлаб чиқаришда, таълимда, тарбияда ва ҳ.к.) қўллашгача бўлган барча босқичларни самарали амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Илмий дунёқараш даставвал бўлажак мутахассис тафаккурида фикр шаклида юзага келади, кейин улар ривожланиб, такомиллашиб, қараш (концепция), ғоя, таълимот кўринишига ўтади ва уларга тааллуқли масалалар юзасидан изланишлар бошланади. Изланишлар олиб боришда ўрганилаётган тадқиқот ишигача бўлган ишланмалар таҳлилий ўрганиб чиқилади, яъни таҳлил ва синтез, умумлаштириш, хулосалаш, тажрибада синаб кўриш, кузатишлар ўтказиш, мантиқий хулосалар чиқариш, ички фаразларни ифодалаб олиш каби ишларни амалга оширади.

Демак, бўлажак мутахассисларнинг илмий дунёқарашини юксалтириш – илм–фан, техника–технология, маънавият, маориф, санъат ва шу кабиларни ривожлантириб, уларнинг ҳозирги ҳолатини янги сифат босқичига кўтариш дегани экан. Бугунги кунда ана шундай натижаларни қўлга кирита оладиган мутахассисларни тайёрлаш ўта масъулиятли ва долзарб эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Айниқса, замонавий мутахассисларнинг асосий вазифаларидан бири ҳам улар ўзларининг интеллектуал салоҳиятини жамият тараққиёти савияларга мос ҳолда мунтазам равишда юксалтириб боришдан иборатдир.

Бу эса ўз навбатида қуйидагича қатор муаммолар ечимини излашни тақозо этади:

- инсонларни илмли ва билимли бўлишидаги самарали фаолиятни таъминлай олади;
- кишиларнинг илмий дунёқарашининг кенг бўлишида асосий таянч бўла олади;
- кишиларнинг интеллектуал салоҳиятини кенгайтиришига ёрдам бера олади;
- табиат ва жамиятдаги ҳодиса ва жараёнларни илмий жиҳатдан ўрганиш ва ривожлантиришга шарт–шароит яратишга эриша олади ва шу кабилар.

Юқорида қайд этилган муаммолар ечимини излашдан **мақсад** давлат, жамият, ташкилот, муассаса, жамоа, оила ва инсонларнинг замонавий ҳаётий эҳтиёжларини қондириб бориш борасидаги янги моддий ва маънавий неъматларни, яъни шахс интеллектуал салоҳиятини мунтазам равишда ривожлантириб боришдан иборатдир. Бу мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги **вазифаларга** доимо эътибор бериш керак:

- инсоният ҳаётий эҳтиёжи учун зарур нарса ёки предметларни (амалий фаолиятда фойдаланишга қулайлигини кўзлаган ҳолда) такомиллаштириб, улар қаторига янгиларини қўшиб бориш;
- инсонлар турмуш тарзини юксалтириб бориш борасидаги замонавий ижодий ишлар кўламини кенгайтириб бориб, жисмоний ишларни кўпроқ ақлий меҳнат жараёни билан алмаштиришга эришиш;
- жамият интеллектуал салоҳиятини юксалтирувчи ижодий ишлар кўламини кенгайтириб бориб «XXI аср – интеллектуал аср»нинг фаол иштирокчиларини тайёрлашга эриша бориш, яъни ҳар қандай техника–технология билан «тиллаша» оладиган мутахассислар тайёрлашга эришиш;
- соҳалар бўйича ижодий ишларнинг самарали йўлларини излаш ва уларга мос замонавий мутахассислар тайёрлашнинг янги технологияларини яратиш;
- рақобатбардош замонавий илмий–педагогик ходимларни тайёрлашнинг ҳам истиқболли технологияларини яратиш;

- ёшларимизни миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялашнинг истиқболли ва ахборот технологияли методологиясини яратишга эътиборни кучайтириш;
- жамиятни ахборотлаштириш сари бораётган бир пайтда бўлажак мутахассисларимизнинг компьютерли саводхонлигини оширишни таъминлашнинг оптимал йўлларини яратиш ва улардан амалий фаолиятда мунтазам фойдаланишга эришиш.

Демак, бугунги бўлажак мутахассисларимизни замон талаби асосида тайёрлаш учун юқорида қайд этилган мақсад ва вазифаларга эътибор бериш асосида улардаги интеллектуал салоҳиятни мунтазам равишда ривожлантириб боришга эришиш мумкин экан. Шунинг билан бирга бундай манбалар бўлажак мутахассисларни замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан, ўқув–тарбиявий ишларнинг интерактив усулларидан фойдалана оладиган қилиб ҳамда ўзидаги педагогик фаолият маҳоратини ва кўникмаларини янада такомиллаштириш, ривожлантириш устидаги фаолиятини илмий ташкил қила оладиган бўлишида, шунингдек, уларни мустақил равишда ўз илмий дунёқарашларини юксалтиришга, илмий–педагогик ва касбга доир бошқарув фаолиятига тайёрлашда катта аҳамият касб этади.

Маълумки, бугунги кундаги таълим тизими замонавий мутахассисларга бўлган талаб асосида яратилган янги стандартлар ва дастурлар доирасидаги таълим жараёнини эскирган услубда олиб боришга йўл қўймайди. Шу сабабли ҳам ҳозирда педагогик инновацияни яхлит мураккаб жараён сифатида қаралиб, унинг интерфаол сифатлари, тарбиявий қисмлари, функционал тавсифи ва узвийлиги изчил тадқиқ қилинмоқда. Бу борада биз инновацион таълим технологиялари таркибига кирувчи талабалар илмий дунёқарашини юксалтиришга кўмакчи компьютерли тизим (ККТ) яратиш муаммосини ҳал қилдик. Бунинг учун қуйидаги кўринишларда маълумотлар базалари (МБ) яратилди:

- шахс ақлий камолати босқичлари бўйича $МБ_1$;

- шахс дунёқараши шаклланиши бўйича $МБ_2$;
- шахс илмий дунёқараши шаклланиши бўйича $МБ_3$;
- илмий қадриятлар ва уларнинг жамият тараққиётидаги аҳамияти бўйича $МБ_4$;
- шахс илмий дунёқараши ривожи узлуксизлиги бўйича $МБ_5$;
- шахс илмий дунёқараши юксалишининг ахборотли таъминоти $МБ_6$;
- шахс илмий дунёқарашини юксалтириш орқали талабаларга ақлий тарбия беришнинг алгоритмик босқичлари асосидаги $МБ_7$.

Юқорида қайд этилган МБ орқали ахборотли бошқарув блоки тузилди ва унинг таркибига қуйидагилар киритилди:

- **махсус ўқув–дидактик таълимот** (ахборотлар банки, МБ, билимлар банки);
- мультимедиалли информацион технологиялар.

Бу борада олиб борган кўп йиллик илмий изланишларимиз натижаларининг кўрсатишича, талабалар илмий дунёқарашини юксалтиришга ККТни қўллаш қуйидагича қатор таълимий афзалликларни қўлга киритиш имкониятини берар экан:

- ўқитишнинг ижодий муҳити яратилади;
- талаба сифатли ва ишончли ўқув–дидактик ва интеллектуал маълумотлар билан таъминланади, яъни улар шуғулланаётган соҳаси бўйича ўзлари илм–фан ва техника–технологияларнинг энг сўнгги ютуқларидан хабардор бўлади;
- ККТ барча турдаги ўқув машғулотларида компьютер дастурларининг қўлланилишини таъминлашга имконият яратади;
- ККТ талабаларни янги ахборот технологияларидан фойдаланишга ўргатади ва уларнинг мустақил таълим олишларига шароит яратади, яъни уларнинг касбий фаолиятида, мустақил ҳолда, билимлар эгаллашларида ишончли универсал восита сифатида бўлиб, янги ахборот технологияларидан фойдаланишга эҳтиёж ва мойилликни шакллантиради.

Бундай жараённинг диққатга сазовор томони шундаки, бўлажак мутахассис ўз касбий фаолиятини такомиллаштиришга онгли ва ижодий ҳолатда ёндашади.

Демак, педагогик инновациялар, хусусан, ККТлар кенг қамровли, кўп функцияли мураккаб динамик ижодий ташкилий–педагогик фаолият бўлиб, унинг ёрдамида таълим–тарбия жараёнининг истиқболли ва самарали услубиятини яратиш ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да қайд этилган рақобатбардош замонавий кадрларни тайёрлашга эришиш мумкин экан.

Энди КТТ баёнига ўтамиз ва уни «ИНТЕЛЛЕКТ» деб атадик. «ИНТЕЛЛЕКТ» номли ККТни ишлаб чиқишдаги дастлабки босқич маълумотларни йиғиб, уларни ахборот кўринишига келтириб тайёрлаб қўйилди.

Йиғилган ахборотлардан КТТда фойдаланишга қулай ҳолга келтирилиб қўйилади, яъни уларни қуйидагича ўзаро боғлиқликда компьютер хотирасидаги МБ номли файлга жойлаштирилади ҳамда улардан шахс интеллектуал камолоти даражаларини асослашда фойдаланилади (2.2.1–шакл).



ахборотлар етарли. Бундан кўзланган **мақсад** ББСЎнинг ИДни юксалтириш асосида, уларга ақлий тарбия беришдаги маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва узатиш ишларини автоматлаштириш ҳамда уларнинг интеллектуал салоҳиятини кўтариш, шунингдек таълим–тарбияда оптимал вариантларни

кафолатлаш. Шунинг билан бирга яратилаётган ККТ орқали таълим–тарбия жараёнига инновацион ёндашувлар қилишга имконият яратилади ва ЯАТнинг жорий этилишига кенг имкониятлар яратилади ҳамда компьютерлар ёрдамида кенг кўргазмалилик таъминланади (2.2.2 – шакл).



2.2.2– шакл. «ИНТЕЛЛЕКТ» номли ККТ бўйича олинадиган натижани олиш жараёни.

Яратилаётган ИНТЕЛЛЕКТ номли ККТ учун аввало унга юқорида қайд этилган маълумот базалари керак бўлади. Бу ерда ушбу ККТ нинг афзаллиги шундаки, бунда ББСЎ қуйидаги имкониятларга эга бўлади:

– ББСЎ ўқув режаси, дастури, ДТС ва КТМД ҳамда «Таълим тўғрисида»ги қонун каби меъёрий ҳужжатлар талаблари асосида ИДни юксалтиришга эришади ва булар талабалар ақлий тарбиясига ижобий таъсир этади;

– ИДни кенгайтиришнинг узлуксиз тизими яратилади ва бу жараёндаги кўргазмалилик кафолатланади;

– ИД ва ақлий тарбия йўналишидаги тушунчаларнинг мантиқий кетма–кетлиги асосида ўзлаштирилиши орқали ББСЎнинг билими янада мустаҳкамланади;

– ББСЎнинг ИД юксалиши алгоритмик тарзда олиб борилиши мақсадга мувофиқ эканлиги яна бир бор исботланади;

– фанга оид ИД ва улар асосидаги ақлий тарбияга оид тушунчаларни умумий дастур асосида компьютер воситасида ўрганиш имкониятининг мавжудлиги ББСЎнинг мустақил ишлаши учун оптимал вариантларни қўлга киритиш имконини беради;

– ККТ билан мунтазам шуғулланиш ББСЎнинг ИД ва ақлий тарбияга оид билим, кўникма, малакаларини компьютерларда мустақил шакллантиришларига эришишларини кафолатлайди ва бу ўз навбатида улар билан қўшимча қизиқарли машғулотлар олиб боришга имконият яратади.

«ИНТЕЛЛЕКТ» номли ККТдан талабаларга «ИДни шакллантириш ва ўқувчиларга ақлий тарбия бериш» бўйича билим беришда бевосита фойдаланиш мумкин, шунингдек, ББСЎни тайёрлашдаги бошқа фанлардан ҳам талабалар ИДни юксалтиришда фойдаланиш мумкин. Бу орқали таълимда ЯАТ ва кадрлар тайёрлашнинг жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган вариант кафолатланади.

Замонавий техника ва технологияларнинг таълим–тарбия тизимига кенг кириб бориши барча ўқитувчи–мураббийларни, шу жумладан бошланғич синф ўқитувчиларини хам чуқур билимларни эгаллаган ва уларни амалда тадбиқ қила оладиган мутахассислар қилиб тайёрлашни тақозо этмоқда. Бу талабни бажариш узлуксиз таълим тизимида ахборот муҳитини яратиш ва ундан таълим–тарбия жараёнида самарали фойдаланиш услублари, шакллари ҳамда воситаларини ишлаб чиқишни тақозо этади. ББСЎни янгича тафаккур ғоялари, илмий билимлар билан тўлдиришда ўқитувчи ва мураббийнинг замонавий каби муносабатлари муҳим аҳамиятга эга эканлиги тадқиқот жараёнида ўз исботини топди. Бу борада ББСЎнинг илмий дунёқарашини кенгайтиришда сезиларли ёрдам берадиган дидактик асослардан бири бу – таълим–тарбия жараёнида ахборот–коммуникацион технологиялардан самарали фойдаланиш йўлларини топишдан иборат эканлигини ҳам ушбу соҳадаги илмий изланишларимиз натижалари тақозо этади. Айниқса, унда компьютерлар учун ўргатувчи мулоқатли ишчи дастурлар, касбий компьютерли ўйинлар, кўмакчи компьютерли тизимлар ва шу каби дидактик асослардан талабаларнинг ўзлари мустақил равишда фойдаланилиши орқали улар илмий дунёқараши кенгайиши сезиларли даражада ортади, чунки тажрибалар натижаларининг кўрсатишича, таълим жараёнида ахборот коммуникацион технологияларидан фойдаланиш таълим олувчиларнинг ўзлаштириш самарадорлигини икки баробар оширар экан. Шу ўринда маълумотларни **«эсда сақлаб қолиш пирамида»сини** келтириш ўринлидир.

«Тажрибалар шуни кўрсатадики, ўқувчи эшитган билимларининг **10–20** фоизини, кўриш билан **30–50** фоизини, эшитиш ва гапириш билан **60–70** фоизини, ёзиш билан **80** фоизини, кўриш ва ўзи бевосита бажариш билан эса олган билимларининг **90** фоизини эсда сақлаб қолар экан» [83].

Демак, таълим–тарбия жараёнида ахборот коммуникацион технологиялардан фойдаланиш муайян фанни ўзлаштириш самарадорлигини оширишни кафолатлайди, чунки ушбу жараёнда талаба «**эсда сақлаб қолиш**

пирамидаси»нинг «кўриш ва ўзи бевосита бажариш билан эса олган билимларининг 90 фоизини эсда сақлаб қолар экан», деган пункт бўйича фаолият юритади ва энг асосийси талаба муайян йўналиш бўйича изланади.

Маълумки, талабалар илмий дунёқарашини ахборот технологиялари асосида шакллантиришнинг илғор усуллари, шакллари, воситаларини эътиборга олиб, талабалар интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга ахборотли таъминотни тайёрлаш, айниқса улар асосида мазкур жараённи компьютерлаштириш ҳар қачонгидан ҳам долзарб муаммодир.

Мазкур муаммо ечими бўйича илмий тадқиқот ишимизнинг олдинги қисмларида (§2.1 – §2.3) «ИНТЕЛЛЕКТ» номли ККТни яратишга эришилди. Тадқиқотимизнинг мазкур қисмида яратилган ККТдан амалий фаолиятда фойдаланиш жараёнига тўхталамиз. Бунинг учун компьютерни электр манбаига улаб, «ИНТЕЛЛЕКТ» номли файлни очамиз ва унда, яъни компьютер мониторида «ИНТЕЛЛЕКТ СИЗНИНГ ХИЗМАТИНГИЗДА АЗИЗ ВАТАНДОШ»? деган фикр ёзилади. Бундан кейин фойдаланувчи ККТдан фойдаланишга киришиш мумкин. Бунинг учун замонавий компьютерларда ишлашга мулоқотли ишчи дастур (МИД)лар тузилган. Бу яратилган МИДлардан фойдаланиш ихтиёрий ўрта умумтаълим мактаби битирувчисининг ҳам қўлидан келади, чунки ундан фойдаланиш учун компьютер мониторида пайдо бўлган савол тўғрисидаги рақам (белги)ни босиш етарлидир. Айниқса, бунда ИД юксалишининг бошланғич, асословчи, шакллантирувчи, тасдиқловчи, якунловчи ва натижавий босқичлари кўргазмали тарзда (компьютерли ўйинлар шаклида) ифодаланган. ККТни ишлатишдаги дастлабки босқичлар $МБ_i(i=\overline{1,7})$ лардан фойдаланишга уни мослашдан иборат бўлади, яъни компьютер мониторидаги юқорида ифодаланган ёзувдан кейин клавиатурадаги клавишни босиш ёрдамида компьютер мониторида қуйидаги кетма–кетликдаги ёзувлар пайдо бўлади:

- $МБ_1$ – ШАХС АҚЛИЙ КАМОЛАТИГА ТЕГИШЛИ МАЪЛУМОТЛАР – 1;
- $МБ_2$ – ШАХС ДУНЁҚАРАШИ ШАКЛЛАНИШИГА ОИД МАЪЛУМОТЛАР – 2;

- $МБ_3$ – ШАХС ИЛМИЙ ДУНЁҚАРАШИ ШАКЛЛАНИШИ БЎЙИЧА МАЪЛУМОТЛАР – 3;
- $МБ_4$ – ИЛМИЙ ҚАДРИЯТЛАР БЎЙИЧА МАЪЛУМОТЛАР – 4;
- $МБ_5$ – ШАХС ИЛМИЙ ДУНЁҚАРАШИ РИВОЖИ УЗЛУКСИЗЛИГИ БЎЙИЧА МАЪЛУМОТЛАР – 5;
- $МБ_6$ – ШАХС ИЛМИЙ ДУНЁҚАРАШИ ЮКСАЛИШИНИНГ АХБОРОТЛИ ТАЪМИНОТИ – 6;
- $МБ_7$ – ШАХС АҚЛИЙ ТАРБИЯСИНИНГ АЛГОРИТМИК БОСҚИЧЛАРИ – 7.

ККТнинг ишлатилишида кейинги босқич юқорида қайд этилган $МБ_i(i\overline{к1,7})$ босқичларнинг қайсисидан фойдаланмоқчи бўлса, ўша босқич тўғрисида турган рақам ёзилган клавишни босади. Айтайлик, бизни $МБ_5$ даги маълумотлар қизиқтирса, биз «5» рақами бор клавишни босамиз ва компьютер мониторидаги қуйидаги ёзувни ўқиймиз:

«ҲУРМАТЛИ ЗАМОНДОШ!

ЎЗ ИЛМИЙ ДУНЁҚАРАШИНИ УЗЛУКСИЗ РИВОЖИ БИЛАН ҚИЗИҚҚАН ҲАР БИР ЁШ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ АСРНИНГ ФАОЛ ИШТИРОКЧИСИ БЎЛА ОЛИШИ МУМКИН. БУ БОРАДА СЕНГ ОМАД ЁР БЎЛСИН!»

Кейин компьютер мониторида қуйидаги кетма–кетликдаги маълумотлар пайдо бўлади:

БОШЛАНҒИЧ БОСҚИЧ – 1;

АСОСЛОВЧИ БОСҚИЧ – 2;

ШАКЛЛАНТИРУВЧИ БОСҚИЧ – 3;

ТАСДИҚЛОВЧИ БОСҚИЧ – 4;

ЯКУНЛОВЧИ БОСҚИЧ – 5;

НАТИЖАВИЙ БОСҚИЧ – 6;

Худди юқоридагидек бу ерда ҳам ИД ривожининг қайси босқичи қизиқтирса, ўша босқич тўғрисидаги рақам ёзилган клавиш босилади. Айтайлик, бизни ББСЎнинг ИДни юксалтиришнинг **шакллантирувчи** босқичи қизиқтирган бўлсин, у ҳолда ёзув бор клавиш босилади ва компьютер мониторида қуйидаги маълумотлар кетма–кетлиги пайдо бўлади:

ИЛМИЙ ДУНЁҚАРАШНИ ПАЙДО ҚИЛУВЧИ АСОСЛАР ($МБ_{16}$) – 1;

ТАЪЛИМДА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАР ($МБ_{17}$) – 2;

ИЛМИЙ ИЖОД ЭЛЕМЕНТЛАР ($МБ_{18}$) –3.

Бу ҳолатда ҳам қайд этилган кетма–кетликнинг ихтиёрий биттасини компьютер мониторига чақириб олиш учун унинг тўғрисидаги рақам бор клавишни босиш етарлидир.

Худди шунингдек ББСЎнинг ИДни юксалтиришнинг узлуксизлигини таъминлашнинг ахборотли таъминотидан турли вариантларда фойдаланиш мумкин ва ушбу ККТ очиқ тизим ҳисобланади. Шу сабабли ундаги ахборотли таъминотни доимо бойитиб, янгилаб бориш мумкин ва ҳаттоки бу соҳадаги талабалар билими мониторингини ҳам кузатиш мумкин. Шу сабабли «ИНТЕЛЛЕКТ» номли ККТдан ББСЎнинг илмий дунёқарашини шакллантиришда фойдаланишни ифодалаш билан чегараланамиз.

МАҚСАД: шахс интеллектуал салоҳиятини узлуксиз равишда юксалтириш.

Энди ББСЎни тайёрлашдаги **“Педагогика назарияси ва тарихи**” фани бўйича илмий дунёқараш, тафаккур ва миллий мафкурани шакллантириш мавзусини «ИНТЕЛЛЕКТ» номли ККТ ёрдамида ўрганишни кўриб чиқайлик. Ушбу мавзуни ККТ ёрдамида ўрганишда талабалар ИДини кенгайтиришнинг узлуксиз кетма–кетлигидаги **шакллантирувчи босқичдаги** маълумотлардан фойдаланамиз. Улар $МБ_1$ шахс ақлий камолотига тегишли маълумотлар бўлиб, бунда қуйидаги кўрсаткичлар таърифларига эътибор берилади: ақл; онг; фикр; фикрлаш; илм; билим; фан; ижод; илмий қараш; янги фикр; дунёқараш; илмий дунёқараш; тафаккур; мафкура; миллий мафкура.

Бу қайд этилган маълумотлар ККТнинг МБдаги биринчи қисмида справочник материал сифатида фойдаланишга тайёрлаб қўйилган, яъни ушбу соҳа бўйича ахборотлар банки ташкил қилинган.

Ўқитувчи берилган мавзуни талабаларга ўргатишда аудиторияга компьютерли мажмуани ўрнатиб қўйиб махсус ишлаб чиқилган МИДлар ёрдамида юқорида қайд этилган маълумотлардан бир вақтнинг ўзида фойдаланиш мумкин. Бунда мавзуга мос материалларни «БОШҚАРИШ АЛГОРИТМИ» ёрдамида танлаб олинади. Булардан ташқари ушбу ККТда

«ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТ» ва «АХБОРОТЛИ ТАЪМИНОТ» блокларидаги маълумотлардан ҳам «БОШҚАРИШ АЛГОРИТМИ» блоки ёрдамида фойдаланилади.

Демак, компьютер электр манбаига уланади ва «ИНТЕЛЛЕКТ» номли ККТни компьютер мониторига чиқариб оламиз. Унда «**ИНТЕЛЛЕКТ**» **номли ККТ сизнинг хизматингизда**, деган ёзув чиқади (дастур шу йўсинда тайёрланган). Компьютердан ва ундаги ККТдан фойдаланиш жуда содда қилиб тузилган, яъни истеъмолчи (ўқитувчи ёки талаба) компьютер мониторидаги топшириқларни, яъни кўрсатилган рақамлари бор клавишларни босишни уддаласа бўлди. Агар истеъмолчи фойдаланишни хоҳласа «1» рақами бор клавишни босиши етарли, акс ҳолда «0» рақамии бор клавиш босилиши лозим ва ККТдан чиқиб кетилади (бу ҳам компьютер мониторида кўрсатма шаклида келтирилади).

Айтайлик истеъмолчи «1» ёзилган клавишни босди, у ҳолда компьютер мониторида қуйидаги кетма–кетликдаги маълумотлар чиқади:

«БОШЛАНҒИЧ БОСҚИЧ – 0;
АСОСЛОВЧИ БОСҚИЧ – 1;
ШАКЛЛАНТИРУВЧИ БОСҚИЧ – 2;
ТАСДИҚЛОВЧИ БОСҚИЧ – 3;
ЯКУНЛОВЧИ БОСҚИЧ – 4;
НАТИЖАВИЙ БОСҚИЧ – 5;
ЮҚОРИДАГИ БОСҚИЧЛАРДАН ҚАЙСИ СИЗНИ ҚИЗИҚТИРСА, ТЎҒРИСИДАГИ РАҚАМГА МОС КЛАВИШНИ БОСИНГ!»

Бизнинг ўрганаётган мавзумизга мос босқич бу **шакллантирувчи босқич** бўлади. Шу сабабли биз «2» рақамии бор клавишни босамиз ва компьютер мониторида қуйидаги кетма–кетликдаги маълумотлар пайдо бўлади:

АҚЛ – 1;
ОНГ – 2;
ФИКР – 3;
ФИКРЛАШ – 4;
ИЛМ – 5;

БИЛИМ – 6;

ФАН – 7;

ИЖОД – 8;

ИЛМИЙ ҚАРАШ – 9;

ЯНГИ ФИКР – 10;

ДУНЁҚАРАШ – 11;

ИЛМИЙ ДУНЁҚАРАШ – 12;

ТАФАККУР – 13;

МАФКУРА – 14;

МИЛЛИЙ МАФКУРА – 15.

Юқоридагидек, бу босқичда ҳам қайси сатрдаги маълумот керак бўладиган бўлса, ўша сўз тўғрисидаги рақамга мос клавиш босилади ва ундан талабалар интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга тайёр материал сифатида фойдаланилади. Бу ерда шуниси диққатга сазоворки, истеъмолчи хоҳласа юқоридаги маълумотлар кетма–кетлигидан навбатма–навбат фойдаланиши мумкин ва айрим ҳолларда фақат мавзуга мос маълумот билан чегараланиши ҳам мумкин. Бу истеъмолчининг вақт бюджетига ва хоҳишига боғлиқдир. Айтайлик, истеъмолчи **илмий дунёқараш** ҳақидаги маълумот билан чегараланмоқчи, у ҳолда ўрталиғида ҳеч бир белгисиз «1» ва «2» рақами бор клавишларни босиш етарли ва компьютер мониторида қуйидаги маълумот пайдо бўлади (маълумотлар 7–иловада берилади):

Бу маълумотлар охирида компьютер мониторида «ИЛМИЙ ДУНЁҚАРАШГА МОС ЭЛЕКТРОН ПОРТФЕЛ СИЗНИНГ ХИЗМАТИНГИЗДА», деган ёзув чиқади.

Шундан кейин компьютер мониторида ИДга тегишли бошқа маълумотлар ҳам керак бўлса, истеъмолчи компьютер мониторидаги «ЭЛЕКТРОН ПОРТФЕЛЬ»га мурожаат қилиши мумкин. Буни «ENTER» ёзувли клавишни босиш орқали амалга ошириш мумкин.

«ЭЛЕКТРОН ПОРТФЕЛ»да қуйидаги тушунчалар таърифлари бор: муҳит, тарбия, ақл, онг, дунёқараш, фикр, илм, билим, илмий билим, илмий қараш, эътиқод, хотира, истеъдод, илмий тафаккур, индивидуал дунёқараш,

ижтимоий дунёқараш, тафаккур, ғоя, қараш, таълимот, маърифат, мифологик дунёқараш, диний дунёқараш, фалсафий дунёқараш, интеллект, интеллектуал мулк, интеллектуал салоҳиятли инсон, менталитет, умуминсоний қадриятлар, цивилизация, илмий қадриятлар, илмий изланиш, фикрлаш, хулоса қилиш, янги фикр, янгилик (ижодий даража), ижод, илмий тушунча, кузатиш, эксперимент, тажриба, моделлаш, математикалаштириш, тизим, тизимий таҳлил, тизимий ёндашув, реферат, маъруза матни, илмий ҳисобот, курс иши, тезис, курс лойиҳаси, илмий маъруза, мақола, фаол таълим, моделли таълим, аннотация, дастурлаштирилган таълим, автореферет, мулоқат назорат дарси, конференция дарс, топоғонлик дарси, бошқотирмалардан фойдаланиш дарси, аукцион дарс, кўргазмали дарс, тренинг дарс, маърузалар курси, ахборот, маълумот, маълумотлар базаси.

Бу «ЭЛЕКТРОН ПОРТФЕЛ»даги маълумотлардан нафақат ИД мавзусини ўрганишда, балки, талабалар интеллектуал салоҳитятини юксалтиришда ҳам фойдаланиш мумкин. Бу жуда зарур, чунки, **XXI аср интеллектуал салоҳиятли авлодники**, деган талаблар қўйилмоқда.

«ИНТЕЛЛЕКТ» номли ККТ ёрдамида талабалар ИДни кенгайтиришда қуйидаги кетма–кетлик эътиборга олинади ва шу асосда талабалар **интеллектуал салоҳиятини аниқлаш мезони** яратилади ҳамда талабаларнинг ИДни юксалганлик босқичи ҳам аниқланади:

1. ИДни юзага чиқарувчи асослар.
2. ИДни шакллантирувчи дастлабки асослар.
3. ИДни ривожлантирувчи асослар.
4. ИДнинг натижавий асослари.

Юқорида қайд этилган 4 та босқич орқали ББСЎнинг интеллектуал салоҳияти аниқланади ва 2.2.2–шаклда кўрсатилганидек натижалар белгиланади ҳамда хулосалар қилинади. Олинган натижа ва қилинган хулосалар асосида ББСЎнинг кейинги фаолиятига мос тавсиялар берилади.

ХУЛОСА

Илм–фан ва техника–технологиялар соҳасида эришилаётган сўнгги ютуқлар бўлажак мутахассислар малакавий даражасига нисбатан бир қатор талабларни қўймоқда. Ушбу талаблардан бири бўлажак мутахассисни ўз соҳаси бўйича янгиликларни ўз вақтида англай оладиган қилиб тарбиялашдан иборатдир. Бунда таълим жараёнига АКТларини кенг жорий этиш бўлажак мутахассисларнинг умумий дунёқараши кенгайиши, ўз касбига тегишли назарий ва амалий билимларни пухта эгаллашига имконият яратилади. Ушбу соҳада, хусусан ББСЎнинг ИДни шакллантириш борасида олиб борилган илмий тадқиқот ишларимиз натижалари қуйидагича хулосалар чиқариш учун асос бўлди:

1. Дунёқараш шаклланишининг муҳим хусусиятларидан бири шундан иборатки, у хусусий кўринишлардан умумий кўринишларга, яъни индивидуал хусусиятлардан ижтимоий хусусиятларга ривожланиб, такомиллашиб бораверади ва шунинг билан бирга у ижтимоий муносабатлар билан чамбарчас боғлиқ. Дунёқараш кишиларнинг ёши ҳаёт тажрибаси, интеллектуал салоҳияти, мафкураси ва шу кабилар билан боғлиқ равишда ривожланиб, такомиллашиб боради. Булар орқали талабаларни интеллектуал салоҳиятли, сиёсий онгли қилиб тарбиялаш имконияти яратилиб, унинг ёрдамида эркин мустақил фикрлайдиган, ўзлигини англай оладиган, яъни ҳар хил зарарли оқимларга қўшилиб кетавермайдиган бўлажак кадрларни тайёрлашга мустаҳкам асос бўлади.

2. Инсон камолоти ва унинг юксалишида ёшларимизнинг маънавий жиҳатдан тарбияланганлиги ва ИД кенглиги муҳим рол ўйнайди. Шу сабабли ҳам талабаларимиз дунёқарашини шакллантириш ва юксалтиришда улар онгига миллат, Она тупроқ, Она Ватан, халқ ва унинг тарихий илдизлари асосидаги бой миллий–маънавий меросимиз ҳақидаги маълумотларни таълим–тарбиянинг барча жабҳаларига сингдириб бориш лозим, акс ҳолда улар орасида «маънавий беморлар» учраб қолиши мумкин ва уларни тарбиялаш эса таълим–тарбия муассасалари олдига янада муҳимроқ

вазифаларни қўяди, чунки бу «маънавий беморлар» бор жойда ғоявий бўшлиққа йўл қўйилган бўлади. Шунинг билан бирга талабалар онгида миллат, милий ахлоқ, миллий ғурур, миллий тарбия, миллий салоҳият, Ватан туйғуси, Ватан қайғуси, Ватан соғинчи ва шу каби тушунчаларни шакллантириш, уларнинг миллий дунёқарашини кенгайтиришга асосий омиллардан биридир. Бунда инсон камолоти учун миллий тарбиямизга хос бўлган меҳр–оқибат, ҳурмат–иззат, мурувват, ор–номус, бағрикенглик ва шу кабилардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

3. Талабалар онгига илмий қадриятларни сингдиришни қуйидаги кетма–кетлик асосида олиб бориш мақсадга мувофиқ бўлади: қадрий асос (илмий қадриятларнинг намоён бўлиши омиллари); қадрий онг (илмий қадриятларни пайдо қилувчи асослар); қадрий натижа (натижавий илмий қадриятлар); қадрий баҳо (илмий қадриятларнинг жамият тараққиёти ва ёшлар таълим–тарбиясига таъсири); хулоса (шахс маънавий ва илмий дунёқараши шаклланганлиги бўйича); башорат (шахс илмий дунёқараши юксалиши бўйича); тавсия (амалий фаолиятга фойдаланиш бўйича) ва улар талабалар ИДни кенгайтиришнинг алгоритмик босқичларини яратишнинг дидактик асоси бўлиб ҳисобланади.

4. Умуминсоний ва илмий қадриятлардан аввало фан ва таълим тараққиётида, кишилар турмуш шароитини яхшилашда омма камолига эришишда, жамоа манфаатларини юксалтиришда, жамият тараққиёти савиясини тезлаштиришда ва давлатнинг иқтисодий ҳамда маънавий–маърифий қудратини юксалтиришда фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлиб, улар ББСЎ маънавиятининг шакланишида, уларнинг касбий ривожланишида мустаҳкам асос бўлади ва уларнинг ИДни кенгайтиришнинг самарали йўлларидан кафолатланади.

5. ИДнинг шаклланиш жараёни шахс фаоллиги, ақл қувватини ишга солиш, борлиққа ўзгартириш киритиш борасидаги мустақил ҳаракатдир. ББСЎни тайёрлашдаги ушбу мустақил ҳаракатни бошқариш ҳам ижобий фаолиятни талаб этиб, уни узлуксиз мантиқий кетма–кетликда (шу жумладан

I–IV курсларда) олиб боришни ва ИДни шакллантиришни бир бутун тузилма орқали ифодалашни талаб этади. Мазкур тадқиқотимиз натижалари ББСЎнинг ИДни шакллантириш узлуксиз кетма–кетлигини қуйидагича ифодалаш керак эканлигини кўрсатди: бошланғич босқич; асословчи босқич (I курс); шакллантирувчи босқич (II курс); тасдиқловчи босқич (III курс); якунловчи босқич (IV курс); натижавий босқич.

6. ИДни шакллантиришнинг узлуксиз кетма–кетлиги ва ундан амалиётда фойдаланиш натижалари ББСЎнинг ИДни юксалтириш узлуксизлигининг ахборотли таъминотини яратишни тақозо қилди ва уни амалиётга кенг жорий этиш орқали бўлажак мутахассисларининг ИД узлуксиз равишда юксалтириб боришга эришилди.

7. Мазкур йўналишда тадқиқот олиб бориш давомида ишлаб чиқилган талабалар ИДни кенгайтиришнинг алгоритмик тизимини амалиётга кенг жорий қилиш натижасида маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, сақлаш, узатиш ишларини бажарувчи алгоритмик блокларининг қуйидагича функционал вазифалари мавжудлиги аниқланди: тадқиқот объектини танлаш; тадқиқот жараёни технологиясини илмий жиҳатдан асослаш ва унга мос МБ ҳамда АБни тайёрлаш механизмини яратиш; тадқиқот мақсади ва объектига мос маълумотларни йиғиш мезонларини яратиш ва улар асосида МБни тайёрлаш; тайёрланган МБни тадқиқот вазифаларига мос тизимларга ажратиш ва улар асосида ахборотли таъминотни тайёрлаш алгоритмини яратиш; тадқиқот мақсад ва вазифаларига мос фойдаланиладиган мезон, тамойил ва алгоритмларни аниқлаш; фойдаланиш керак бўлган методология ва унга мос таълим технологиясини танлаш ҳамда лозим топилганда уларни такомиллаштиришга эришиш; юқоридаги функционал вазифаларни жорий этишнинг оптимал вариантини кафолатлашга бошқариш алгоритмини яратиш; ялгоритмик тизимни бошқариш алгоритми ёрдамида жорий этишга тайёрлаш.

Яратилган алгоритмик таълим–тарбия соҳасидаги кўпгина муаммоларни оптимал ечимларини топиш учун универсал методология

бўлиб, озгина ўзгартиришлар қилиш орқали ундан бошқа шунга ўхшаш муаммолар оптимал ечимларини топишда фойдаланиш мумкин.

8. Яратилган «ИНТЕЛЛЕКТ» номли ККТ орқали таълим–тарбия жараёнига инновацион ёндашувлар қилишга имконият яратилди ва ЯАТнинг жорий этилишига кенг имкониятлар яратилди ҳамда компьютерлар ёрдамида кенг кўргазмалилик таъминланди ва булар ўз навбатида қуйидагича **афзалликларни** қўлга киритишга имконият яратди: ББСЎ ўқув режаси ва дастури, ДТС, КТМД ва «Таълим тўғрисида»ги Қонун каби меъёрий ҳужжатлар талаблари асосида ИДни юксалтиришга эришади ва булар талабалар ақлий тарбиясига ижобий таъсир этади; ИДни кенгайтиришнинг узлуксиз тизими яратилади ва бу жараёндаги кўргазмалилик кафолатланади; ИД ва ақлий тарбия йўналишидаги тушунчаларнинг мантиқий кетма–кетлиги асосида ўзлаштирилиши орқали ББСЎнинг билими янада мустаҳкамланади; ББСЎнинг ИД юксалиши алгоритмик тарзда олиб борилиши мақсадга мувофиқ эканлиги яна бир бор исботланади; фанга оид ИД ва улар асосидаги ақлий тарбияга оид тушунчаларни умумий дастур асосида компьютер воситасида ўрганиш имкониятининг мавжудлиги ББСЎнинг мустақил ишлаши учун оптимал вариантларни қўлга киритиш имконини беради; ККТ билан мунтазам шуғулланиш ББСЎнинг ИД ва ақлий тарбияга оид БКМларни компьютерда мустақил шакллантиришларига эришишларини кафолатлайди ва бу ўз навбатида улар билан қўшимча қизиқарли машғулотлар олиб боришга имконият яратади.

9. ККТ ёрдамида талабалар ИДни юксалтиришнинг узлуксиз кетма–кетлиги асосида бўлажак мутахассисларнинг **интеллектуал салоҳиятини аниқлаш мезони** яратилди ва унга асосланган ҳолда олинган натижа ва қилинган хулосаларга биноан ББСЎнинг кейинги фаолиятига мос **тавсиялар** берилади.

10. ТСИ натижалари асосида шуни таъкидлаш мумкинки, талабаларимиз замон талаби асосида касбий фаолиятга тўла тайёр бўлишини хоҳласа, улар албатта ахборотли ўқув муҳити тўғрисида батафсил

маълумотларга эга бўлиши керак экан ва уни мутахассислар тайёрлаш йўналишларига мос равишда олиб боришни йўлга қўйиш лозим, айниқса ижтимоий–гуманитар йўналишлар бўйича мутахассислар тайёрлашда тайёр интеллектуаллаштирилган компьютерли тизимдан, компьютерли тренажёрлардан, касбий компьютерли ўйинлардан фойдаланиб, интеллектуал салоҳиятини бойитиб ва ИДни юксалтиришга эришилса замон талабига мос рақобатбардош мутахассислар тайёрлашга эришилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: 2008. – 28б.
2. Каримов И.А. Иқтисодиётни эркинлаштириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш – бош йўлимиз. // Маърифат, – Тошкент: 2002 (16.02.02й.). – Б. 1– 2.
3. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. – 7– том. – Тошкент: Ўзбекистон, 50 бет.
4. Каримов И.А. Соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади. // Халқ сўзи. – Тошкент: 2004 (8.12.2004й.) – Б. 1– 2.
5. Ўзбекистон Республикаси Давлат таълим стандартлари. Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим стандартларининг давлат тизими. Олий таълим. 5141600 – Бошланғич таълим ва спорт–тарбиявий иш йуналиши. – Тошкент: 2006 – 24б.
6. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» // Олий таълим (меъёрий ҳуқуқий ва услубий ҳужжатлар тўплами). – Тошкент: 2004. – 12б.
7. «Таълим тўғрисида»ги қонун // «Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори». – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – Б. 20 – 29.
8. Ўзбекистон Республикаси Олий таълимнинг меъёрий ҳужжатлари. – Тошкент: 2001. – Б. 14 – 15.
9. Абу Али ибн Сино. Шеърлар ва тиббий достон. –Тошкент: 1981. – 141 – б.
10. Абу Наср Форобий. Фазилат, бахт – саодат ва камолот ҳақида. – Тошкент: Ёзувчи, 2002. – …. Б.
11. Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шаҳри. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. – …б.
12. Абдураҳмонов А. Саодатга элтувчи билим. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2002. – 720 б.
13. Глушков В.М. Основы безбумажной информатики. – М.: Наука, 1987. – 552 с.
14. Ёқубов А. Сиҳат–саломатлик йили: мазмун ва моҳият. – Тошкент: 2005. –

23 б.

15. Зиёмуҳаммедов Б. Комилликка элтувчи китоб. – Тошкент: TURON–IQBOL , 2006. – 350 б.
16. Ислом энциклопедияси. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашри, 2004. – 157 б.
17. Комилов Н. Комил инсон – миллат келажаги. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – 47 б.
18. Муҳаммад Мусо Ал–Хоразмий. Танланган асарлар. – Тошкент: Фан, 1983. – 159 б.
19. Темур тузуклари. – Тошкент: // Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1996. – 172 б.
20. Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. – Тошкент: Истиқлол, 1999. – 166 б.
21. Фалсафа: қомусий луғат. – Тошкент: Шарқ, 2004. – 476 б.
22. Фитрат А. Нажот йўли. – Тошкент: Шарқ, 2001. – 16 б.
23. Сайидахмедов Н. Янги педагогик технологиялар. – Тошкент: Молия, 2003. – 172 б.
24. Толипов Ў.Қ. Педагогик технология: назария ва амалиёт. – Тошкент: Фан, 2005. – 23 б.
25. Тўрақулов Х.А. Илмий ижодиёт методологияси. – Тошкент: Фан, 2006. – 252 б.
26. Тўрақулов Х.А. Педагогик тадқиқотларда ахборот тизимлари ва технологиялари. – Тошкент: Фан, 2006. – 248 б.
27. Бозорова С. Олий таълимда касбий йўналтирилган ўқитиш технологияси. – Тошкент: Fan va texnologiya, 2006. – 112 б.
28. Зуннунов А. Педагогика назарияси. – Тошкент: Алоқачи, 2006. – 164 б.
29. Истиқболли педагогика асослари Х.А. Тўрақулов, М. Ҳошимхонов ва Х.А.Тўрақулов таҳрири остида. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2003.–136 б.
30. Ишматов Қ. Педаогик технология асослари. – Наманган, 2001. – 136 б.
31. Йўлдошев Ж.Ғ., Усмонов С.А. Педагогик технологиялар асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 2004. – 104 б.

32. Камолова Ш. Ўқув билиш фаолиятининг таснифи ҳақида /“Фан, таълим ва амалиёт” мажмуасининг долзарб муаммолари: илмий мақолалар тўплами. – Жиззах, ЖДПИ, 2006. – №1. – Б. 83 – 88.
33. Камолова Ш. Талабалар илмий дунёқарашини юксалтиришда илмий изланишлар ҳақидаги билимлар узлуксизлиги /“Фан, таълим ва амалиёт” мажмуасининг долзарб муаммолари: илмий мақолалар тўплами. – Жиззах, ЖДПИ, 2006. – № 1. – Б. 48 – 49.
34. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 12 жилдли. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2002. – 3. ж. – 704 б.
35. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 12 жилдли. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2003. – 5. ж. – 595 б.
36. Рахимов Б.Х. Бўлажак ўқитувчиларда касбий–маданий муносабатларнинг шаклланиши.–Пед. фан. номз. дис. автореф.–Тошкент: ЎзПФИТИ, 2005.– 24 б.
37. Юлдашева Д.Н. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талаблари асосида таълим мақсадини белгилашнинг дидактик асослари – Пед. фан. номз. … дис. автореф. – Тошкент: ЎзПФИТИ, 2007. – 21 б.
38. Кошчанов Э., Каримов Р., Жабборов Э. Таълим жараёнида математик моделлаштириш ва ЭҲМ ёрдамида эксперимент ўтказиш // Илм сарчашмалари. – Урганч, 2002. – № 4. Б. 12–15.
39. Мардонов Ш.Қ. Педагогик таълим тизимида таълимий қадриятлардан фойдаланиш // Халқ таълими.– Тошкент: 2005. – № 6. – Б. 24–27.
40. Тиллаев Ҳ. Шарқ алломалари жамият ва инсон тарбияси ҳақида // Халқ таълими. – Тошкент: 1999. – №6. – Б. 71–74.
41. Тўрақулов Х.А., Камолова Ш. Умуминсоний ва илмий қадриятлар. // Бошланғич таълим. – Тошкент: 2007. – № 3. – Б. 6 –7.
42. Хайитов А. Дарс жараёнини компьютерлаштириш хусусида // Узлуксиз таълим.– Тошкент: 2004. – № 3. – Б. 46 –52.
43. Қувондиқов Э.О. Педагогик синергетика ва унинг истиқболлари // Педагогик маҳорат.– Тошкент: 2006. – № 1. – Б. 14–19.

44. Тўрақулов Х.А., Кушвактов Н.Ҳ. Тоғаева Ш. Баркамол авлод тарбияси // Миллий маънавият ва мафкура / ЖДПИ илмий ишлар тўплами. – Тошкент, 2002. – Б. 19–20.
45. Камолова Ш. У. Амир Темурнинг одоб–ахлоқ тўғрисидаги ўғитлари инсоний муносабатлар талқинида // Педагогика фанининг баркамол авлодни шакллантиришдаги ўрни: Республика илмий–амалий конференция материаллари. – Жиззах: ЖДПИ, 2003. – 1 қ. – Б. 44–46.
46. Камолова Ш.У. Миллий қадриятларни қайта тиклашда шахслараро муносабатларни шакллантиришнинг баъзи масалалари // Педагогика фанининг баркамол авлодни шакллантиришдаги ўрни: Республика илмий–амалий конференция материаллари. – Жиззах: ЖДПИ, 2003. – 1 қ. – Б. 103–105
47. Камолова Ш.У. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг маънавияти ва касбий соҳаси бўйича вазифалар // Бошланғич таълимда инновацион технологялар: муаммолар, ечимлар: Республика илмий–амалий конференция материаллари. – Жиззах: ЖДПИ, 2006. – 3 қ. – Б.
48. Камолова Ш.У. Шахс маънавиятининг шаклланишида умуминсоний қадриятлар // Илм заковатимиз сенга Она Ватан! Республика илмий–амалий конференция материаллари. – Фарғона: ФарДУ, 2006. – 1 қ. – Б. 171–172.
49. Камолова Ш., Пўлатова Н. “Авесто” ва ёшлар дунёқараши // Бошланғич таълимда инновацион технологялар: муаммолар, ечимлар: Республика илмий–амалий конференция материаллари. – Жиззах: ЖДПИ, 2006. – 1 қ. – Б. 103–105.
50. Камолова Ш., Тўрақулова И.Х. Баркамол авлод тарбиясининг маънавий–маърифий асослари // Талабалар соғлом турмуш тарзини шакллантиришда жисмоний тарбия ва спортнинг аҳамияти: Республика илмий–амалий конференция материаллари. – Жиззах: ЖДПИ, 2005. – Б. 112–115.

51. Тўрақулова И.Х. Талабаларнинг маънавий дунёқарашини кенгайтиришда ривоятларнинг ўрни // Бошланғич таълимда инновацион технологиялар: муаммолар, ечимлар: Республика илмий–амалий конференция материаллари. – Жиззах: ЖДПИ, 2006. – Б. 61– 63.
52. Тўрақулов Х.А., Аликулов С.Т., Ўролов Қ.Н. Бошланғич таълимга қўйилган замонавий талаб – давр талаби // Бошланғич таълимда инновацион технологялар: муаммолар, ечимлар: Республика илмий–амалий конференция материаллари. – Жиззах: ЖДПИ, 2006. – Б. 14–18.
53. Тўрақулов Х.А., Аликулов А.С, Камолова Ш.У., Юлдашев Ш. Педагогик илмий ходимлар тайёрлаш жараёни узлуксизлигини таъминлаш // Таълим мазмунини модернизациялаш босқичида илмий, илмий–педагогик кадрлар тайёрлашнинг долзарб муаммолари: Республика илмий–амалий конференция материаллари. – Тошкент: ЎзПФИТИ, 2006. – Б. 171–173.
54. Тўрақулов Х.А., Камолова Ш.Ў. Талабалар илмий дунёқарашини кенгайтиришнинг узлуксизлиги // Ёшлар дунёқараши ва ижтимоий фаоллигини шакллантириш: муаммолар ва ечимлар: Республика илмий–амалий конференция материаллари. – Қўқон: ҚДПИ, 2007. – Б. 99 – 101.
55. Тўрақулов Х.А., Камолова Ш. Ёшларга миллий тарбиямиз асосларини сингдириш кетма–кетлиги // Ёшлар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдиришда ижтимоий гуманитар фанларнинг вазифалари: Республика илмий–амалий конференция материаллари. – Жиззах: ЖДПИ, 2006. – 1қ. – Б. 277–280.